



*Мен Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», — деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.*

*Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.*

*Чунки таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кузлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.*

Ислом КАРИМОВ

BARKAMOL  
AVLOD  
ORZUSI

"O'ZBEKISTON MILLIY ENSIKLOPEDIYASI"  
DAVLAT ILMIIY NASHRIYOTI  
TOSHKENT

66.75  
Б-29

# БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Тўлдирилган иккинчи нашри

ТДИИ К.У. 325177  
JIXOZ

"ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ"  
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ

Б 29

Б  $\frac{0804000000}{358-2000}$

ISBN 5-89890-162-0

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1999 й.

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
давлат илмий нашриёти, 2000 й.

## МУНДАРИЖА

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
ПОЙДЕВОРИ (Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон  
Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзлаган нутқи) ..... 9

ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ХАЛҚНИ — ХАЛҚ,  
МИЛЛАТНИ — МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН  
(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Тафаккур»  
журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари) ..... 31

ИРОДА ВА ИЙМОН — ЭЪТИҚОДИМИЗ СИНОВИ  
(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг  
1999 йил 16 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида  
сўзлаган нутқи) ..... 50

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ  
(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг  
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг  
саволларига жавоблари) ..... 65

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ  
БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ  
ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАРИ ..... 79

«КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ»НИ АМАЛГА  
ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ПУБЛИЦИСТИК МУЛОҲАЗАЛАР ..... 113

### *Биринчи фасл*

#### *Аждодлар орзуси*

Миллат қонидаги барҳаёт маърифат ..... 114  
Маърифатни унутиш поймол бўлишдир ..... 115  
Миллий кадр ҳақида орзу ..... 117  
Мудҳиш тузумда биз ким эдик? ..... 123

### *Иккинчи фасл*

#### *Мустақиллик — орзулар рўёби*

Буюк неъмат қандай имкониятлар яратди? ..... 127  
Биринчи қонун нима берди? ..... 129  
Тест — адолат мезони ..... 130

Президентга ёзилган илк мактуб .....	131
Хориждан келтирилган олтинлар .....	137
Ўқитувчилар куни қайси давлатда умумхалқ байрами? .....	140
Қайси мамлакатда қўп мактаб қурилди? .....	144
«Умид» совриндорларидан умидим катта? .....	146
Президент орзусидаги ШАХС .....	151

### **Учинчи фасл** **Орзуга эришмоқ йўли**

Авалло мақсад аниқ бўлмоғи лозим .....	156
Вазифа тўғри англанса, орзуга етишмоқ осон кечади .....	164
Бу вазифаларни бирдан бажариб бўладими? .....	168
Миллий модел нима? .....	170
Узлуксиз таълимнинг таркибини биласизми? .....	176
Мактабгача таълим деганда фақат «боғча» тушуниладими? .....	177
Мажбурий таълим неча йил? .....	178
Академик лицей нима-ю, касб-ҳунар коллежи нима? .....	181
Олий таълимни ислоҳ қилиш омиллари нималардан иборат? .....	187
Давлат грантлари ва тўлов-контракт усулидаги қабул деганда нима тушунилади? .....	189
Бакалавриат нима? Магистратурачи? .....	190
Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз? .....	194
Мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимининг ислоҳотларни амалга оширишдаги роли нималардан иборат? .....	195
Боланинг бўш вақти .....	197
Фаннинг кадрлар тайёрлашдаги ўрни нималардан иборат? .....	198
Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлашга таъсири .....	200

### **Тўртинчи фасл** **Баркамол авлод ёхуд** **«Портлаш эффекти» нима?**

«Портлаш эффекти» нима? .....	203
«Биз болаларимизни ҳеч кимга бермаймиз» .....	209
Олдимизда яна қандай тўсиқлар бор? .....	230
Миллий дастур ниҳоллари .....	234
Махсус адабиётлар .....	245

## БАРКАМОЛ АВЛОД — ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Президент Ислам Каримовнинг биринчи чақирик  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
IX сессиясида сўзлаган нутқи

**Муҳтарам халқ ноиблари!**

**Азиз дўстлар!**

Олий Мажлиснинг бугунги сессиясида кўриб, муҳокама қилинаётган, ҳаётимизни ҳал этувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш, баркамол авлодимиз келажагига дахлдор қонун лойиҳалари ҳам бор.

Фурсатдан фойдаланиб бугунги кун тартибига қўйилган мана шу масалалар бўйича ўзимнинг баъзи фикрларим, мулоҳазаларимни билдиришга руҳсат бергайсиз.

**Ҳурматли дўстлар!**

**Азиз ватандошлар!**

Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Бу муқаддас заминда яшайётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди.

Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради.

Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

Ўзбек оиласи мустабидлик замонида ҳам ўзининг тарихан шакланган қиёфасини йўқотмади. Улуғ адибимиз Абдулла



Қодирий қаҳрамонларидан бирининг: «Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас», — дея айтган гапларида элимизга хос катта ҳаётий фалсафа мужассам.

Бу йўқ жойдан пайдо бўлган гап эмас. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратини обод этувчи қарзлари бор. Дину диёнатли хонадон оқсоқолларидан сўрасангиз, уларни лўнда қилиб санаб беради: **яхши ном қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касбли-хунарли қилиш, бошини икки, уйли-жойли қилиш.**

Бугун ана шундай олижаноб анъаналар қайтадан мустаҳкам қарор топиши ва ривожланиши учун истиқлол шарофати туфайли энг қулай муҳит яратилди. Бу, шубҳасиз, биз ота-оналар ва мустақил ,буюк келажакка интилаётган давлатимиз зиммасига жуда катта вазифалар ва масъулият юклайди.

Мана шунинг учун ҳам бугунги кунда биз бу масалага жиддий эътибор бермоқдамиз. Шунинг учун ҳам бу мақсадга қаратилган лойиҳалар жамоатчилигимиз диққат-эътибори марказига ўтмоқда, тарбия соҳаси ислоҳоти бугунги энг долзарб , эртанги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболли, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири — буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яна бир ҳақиқатни англаб етмоқдамиз. Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин.

Сир эмаски, **ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат** нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати

ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Бундай бойликнинг аҳамиятини англаш учун чор Россиясининг Туркистон ўлкасидаги генерал-губернатори М. Скобелев:

«Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназулга учрайди», деб айтган гапини эслашнинг ўзи кифоя қилади.

Бундай ёвуз қарашларга қўшимча изоҳ беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Лекин улардан керакли хулоса-сабоқ чиқариш учун бугун ҳам кеч эмас.

Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда.

Бу жараёнда охириги йилларда қилган ишларимиз ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

**Мактаб** соҳасида «Таълим ҳақида» Қонун қабул қилдик. 1996 – 1997 ўқув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида ўқиш янги алифбода олиб борилди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди.

Шу давр мобайнида 300 га яқин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди. 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олди, кўпгина ўқитувчилар хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш мақсадида чет мамлакатларга бориб қайтди.

Жойларда мактабларга ва ўқитувчи мураббийларга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёрдам бериш масалаларига эътибор анча кучайтирилди.

**Ўрта махсус таълим** соҳасида вилоятларда, жойларда бизнес мактаб, кичик ва ўрта мактаб учун касб-ҳунар курсларининг

очилиши, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги мутахассислик (фермер, солиқ ва божхона ходими, аудит ва ҳоказо) ларнинг киритилиши эътиборга лойиқдир.

Тошкент, Самарқанд, Урганч, Тўрткўл ва Андижонда банк коллежлари ҳамда Тошкент аёллар коллежи ташкил қилиниши ҳам шулар жумласидандир.

**Олий мактаб** соҳасида тест усули жорий этилиши; вилоятлар марказларида педагогика институтларининг университетларга айлантирилиши ва жойлардаги ўқув юртларига юқори таъсис низоми берилиши; ташкил этилган миллий ташкилот ва халқаро жамоалар ҳисобидан чет элларга тажриба алмашиш ва талабаларни ўқишга юбориш йўлга қўйилиши; иқтисод ва бизнес соҳасидаги мутахассис ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилиши; ўтиш даврида 2 мингдан ортиқ талаба ва мутахассиснинг чет элларда ўқиб келиши; 200 дан ортиқ чет эл мутахассисининг республикамиз ўқув муассасаларига жалб қилинишини қайд этишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Давлат ва жамият қурилиши академияси, Банк ва Молия академияларини ташкил қилганимиз ҳозирданок ўз самарасини бераётганини катта мамнуният билан таъкидлашимиз лозим.

«Маҳалла», «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Нуроний», «Улуғбек», «Умид» жамғармаларининг таълим-тарбия соҳасидаги эзгу ишларини, ўсиб келаётган авлодни жисмонан соғлом ва маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга қўшаётган ҳиссаларини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Бу борада амалга оширилаётган ижобий тадбирларимиз кам эмас.

Аммо, ҳолисона баҳо берганда, шуни тан олишимиз керакки, ўтган давр мобайнида амалга оширилган тадбирларимиз бутун ҳаёт талаб қилаётган натижаларни бераётгани йўқ. **Аввало шуни таъкидлашимиз керакки**, биз эски, шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан ҳали-бери тўлиқ қутулганимиз йўқ.

**Иккинчидан**, барча амалдаги ўзгаришлар ва тадбирлар асосан юзаки бўлиб, таълим-тарбия ва ўқув жараёнларини бир-бири

билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммоларини ечиб берган эмас.

**Учинчидан**, бизнинг амалдаги таълим-тарбия тизимимиз бугунги замонавий, тараққий топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаслиги кўп жойларда яққол кўринмоқда.

Бугунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва билим бериш тизими ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ислоҳот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан яқиндан боғланмаганлиги ҳар томонлама сезилмоқда.

Рухсатингиз билан, азиз дўстлар, ана шу масалаларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

**Очиқ тан олинш керак: мактабларнинг моддий базаси жуда ночор.** Бу масалада нақадар оқсоқлигимизни, ночорлигимизни, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги аҳвол-вазият мисолида очиқ тан олишимиз керак.

**Иккинчи масала, аввал айтганимдек, тарбиячи, яъни ўқитувчига бориб тақалапти.**

Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз.

Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам мана шу ерда. Ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало, мураббийнинг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак.

Шу билан бирга, ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳаётий талабларини қондириш, уларни рағбатлантириш, уларнинг ўз иши, касбидан мамнун бўлишини таъминлашимиз лозим.

Албатта, бу масалани бирданига ечиш қийин, лекин уни ечмасдан туриб, келажак авлод тарбияси тўғрисида гапиришнинг ўзи мутлақо номақбулдир.

**Учинчи масала** ўқув жараёнига тегишли. Биз совет даврининг охирироғида 11 йиллик ўқув тизимига ўтдик.

11 йиллик тизим таркибан 3 қисмга бўлинади: бошланғич таълим — 4 йил, тўлиқсиз ўрта таълим — 9 йил ва, ниҳоят, 2 йиллик тўлиқ ўрта таълим. Лекин ҳеч ким шу кунгача бошланғич синфларда ва ундан кейинги босқичларда ўқиётган болаларга қайси синфда нимани ўқитиш мақсадга мувофиқлигини илмий нуқтаи назардан асослаб берган эмас. Нима учун 10 йиллик умумтаълим жараёнини 11 йилликка ўтказганимизни ҳам кўпчилик ҳозиргача тушунгани йўқ. Эски таълим тизимининг энг ёмон қусури бошланғич таълимга иккинчи даражали иш деб қараётганимиздадир. Очиқ айтишимиз керак: билими саёз муаллимлар ҳам биринчи синфда дарс бераверади.

Бошланғич таълимга паст назар билан қаралишининг исботи шуки, собиқ СССРда бугун бошли педагогика техникумлари ва билим юрглари тизими ташкил этилиб, улар асосан 1—4 синф ўқувчиларини ўқитадиган муаллимлар тайёрлар эди.

**Ваҳоланки, боланинг дунёқарани, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бирктиб қўйишини оддий маънанинг ўзи талаб этади.**

Замонавий бошланғич таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак? Бола 1 — 4 синфларда қандай билимга эга бўлиши лозим? Уларнинг тарбияси қандай бўлиши керак? Шу масалаларга жавоб топишимиз зарур.

Яна бир муҳим савол.

Норасида боланинг мияси, онги нимани ўзига сингдира олади, нимани қабул қилмайди? Ким бу масалани илмий жиҳатдан тадқиқ қилган?

Болаларимизга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англантишимиз керак?

Афсуски, бу ҳақда ҳеч ким бош қотираётгани йўқ. Шу масалалар билан шуғулланиши керак бўлган мутасадди институт ва марказларимиз етарли. Хулоса шундайки, бугунги умумтаълим жараёнидаги уч босқичдан ҳеч қайсисида ўзига яраша талаб йўқ. Бошқача айтганда, ҳар қандай ўқув босқичига аниқ талаблар стандарт даражасида расмийлаштирилгани йўқ.

Шунга қараб, ўқув жараёни, мазмунини, ўқитиладиган дарсликлар сонини, қанақа синфда қандай билим ва тарбия бериш кераклигини аниқлаш мумкин бўлади.

Мисол учун, умумтаълим мактабларида ўқитилаётган фанларнинг сони 20 га етади. Лекин, афсуски, ўқув режаларида ёшларга ахлоқ ва одоб, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий билимлар асосларини ўргатадиган фанлар етарли ўрин олган эмас. Мавжуд фанлар эса таркибан эски ҳолида сақланиб қолмоқда. Бу эса мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида юзага чиққан давлат ва миллий эҳтиёжларни қондиришга тўсқинлик қилмоқда.

Ҳаммамизга аёнки, таълим дарслиқдан бошланади. Аччиқ бўлса ҳам тан олишга мажбурмиз: деярли барча соҳада дарсликларимиз аҳволи бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида эмас.

Бир нарсанинг аҳамиятига етиб боришимиз зарур, азиз дўстлар, ватандошларим!

Эски қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлардан фойдаланиб, эски мафкурадан холос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатолмаймиз, ахир. Буни барчамиз тушунишимиз, англашимиз даркор.

Олимлар орасида дарслик ёзишга пастроқ бир илмий иш сифатида қараш иллати бор. Нега бундай? Бу психология қаердан пайдо бўлган? Ахир, дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илгор намуналари акс этиши керак эмасми? Ҳар бир соҳа бўйича дарсликни ўша фаннинг атоқли вакиллари ёзмайдиларми? Биз дарслик яратишга энг илгор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак. Дарсликни, агар керак бўлса, катта танлов асосида яратиш лозим. Танлов ғолибларидан маблағни аямаслигимиз лозим.

Яна бир муҳим масала.

Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта, бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик

шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир.

Аммо шунга алоҳида ургу беришимиз зарурки, чет тилларни ўрганиш минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим.

Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида раво, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсида ўтирганларни бугун тушувиш ҳам, оқлаш ҳам қийин.

Кечаги тарихимизда бизнинг гарб тилларини ўрганишимизда она тилимиз эмас, асосан, рус тили воситачи бўлиб келди. Шунинг ҳисобига ҳозиргача, мисол учун, инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча луғатлар деярли йўқ.

Бунинг натижасида ўзбек мактабларини битирган болаларимиз қисилиб қолиб, чет тилларни ўрганишда жуда кўп тўсиқларга учраётти.

Бундай заиф, ноўрин ҳолатларни тезда ўзгартириш, ўзбек боласига чет тилларнинг ажиб дунёсига бемалол кириши учун имкониятларни тўлиқ очиб беришимиз даркор.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишнинг миллий асосдаги жадаллаштирилган методикасини тайёрлашни тезлаштиришимиз керак.

Муҳтарам ватандошлар!

Бир эътибор беринг: педагогика тажрибасида «**битирувчи**» деган ибора бор. Бу иборага изоҳ бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Яъники, бола мактабни битирса бас, унинг билим ва тарбияси ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади.

Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирар эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: **бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак**.

Шу жойда яна бир оғир саволга дуч келамиз: болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайди? Умуман, мактабларда болалар мустақил фикр юритишга ўргатиладими? Аминманки, ўргатилмайди. Мабодо бирор ўқувчи ўқитувчига эътироз билдирса, эртага у ҳеч ким ҳавас қилмайдиган аҳволга

тушиб қолади. Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Принцип ҳам тайёр: «Менинг айтганим-айтган, деганим-деган».

Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир.

Умумтаълим мактабларининг оқсоқ томонлари ҳақида гапирар эканмиз, бир муҳим муаммони таъкидламасдан ўтолмаймиз.

Бу муаммо — бугун 9-синфни битираётган болаларимиз тақдири. Республикамизда тахминан 5 миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битираётганлар 450 минг нафар болани ташкил қилади.

Хўш, ўзимизча бир тасаввур қилиб кўрайлик. 9-синфни тугатаётганларнинг кейинги йўли — тақдири қандай бўлиб қолмоқда?

Маълумотларга қараганда, уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари хунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин. Қолганлари эса — гап 100 минг нафар болаларимиз ҳақида кетяпти — ҳисоб-китоб бўйича умуман кўчада қолмоқда. Бу маълумот ҳам тўлиқ эмас. 11-синфни битираётганлардан 20—25 минг нафари, яъни ҳаммаси бўлиб 10 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кириши мумкин.

Қолгап 90 фоизи эса на бир аниқ ихтисос. на бир эртанги ҳаётга керак бўладиган малака ва на бир касб-хунарни эгаллай оляпти. Ва шунинг оқибатида 16—18 яшар йигит-қизларимиз ўз



**қобилияти, ҳаваси, интилишига мос, ҳаётда ўзига муносиб ўрин товолаяпти.**

Кимки бу рақамларни, бу ачинарли ҳолатни чуқур таҳлил қилса, юрагидан ўтказиб, ўзининг шахсий дардидай англаса, албатта, бундай вазиятга бепарво бўлиб қолишига ишонмайман. Шунинг учун ҳам бугунги замон талаби, эртанги келажагимизнинг ташвишлари биздан халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Азиз дўстлар!

Энди ўқув тизимининг навбатдаги босқичига — вилоятлар ва туманларда жойлашган ҳунар-техника билим юртларига бир назар ташласак. Бугунги кунда уларда 280 мингга яқин ўғил-қизларимиз таълим олмоқда. Уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан қараганда, моддий-техника базасининг ночорлиги, улар бераётган билим ва тарбиянинг сифати, ўқувчилар олаётган жуда тор ихтисос-мутахассислиги, шу билан бирга, тарбиячи ўқитувчилар малакасининг пастлиги, бу билим юртларининг умуман бугунги кун талабига жавоб бермаслиги барчамиз учун аниқ бўлиши керак, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда бугунги кунда 22 вазирликка қарашли 268 ўрта махсус билим юрти, техникум мавжуд ва уларда 170 мингга яқин болаларимиз ўқимоқда.

Бундай ўқув муассасалари ишини ҳам, авваламбор, уларнинг самарасини бозор иқтисодиёти ва замон талаби нуқтаи назаридан қараб чиқишимиз лозим.

Қисқа қилиб айтганда, ҳаётимизнинг ўзи уларнинг ўрнига замон талаб қилаётган бутунлай янги таркибдаги ва ягона услубдаги замонавий ўрта махсус касб-ҳунар ва билим ўқув юртларини ташкил қилишни тақозо этмоқда.

Энг муҳими, ўрта поғонада янги ташкил қилинаётган ўқув муассасаларининг олдинги ўқув босқичи — умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юртлари тизими билан узлуксиз алоқа ва муносабатларини таъминлаш ва замон талабига жавоб бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Ҳурматли депутатлар!

Навбатдаги муҳим масала — олий ўқув юртлари ислоҳотидир.

Бугунги олий таълим олиш тизимининг заиф томонларидан бири—олий ўқув юртларида тайёрланаётган талабаларни олдиндан аниқланган фан ва техника, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларнинг эҳтиёжига, бир сўз билан айтганда, ҳаёт талабларига қараб ташкил қилмаганимиз, деб биламан.

Ўқув юртларимизни битириб, таълим-тарбия олиб чиқаётган ёшларимизнинг олган мутахассислиги ва тайёргарлиги кўп жиҳатдан замон талабларига, бозор иқтисодиёти эҳтиёжига жавоб бермаслиги кўзга ташланмоқда. Таълим соҳасида халқаро меъёрлар ва андозалар асосида давлат стандартларини ишлаб чиқмаганимиз, шунга қараб, ўқув юртларини замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаб, керакли моддий база туғдириб бермаганимиз, авваламбор, ўқув дастурлари эскича қолиб кетаётгани бугун тайёрланаётган мутахассислар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам олий ўқув юртлари ислоҳотини амалга ошираётганда мана шу ҳолатдан чиқаётган баъзи бир нуқсонларга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

**Биринчидан**, олий ўқув юртини битираётганлар қандай талабларга жавоб беришини аниқлаб олишимиз керак.

**Иккинчидан**, билимга чанқоқ, билим олишни ўзининг олий мақсади қилиб қўйган истеъдодли болаларни топиш, танлаш, қабул қилишда объектив адолатли тизим ва тартиб ўрнатиш, улар етарли маълумот олиши учун барча замонавий имкониятларни яратиб беришимиз керак.

**Учинчидан**, олий ўқув юртларида қандай ва неча хил мутахассислик бўйича таълим берилиши лозимлигини белгилаб олишимиз керак.

Шу жумладан, ҳозир тайёрланаётган 90—100 тага яқин мутахассисликдан қайси бири керак-у қайси бири керак эмаслигини ва янги замон талаб қилаётган янги мутахассисликларни аниқлаб олишимиз лозим.

Зарур мутахассисликлар бўйича давлат буюртмасини белгилаб олишимиз зарур.

Бугунги кунда 21 минг талабани давлат буюртмаси бўйича олий ўқув юртларига қабул қилиш белгиланган. Шу борада жиддий ўйлаб, қайси соҳаларга қанча давлат гранти берилади, қайси олий ўқув юртларида қайси мутахассисликлар тайёрланади — шунни аниқлаб олиш ва шунга яраша давлат маблағини ажратиш зарур. Шу билан бирга, контракт асосида, яъни ўзининг ҳисобидан билим ва мутахассислик олмоқчи бўлганларнинг ҳам режаларини аниқлаб олишимиз зарур.

**Тўртинчи масала.** Замон талабига мос мутахассис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт. Ўқув юртларининг раҳбарлари ва домла-профессорларининг таъминоти ва иш ҳақи ҳам шу жумладан.

**Бешинчи масала.** Ўқув дастури ва программаларини замонавий талабларга мослаштириб, истиқбол ва келажагимизни кўзлаган ҳолда тузиб олишимиз ва жорий этишимиз зарур. Бугун ишлатилаётган ўқув, программаларининг оқсоқ ва заиф томонларини, албатта, инобатта олишимиз даркор.

Масалан, бугун олий ўқув юртларининг дипломи билан ҳаётга кираётганларнинг ишни ташкил қилиш, маъмурий соҳаларда, маркетинг ва менежмент, бошқарув, ижтимоий психология ва социология каби фанларда заиф томонлари алоҳида эътибор талаб қилади.

Олий ўқув юртини ислоҳ қилаётганда, уларнинг бошқа давлатлардаги олий ўқув юртлари билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. Ўз домлаларимиз билан чекланиб қолмай, четдан ҳам домлалар чақиришни йўлга қўйишимиз керак.

Юртимиз йигит-қизлари таҳсилнинг охириги йилларини тараққий топган давлатларнинг ўқув марказларига бориб ўқишларини ташкил қилишимиз мақсадга мувофиқ иш бўларди. Бунга ҳеч қандай мафкура аралашмаслиги керак. Шартномаларга ректорлар жавобгар бўлиши керак. Ректор ташқи иқтисодий масалаларни ўз зиммасига олиши зарур. Қайси давлат, қайси университетлар билан алоқа қилишни илмий кенгашлар ҳал этиши лозим. Чет давлатлардаги ўқув юртлари билан бирлашган илмий кенгашлар тузиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Энг муҳим масалалардан бири шуки, домлаларнинг савияси ва билимини оширишга шарт-шароитлар туғдиришимиз керак. Домлалар, профессорлар, кафедра мудирлари ўз устида ишламаса, ўз соҳаси бўйича чет мамлакатларга илмий сафарларга бориб келмаса, тажриба алмашилмаса, албатта, бундай аҳвол ўқув жараёнига ва унинг самарасига салбий таъсир қилади.

Етук савияли домлаларни тайёрлаш бўйича махсус бир фонд ташкил этиш керак. Биз шу фонд орқали домлаларни, Ўзбекистон профессорларини чет мамлакатларга юбориб, малакасини ошириб келишига имконият яратишимиз керак.

**Улар чет элларда малакасини оширсин, донғи чиққан университетларда ўзлари лекциялар ўқисин, тажриба орттирсин, мана шундан кейин Ўзбекистоннинг обрўи — номи оламга овоза бўлади, иншооллоҳ.**

Хурматли халқ ноиблари!

Барчангизга маълумки, шу йил март ойида Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадр тайёрлаш жараёнига замон талаб қилаётган туб ўзгартиришларни киритиш мақсадида махсус ҳукумат комиссияси тузилган эди. Тегишли вазирлик ва идоралар, олим ва мутахассислар бу масалалар устида анча иш олиб бордилар. Бунинг натижаси — бугун сиз, депутатлар муҳокамасига қўйилган кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури ва таълим-тарбия бўйича тайёрланган қонуннинг янги таҳриридир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таълим-тарбия соҳасида ислохотлар ўтказиш ва уларнинг асосий йўналишлари, талаблари ва мақсадларини аниқлаш ҳамда тегишли хулосаларни чиқаришда, бугунги муҳокама қилинадиган ҳужжатларда кенг жамоатчилигимизнинг фикр-мулоҳазалари, тавсия ва изоҳлари ифода топган десак, ҳеч қандай муболаға бўлмас.

Нега деганда, бу муаммонинг ечимини топиш, бу масалада аниқ режаларимизни белгилаб олиш, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз ва истиқболимизнинг гарови эканини аксарият халқимиз англаб олмоқда.

Шунинг учун ҳам амалдаги таълим-тарбия тизимининг заиф томонларини замон талаблари, жамиятимиз келажаги ва

мақсадларига жавоб бермайдиган жиҳатларини чуқур тасаввур қилиш, эркин, бадавлат яшаётган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ўз ўлкамизда юксак малакали, ҳар жиҳатдан етук кадрлар тайёрлаш дастуримизнинг асосий шарти бўлмоғи лозим.

Миллий дастур кўзда тугган таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, тубдан янгилашга қаратилган асосий тамойиллар ҳақида ва бу дастурни жорий этиш жараёнлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ҳаммамизга маълумки, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларни ўтказиш, ўзбек модели деб ном олган ислоҳотлар сиёсатининг асослари бўлмиш беш тамойилнинг бирида ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш вазифаси қўйилган. Олти йиллик мустақил ҳаётимиз бу муҳим тамойил бизнинг шароитимизда нақадар тўғри эканлигини тасдиқлади.

Шунинг учун таълим-тарбия соҳасида ҳам белгиланаётган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилишда мана шу принцип — ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш принципи қўйилган.

**Биринчи босқич** — ўтиш даври бўлиб, у 1997—2001 йилларда, яъни 4 йил давомида жорий этилади. Бунда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш лозим. Бу босқичда асосан қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

Миллий дастурни амалга оширишнинг бошланиши: янги талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларни тайёрлаш; ўқув стандартларини яратиш ва янги ўқув программалари устида ишлаш; умумтаълим мактабларини тузилиш жиҳатидан қайта қуриш; уч йиллик таълим — ўрта махсус ва касб-ҳунар билим юртлари (касб коллежи ва академик лицей) тизимига замин тайёрлаш; узлуксиз таълим-тарбия тизимига асос соладиган тадбирларни амалга ошириш; ижтимоий ҳимояни кафолатлаш каби масалаларни ечиш босқичи.

**Иккинчи босқич** — 2001—2005 йилларни ўз ичига олади. Бунда Миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга оширишга эришиш даркор. Табиийки, тизим фаолиятининг самарадорлигини,

меҳнат бозорини инobatга олиб, ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиқиб, дастур ғоялари ва қоидаларига керакли ўзгартишлар киритилади.

**Учинчи босқич** — 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш зарур.

Биз шошилмасдан, асосий мақсаддан огишмай, изчиллик билан миллий дастурни амалга оширишимиз лозим. Шундагина у умумий маданиятни юксалтиришга, фарзандларимизнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига хизмат қилади.

Уларнинг касбий ва таълимий дастурларни онгли равишда танлаш ва эгаллашлари учун ҳуқуқий меъёрларни, ташкилий, руҳий-педагогик шарт-шароитларни таъминлашга кўмаклашади. Йигит-қизларимизни жамият, давлат, оила олдида ўз масъулиятини чуқур англаб етувчи шахслар этиб тарбиялашга замин бўлиб хизмат қилади.

Умумлаштирган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг асосий **тамоийллари**, менинг назаримда, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

— барча хил ва турдаги таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

— давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизминини ишлаб чиқиш;

— ихтисосликлар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабларнинг истиқболини аниқлаш;

— таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш;

— давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Бунда касб танлашнинг бозор эҳтиёжлари ва имкониятларини эътиборга олиш зарур, токи ҳар бир шахс ўзига мос касбни эгаллай олсин.

— ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

— таълим муассасаларини, биринчи навбатда, умумтаълим мактабларини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тўлиқ таъминлаш меъёрларини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштириш;

— кадрлар тайёрлаш тизими истеъмолчилари — корхоналар, муассасалар, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг имкониятларидан, биринчи навбатда, ўрта махсус касб-хунар ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш учун мумкин қадар кенгроқ фойдаланиш;

— кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл сармоялари, халқаро донорлик ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини жалб этиш;

— қонун доирасида ўқув режалари, дастурлари ва ўқитиш йўриқлари, таълимий хизматларни белгилашда таълим муассасаларига, биринчи навбатда, олий ўқув юртларига мустақиллик бериш ва ўзини-ўзи бонқариш усулларини жорий этиш.

Табииyki, бундай мураккаб вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамиятнинг масъулияти алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш кафили бўлиши зарур. Улар юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириши лозим.

Хурматли депутатлар!

Маълумки, халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шу сабабли бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиш даркор. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминида қурилганига асосий эътибор бериш керак.

Шунинг учун ҳам умумтаълим дастурларини **мактабгача тарбия, бошланғич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тарзида** тuzсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунинг учун қуйидаги тизимни асос қилиб олсак, кўзланган натижаларга эришамиз, деб ўйлайман.

**Биринчи.** Мактабгача таълим. Уч ёшдан бошланиб, олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулкчилик кўринишидан қатъи назар, бошқа хил таълим ташкилотларида олиб борилади.

**Иккинчи.** Бошланғич таълим. 1—4 синфларни ўз ичига олади ва бунда ўқиш олти-етти ёшдан бошланади.

**Учинчи.** Умумий таълим. Бунда ўқувчиларга 5—9-синфлар доирасида билим ва тарбия берилади.

Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак: умумтаълим мактаби барчамиз учун мажбурий бўлиб, уларда болаларимизга умумий билим асосларини чуқур ўргатишимиз керак, том маънода фарзандларимизнинг дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришимизга асос солишимиз керак.

**Тўртинчи.** Ўрта махсус билим ва касб-ҳунар таълими. Ўқиш муддати 3 йилдан кам бўлмаган академик ва касб-ҳунар лицейлари ва коллежлари.

**Бешинчи.** Олий мутахассислик таълими одатда ўн саккиз-ўн тўққиз ёшдан бошланиб, тўрт йилдан кам бўлмаган муддатда давом этади.

Олий мутахассислик таълими бакалаврлик ҳамда магистратурага бўлинади.

**Бакалаврлик** — йўналишлардан бири бўлиб, базавий олий таълим бериш демакдир. Унда ўқиш камида 4 йил давом этиб, у олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тугайди.

**Магистратура** — аниқ мутахассислик буйича олий касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизида камида икки йил давом этади. Ундаги таҳсил якуний квалификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади.

Шу билан бирга, биз ўз эҳтиёжларимиздан ва ички шароитларимиздан келиб чиқиб, узлуксиз таълимнинг расмий тизимида якунловчи бир босқични ҳам жорий этишимиз керак. Бу босқич икки даражага бўлинади, яъни аспирантура ва докторантурадан иборат бўлади.



**Аспирантура** — ниҳоясига етказилган магистрлик негизида 3 йил давом этади.

Аспирантуранинг мақсади — муайян мутахассисликлар бўйича олий квалификацияли илмий ва илмий-педагогик кадрларни шакллантириш. Аспирантура академик ва квалификацияон имтиҳонлари ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш билан якунланади. Бу якунларга кўра танланган мутахассислик бўйича «фан номзоди» илмий даражаси берилади.

**Докторантура** — фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил давом этади, диссертация ҳимоя қилиш билан якунланади. Якунга кўра танланган мутахассислик бўйича «фан доктори» илмий даражаси берилади. Бошқача айтганда, бу соҳада аввалги тартиб сақланиб қолади.

Булардан ташқари, янги тизимда **қўшимча касбий таълим** — қайта тайёрлаш ва малака ошириш масаласига ҳам катта эътибор берилиши керак.

Азиз юртдошлар!

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилаётганда бир муҳим масалага катта эътибор бериш лозим.

Болаларимизни неча ёшдан ўқишга қабул қилиш маъқул?

Олимларнинг фикрига кўра, нормал ривожланган болаларни 6 ёшдан мактабга қабул қилиш уларнинг ақлий, руҳий ва жисмоний камолотида, ўқув дастурларини яхши ўзлаштиришида ижобий самара беради.

Айни замонда, болаларни 6 ёшдан ўқишга жалб этишда уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндошиш, биринчи навбатда, уларнинг саломатлиги ва зеҳни, шуури қай даражада шаклланганлиги эътиборга олинishi лозим.

Шу билан бирга, мутахассислар ўтказган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, болаларимизнинг 10—30 фоизи юқорида айтилган сабабларга кўра, ҳозирги кунда 6 ёшдан мактабга боришга тайёр эмас. Айниқса, бу ҳол қишлоқ шароитида ўсаётган болаларнинг тахминан 50 фоизига тегишлидир. Жисмоний ва ақлий томондан ҳали тўлиқ

шакланмаган болаларнинг 6 ёшдан мактабга мажбуран қабул қилиниши уларнинг ўқиш давомида ўз ожизлигини сезиши ва қийналишига олиб келиши мумкин.

Агар биз болаларимизнинг ҳар қайсисининг хусусиятларини алоҳида эътиборга олмай, барчасини 6 ёшдан ўқишга жалб этишни мажбурий қонунлаштириб қўйсақ, улардан анчагина қисмининг тарбиясига салбий таъсир ўтказишимиз мумкин. Биринчи синфга 6 ёшдан ўқишга борган болада ёнидаги болага нисбатан жисмонан, руҳан ва ақлан тайёргарлик бўлмаса, бу болада мутелик, қўрқоқлик, ўз кучига ишонмаслик, ношудлик авж олади, бошқалар олдида у ўзини камситилган ҳис қила бошлайди.

Юқоридагиларни назарда тутиб, болаларнинг жисмоний ва ақлий етуклигини эътиборга олган ҳолда, уларни 6—7 ёшдан қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

/ Азиз дўстлар! /

3-РЕНЮ: 4

Бир нарсани олдиндан англаб олишимиз керак. Миллий дастурни амалга оширишдаги энг оғир, энг мураккаб ва энг нозик масала — 3 йиллик таълим муассасаларини ташкил этишда ва бу ноғонада болаларимизга билим бериш ва касб-хунарга ўргатиш муаммоларидир.

Таълим-тарбия тизимини такомиллаштирар эканмиз, биринчидан, 3 йиллик таълимнинг мазмун-моҳиятини аниқлаштириб олишимиз керак.

Янги — ўзимизга хос миллий тизимга ўтишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, таянч умумтаълим босқичини тугатган ўқувчига ўзининг хоҳиш-иродаси ва интилишига қараб икки турдаги уч йиллик ўрта махсус ўқув юртларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттиришга имконият яратишдир.

Назарда тутилган **биринчи турдаги** билим муассасаларини **ўрта махсус билим юртлари** (академик лицейлар) деб атасак мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки 9 йил давомида мактабларда ўқувчилар умумий таянч маълумоти олсалар, ўрта махсус билим юртларида улар ўзи танлаган таълим йўналиши бўйича билиминини ошириш ва муайян олий ўқув юртига кириш

учун аниқ мақсадга йўналтирилган фанларни мукамал ўрганишга қаратилган махсус билим олиш имкониятига эга бўладилар.

**Иккинчи турдаги 3 йиллик ўқув юртларини эса ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари (коллежлар) деб атасак тўғри бўлади.** Чунки, унда талабаларга ўзлари танлаган касб-ҳунар йўналишлари бўйича махсус билим берилади ва касб-ҳунар ўргатилади.

Мазкур ўқув юртлари замонавий жиҳозланганлиги, ўқитувчи-педагоглар савияси, ўқиш жараёнининг ташкил этилиши ва талабаларга камида 2—3 замонавий касб-ҳунар бера олиши билан олдинги ПТУлардан тубдан фарқ қилиши керак.

Шундай қилиб, бу икки турдаги 3 йиллик махсус таълим йўналишларини ёшларимиз ўз иқтидорларидан ва истакларидан келиб чиқиб, ихтиёрий танлайдилар.

Шу тариқа ёшларнинг бирон-бир шаклда билимларини такомиллаштириш, муайян касб-ҳунар эгаси бўлиб етишишлари учун шароит яратилади.

Ўқувчиларга 12 йиллик умумий ва ўрта махсус таълим бериш давлат томонидан кафолатланади. Бу ёшларнинг билим олишлари ёки ҳунар ўрганишларидан ташқари, уларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлайди.

Миллий дастурни амалга оширишнинг иккинчи мураккаб томони шундаки, бунда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос, жўғрофий, этник хусусиятларидан ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, болаларнинг ота-оналар бағрида ўқиши, касб-ҳунар эгаллаши таъминланади ва шу билан бирга, бу билим юртлари уша ҳудуднинг маданий-маърифий марказига айланиши лозим.

Ўзингизга маълум, узоқ қишлоқларда яшовчи ота-оналар фарзандларини ўз бағрида олиб қолишни истайди. Айнан шундай ҳолатларни ҳам инобатга олиб, жойларда 3 йиллик замонавий махсус касб-ҳунар ўқув юртлари ташкил этилиши лозим.

Ушбу масалани пухта ҳал қилиш мақсадида Меҳнат вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Олий ва Халқ таълими вазирликлари ишпирокида вилоятларда, туманларда

маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда демографик вазият, мактаблар, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртларининг жойлашиши, уларнинг моддий-техника базаси, ўқитувчиларнинг салоҳияти, имкониятлари ва бошқа кўрсаткичларини ниҳоятда чуқур ўрганиб чиқишлари керак.

Дастурни татбиқ этишдаги **учинчи мураккаб томони** махсус билим юртларида дарс беришга яроқли ўқитувчиларни тайёрлаш масаласидир. Мавжуд мактаблар, билим юртлари ўқитувчилари бу ишга тайёр эмаслиги равшан.

Шунинг учун барча педагогика институтлари ва университетларда 3 йиллик билим юртлари учун домлаларни тайёрлайдиган махсус факультетларни ташкил этиш лозим.

Шу билан бирга ҳар бир вилоятда 3 йиллик билим юртларида ишлаши мумкин бўлган мактаб ўқитувчиларининг малакасини оширишни ва қайта тайёрлашни йўлга қўювчи алоҳида марказлар очиш зарур бўлади.

Юқоридаги муаммолар ва мураккабликларни ҳал қилиш мақсадида янги ташкил этиладиган 3 йиллик махсус ўқув юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, молиявий ва таъминот манбаларини излаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ташқи инвестицияларни кенгроқ жалб этиш, бошқа манбалар: ҳомийлик, маҳаллий бюджет ва бошқа бюджетдан ташқари манбалардан унумли фойдаланиш йўлларини излаш керак.

Дастурнинг **тўртинчи мураккаб томони** ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим мазмунини белгилаш, уларни махсус дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш масаласидир.

Бу ерда тамомила янгидан ташкил этилаётган 3 йиллик махсус билим юртларининг 1,2,3-курсларида нималар ва қандай ихтисосликлар ўқитилади, маҳаллий ва замонавий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, талабаларга қандай касб-ҳунарлар берилади, деган қатор масалаларни ҳал қилиш тақозо этилади. Шу асосда оптимал давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш зарурати пайдо бўлади.

Мазкур ишларга мамлакатимизнинг йирик олимларини, тажрибали, юқори малакали амалиётчи ўқитувчилар, хорижий экспертларни кенг жалб этиш лозим.

### **Ўрнатилган халқ ноиблари!**

Мен уйлайманки, барчангизни қизиқтирадиган масалалардан энг каттаси — Миллий дастурни амалга ошириш учун керакли маблағ ва харажатлар ҳажми ва уларнинг манбаларидир. Дастурни қабул қилиш ва жорий этишдан олдин бу саволга жавоб топишимиз керак, албатта.

Молия вазирлигининг ҳисоб-китоблари буйича кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини жорий этишда давлат бюджетида қўшимча сарф-харажатларнинг ҳажми утиш даврининг ўзида тахминан 65 миллиард сўмни ташкил этади.

Қуриб турибсизки, халқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш, мазкур дастурни амалга ошириш биздан ниҳоятда катта куч, маблағ ва имконият талаб қилмоқда. Лекин истиқболимиз, иқболимиз кўзи билан қараганда, ҳам иқтисод, ҳам сиёсат, ҳам маънавият нуқтаи назаридан бу сарф-харажатларга назар ташласак, ундан келадиган манфаат ҳар қандай харажатларни қоплаши ва оқлаши муқаррар.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти ва иқтисодий ҳолати, халқимизнинг ақл-заковати ва иродаси бу ута масъулиятли, шу билан бирга шарафли, оддий тил билан айтганда, эл-юртимизнинг фаровон ва бахтли келажагини ҳал қилувчи вазифани муваффақиятли адо этишга замин ва имкон беради.

### **Азиз ватандошлар!**

Бизнинг аждодларимиз ҳамиша узоқни кўзлаб яшаган. Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг хаёлимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор.

Чинакам халқ булсак, чинакам миллат булсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга узгалар ҳавас қиладиган озод ва обод Ватан қолдирайлик.

## ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ХАЛҚНИ — ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ — МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом  
Каримовнинг «Тафаккур» журнали бош  
муҳаррири саволларига берган жавоблари)

**Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр,  
жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга  
киришиш, олишиш мумкин.**

*САВОЛ. Муҳтарам Президент, аввало, нафақат журналхонларимиз, балки кенг жамоатчилигимизни ўйлантириб турган саволларга ўз муносабатингизни билдиришга розилик берганингиз учун Сизга ташаккур изҳор этамиз.*

*Маълумки, бундан бир юзу ўттиз йил муқаддам халқимиз миллий мустақиллиги ва тарихий давлатчилигини йўқотиб, мустамлака асоратига тушиб қолган эди. Шу давр мобайнида аجدодларимиз, миллатимиз машаққатли синов ва кураш йўлларини босиб ўтди. Боболаримиз чор Россиясининг зулмини беадад тортган бўлса, оталаримиз Октябрь тўнтаришини, Гражданлар урушини, қулоқлаштириш компанияси, Сталин қатағонларини, Иккинчи жаҳон муҳорабасининг азобу уқубатларини, таҳликали эллингичи ва ниҳоят «десантчилар зулми» номини олган саксонинчи йиллар воқеаларини бевосита бошидан кечирди. Биз — нисбатан ёш авлод эса «ривожланган социализм» деб аталган даврни ҳам кўрдик, коммунистик мафкуранинг ҳукмрон тазйиқи остида ҳам яшадик. Бу мафкура зулм ва зўравонликка, фирромлик ва сохтакорликка асосланганини яхши биламиз. Шу сабабли ҳам у ҳалокатга учради.*

*Гарчи кейинги йилларда миллий мафкура яратиш борасида муайян ишлар қилинган бўлса-да, мафкура тушунчасига ҳанузгача ҳолис илмий таъриф берилган эмас.*

*Сиз мафкура деганда нимани тушунасиз? Жамият фаолиятида, хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётида мафкура қандай ўрин тутади?*

**ЖАВОБ.** Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас.

Келинг, бир лаҳза атрофга теранроқ назар ташлайлик. Кўп синовлар, азобу уқубатлар, хатолар, фожеалар, урушлар, қатағонларни бошидан кечирган асримиз поёнига етаётган, инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қиргинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-кулфатлар солмоқда.

Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад— инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезгитуйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлидир.

Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар

ёвуз ниятларига эришиш учун, аввало, миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ниҳоясида — бугунги давримизда бу таъсирлардан холи бўлиш деярли имконсиздир. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиғи, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларига, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амри маҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Япониядан тарқалган «АУМ Сенрикё» деган диний оқим вакиллариининг фаолиятини эслайлик. Улар дунёнинг турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомби— яъни манқуртга айлантириб қўйгани яхши маълумку. Ёки дин ниқоби остида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонга ҳам кириб келишга уринаётган ваҳҳобийлик оқими намояндаларининг зарарли кирдикорларини олайлик. Бу каби ҳолатларнинг қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини, менимча, узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.



Кўриниб турибдики, табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум — бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, бутун дунёда, жумладан, информация оламида глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги пайтда, яъни лўнда қилиб айтганда, жаҳоннинг бир чеккасида содир бўлаётган воқеалар ва ҳаракатларнинг тез тарқалиб кетаётганини ҳисобга олганда, бу масаланинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортиб бормоқда.

Фикримни соддароқ қилиб тушунтиришга уриниб кўраман.

Агар аср бошидаги ҳаёт ва тафаккур тарзи билан бугунги кунни қиёсласак, ер билан осмонча фарқни яққол кўрамыз. Техник тараққиёт ҳозиргидек юксак босқичга кўтарилмаган бир даврда дунёнинг тартиботи ҳам, одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳам, бинобарин, маънавий-мафкуравий тушунчалар ҳам шунга мос равишда содда ва аниқ-равшан эди.

Яқинда Абдулла Қодирийнинг «Фирвонлик Маллавой» деган кичик бир асарини ўқиб қолдим. Унда асримиз бошида Туркистонга поезд кириб келиши билан боғлиқ бир ҳангома кулиги шаклда акс эттирилади. Наманганга темир йўл тортилиб, синов паровози келадиган бўлади. Паровозни умрида кўрмаган одамлар уни буғ қуввати билан юрадиган «жонивор» деб тасаввур қилишади. «Ўзи қоп-қора бўлса, юрганда дам-бадам пишқирса, чанқаганда қичқирса, минг челақлаб сув ичиб, очиққанда бўқирса, бу — албатта, зўр бир ҳайвон бўлса керак», деб ўйлашади. Кимдир унга «қора айғир» деб ном ҳам қўяди. Синов паровози келишидан бирор кун илгари уни кутиб олишга тайёргарлик кўрилади. Станция ёнига «қора айғир»га атаб ўн арава кўк беда, эллик пудча арпа тайёрлаб қўядилар...

Албатта, бу асарда жиндак муболага, ҳазил-мутоиба ҳам йўқ эмас. Лекин у ўша пайтдаги одамларнинг тасаввурлари-ю дунёқарашлари нақадар одми, содда, самимий бўлганини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, бу фақат ўзбек халқига хос хусусият эмас, бошқа халқларнинг ҳам ўша даврдаги турмушини кўздан кечирсангиз, шунга яқин жиҳатларни учратиш мумкин.

Энди шундай ҳолатни ҳозирги кунда тасаввур қилиш мумкинми? Айтайлик, компьютер, факс, «уяли» телефон, парабolik антенна, электрон почта каби муъжизалар ҳаётимизга нисбатан яқинда кириб келди. Лекин ҳозир шу муъжизалар билан юртимизнинг энг олис ва чекка қишлоғида яшаётган мактаб ўқувчисини ё бўлмаса бирор отахонни ҳайратга солиш мумкинми? Эҳтимол, улар бу нарсаларга бирпас ҳайрон бўлиб турар, аммо кейин худди бу асбобларни умр бўйи биладигандек тезда кўникиб, ўзлаштириб кетади.

Айтайлик, ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай бугун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа ер юзининг бошқа бир четида дарҳол акс садо беради. Биздан узоқ-узоқ минтақалар ва ҳудудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсирлари ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида, биздан сўраб-нетиб утирмасдан кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракат шунчалар тигиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди.

Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси ҳам маънавият, миллий мафқуранинг аҳамиятини янада кучайтиради. Чунки, сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафқуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.

Демак, бугунги кунда ғояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. **Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.**

Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро бунга яхшилаб тушуниб, мағиз-мағзига етиб олиши керак. Чунки жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафқураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тугади.

Модомики, мақсад, ғоя ҳақида мулоҳаза юритаётган эканмиз, илгари айтган бир фикримни тақрорлаб ўтсам, ўринли бўлар, деб ўйлайман.

Мақсад дегани — халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи, бу мақсад халқни — халқ, миллатни — миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин.

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айна вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафқураси деб биламан.

Шўро даврининг мафқураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирсангиз, моҳият эътиборига кўра, бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди. Шунга қарамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу сохта таълимотнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб туради. Афсуски, биз бу сарқитлардан ҳали буткул халос бўла олганимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда.

Албатта, мафқурани бир кун ёки бир йилда яратиш бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантириб борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин. Аммо бу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, бундай мафкура фақат қоғозда бўлади, холос. Шунинг учун ҳам, менинг фикримча, мафқурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илгор дунёқараши ва тафаккурига асосланиш лозим.

Иккинчи шарт шундан иборатки, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутяпман.

Масалан, Форобийнинг ўша машҳур «Фозил одамлар шаҳри» асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади.

Мен миллий мафкура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шаклланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилиқ тарихининг юксалиш ва таназул даврларини, тараққиётни ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омилларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хулосага келишни тавсия этган бўлур эдим.

Шу муносабат билан бу мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қарашлари юзага чиқиши керак, деган савол туғилади.

Борди-ю бу саволга мендан жавоб сўралса, даставвал Ўзбекистонда яшаётган, ўз тақдири тимсолида минг-минглаб кишиларнинг тақдирини мужассамлаштирган ватандошимизнинг ҳаётини, унинг орзу-интилишларини, бугун ва эртанги кунга бўлган умидворлигини ўзимча тасаввур қилишга уриниб кўрардим. Ўзимни шу одамнинг ўрнига қўйиб, унинг кўзи, идроки, тафаккури, ёндашуви билан келажакка қарардим.

Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон,

бадавлат турмушга эришиши учун куч-гайрат манбаи бўлиши лозим.

Ўзбекистоннинг миллий мафкураси мамлакатимизнинг мана шу минтақада, ён-атрофдаги давлатлар орасида ва жаҳон миқёсида ўзига муносиб ўринни, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзининг ихтисосини тўғри ва ҳолисона англаб, шу асосда изчил ҳаракат қилишимиз учун хизмат этиши зарур.

Хўш, миллий гоё, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлантириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак?

Миллий мафкура, **авваламбор**, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

**Иккинчидан**, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва гоёлар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона гоё—мафкура бўлиши керак.

**Учинчидан**, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор.

**Тўртинчидан**, миллий гоё биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мадакор бўлиши зарур.

**Бешинчидан**, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан

бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак.

Миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман.

Миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади.

Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир.

*САВОЛ. Сиз мустақил давлатнинг етакчиси сифатида фаолиятингизнинг дастлабки кунидан бошлаб мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишдек ғоят муҳим ва мураккаб ишга бевосита раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Сизнинг ташаббусингиз билан бу борада амалга оширилган улкан ишларнинг баъзиларини эслаб ўтсак: вилоятларимиз марказларида ўнга яқин университетлар ташкил этилди, истиқлолга қадар бизда умуман бўлмаган бир қанча олий ўқув юртлари, жумладан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари дорилфунунлари, Давлат ва жамият қурилиши, Банк-молия, Ички ишлар, Қуролли Кучлар академиялари, Кончилик институти, Фуқаро авиацияси институти каби янги таълим даргоҳлари очилди, замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинди. «Улуғбек», «Умид», «Устоз» каби жамғармалар тузилиб, ривожланган хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртларига юзлаб ёшлар ўқишга юборилди, муаллим-мураббийларнинг билим ва савиясини юксалтириш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда.*

*Ўтган йили Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ғоясининг бош ташаббускори ва ташкилотчиси ҳам мамлакат Президенти бўлганини кенг жамоатчилик яхши билади. Яқинда матбуотда Сиз имзо чеккан яна иккита муҳим ҳужжат эълон қилинди. Уларнинг биринчиси*

*«Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида», иккинчиси эса «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» деб аталади. Сизнинг сиёсатингизда таълим-тарбия масаласига бу қадар катта эътибор берилишининг сабаблари нимада?*

**ЖАВОБ**) Мен Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир», — деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Чунки таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барно этиб бўлмайди.

Кўриб турганимиздек, буларнинг барчаси бир-бири билан занжир каби чамбарчас боғлиқ масалалардир.

Мен кўп йиллар давлат режалаштириш идораларида ишлаганман. Хизмат тақозосига кўра фан ва таълим масалалари билан ҳам шуғулланганман. Шу сабабли, совет таълим тизимининг барча жиҳатларини яхши биламан, деб айта оламан.

Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборат эдики, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларнинг мустақил ва эркин фикрлашига йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларни билимига қараб эмас, аввало, уларнинг собиқ совет тузумига ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли

бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди. Бу тузумдан бизга қолган мерослар ичидаги шунга ўхшаган салбий асоратларни, афеуски, ҳозир ҳам сезиб турибмиз.

Бу тизим ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирон бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан саёз савияли ходимларни, муте кишиларни минг-минглаб етиштирган эди. Жамиятимизни янгилаш, ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барно қилишга утар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижоатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун куйиб-ёнмайдиган кадрлар муттасил равишда ишнинг белига тениб туришини ҳис қилдик, очигини айтсам, ҳозир ҳам сезянмиз.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бусиз жамиятимизнинг бирон бир соҳасини ўзгартиришга киришиб бўлмас эди. Ислоҳотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Шу сабабли ҳам биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва кўп маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йигилиб қолганини кўрсатди. Мен бунга ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўлдим. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо, ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик. |

Ишончим комил: агар бу ислоҳотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни унинг самарасига эришамиз.



Бу нима дегани?

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуримиз, шу жумладан, ҳали сиз тилга олган икки ҳужжатда назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, **биринчидан**, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимизда мавжуд муҳит бугунлай ўзгаради.

**Иккинчидан**, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали аввало ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

**Учинчидан**, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бугун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечирини жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча—ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз

масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди.

**Тургинчидан**, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадик, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси кўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен «портлаш эффекти» деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман.

**Бешинчидан**, биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади. Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг кўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади.

Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил «изм»лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллантиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз.

| Бугун халқаро ҳаёт, кишилиқ тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «Куч— адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч — билим ва тафаккурда» деган бўлардим| Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Уйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли.

Мана, яқинда «Умид» жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан олдин сазовор бўлгани ҳақида хабар олдик. Мен бу хушxabарни эшитиб, худди ўзимнинг ўғил-қизларим шундай ютуққа эришгандек бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу — ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди десам, муболага бўлмайди. Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган

даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор.

Тўққизинчи-ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ ажодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Такрор айтаманки, бунга таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин. Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб-янгилашиб бораверади. Фақат биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди.

*САВОЛ. Сиз шуғулланадиган гоят кўламдор ва серқирра масалалар, адо этадиган вазифалар бири биридан муҳим ва зарур. Уларнинг барчаси мамлакат ва жамият, ҳар қайси фуқаронинг ҳаёти, келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аммо Сизнинг фаолиятингиздаги энг устувор йўналиш, энг олий мақсад нимадан иборат?*

**ЖАВОБ.** Агар бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериш лозим бўлса, мен «Халқимнинг омонлиги», деб айтган бўлардим. Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидаги табассум, бу — мен ўз

фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимнинг осойишпалиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал.

Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл-ғайрати билан кўп нарсага эришиши мумкин. Бойликка ҳам, шон-шуҳратга ҳам, илмий, ижодий кашфиётларга ҳам, оила, севги бахш этадиган бахту саодатга ҳам. Фақат бунинг учун аввало инсоннинг уйида, маҳалла-кўйида, юртида, қисқача айтганда, одамнинг кўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак. Узоққа бормайлик, мана шу Миллий дастурдан кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун ҳам энг аввало тинчлик-омонлик даркорлигини бугун ким инкор эта олади дейсиз!

Мен бу тўғрида илгарилари ҳам кўп бор айтганман. Аччиқ тажрибалар асосида туғилган ва қалбимга чуқур ўрнашган шу ҳаётий ҳақиқатни такрорлашдан толмайман: тинчлик-омонлик бўлса, ҳамма нарса бўлади — ислоҳот ҳам, бозор иқтисодиёти ҳам, жамиятимизнинг янги иланиши ҳам. Аслида ҳаётимиздаги бугунги барча ислоҳот, демократик ўзгаришлардан кўзланган мақсад—юртдошларимизнинг турмушини фаровон қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя этиш.

Бизнинг сиёсатимизнинг бош йўналишини Ўзбекистон хавфсизлиги ташкил этади. Албатта, ҳозирча турмушимиз биз орзу этган даражада эмас. Ҳали етишмовчиликлар, қийинчиликлар ва йўлимизда тўсиқлар ҳам оз эмас. Аммо шундай мураккаб бир вазиятда одамлар омонлиги, мамлакатимиз тинчлигини таъминлашга эришаётганимиз, ўйлайманки, бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб қарайдиган бўлсак, шу ҳолни кўрамизки, Ўзбекистон дунёдаги етакчи давлатларнинг, турлитуман сиёсий кучларнинг бир-бирига зид манфаатлари ўзаро муттасил тўқнашиб турадиган бир майдонда жойлашган. Биз бунини истаимизми-йўқми, тарих, тақдир тақозоси шундай. Юртимиздаги беҳисоб табиий бойликлар, унинг геостратегик шароити жаҳонда бизга нисбатан фақат хайрихоҳлик ёки ҳавас туйғусини эмас, балки ҳасад, қора ниятларни ҳам уйғотиши сир эмас.

## БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Харитага диққат билан разм солсангиз, мамлакатимизни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг оғир юки остида қолган мамлакатлар қуршаб олганини кўриш мумкин. Бунинг устига, Ўзбекистон диний экстремизм, этник жанжаллар, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучларнинг таъсирида ички низолар авж олган Афғонистон каби беқарорлик учоғи билан чегарадош. Олти йилдирки, қўшни Тожикистонда нотинчлик ҳукм сурмоқда.

Минтақамиздаги мавжуд муаммолар камдек, яқинда қўшни давлатлардан бири — Ҳиндистон ядро синовларини ўтказиб, янги бир таҳлика манбаини вужудга келтирди. Бу нарса минтақадаги барқарорлик мувозанатига жиддий зарар етказди. Бунга жавобан шу ҳудуддаги бошқа бир давлат, яъни Покистон ҳам ядро синовлари ўтказиш ҳаракатига тушиб қолди. (Сухбат Покистон ядро синовлари ўтказилишидан аввал тайёрланган — таҳририят изоҳи). Демак, минтақамизда ядро хавфи мавҳум хатардан реал хавфга айланиб бормоқда.

Табийки, буларнинг барчаси бизни ташвишлантирмасдан қўймайди. Ўз навбатида биз ҳам давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай таҳдид балосидан сақланиш учун зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўламиз.

Ҳеч сир эмаски, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, хатарларнинг олдини олиш қанчалар мураккаб, нозик ва қалтис бир масала. Буни, албатта, билган биледи, билмаган билмайди. Хўш, ўйлаб кўрайлик-чи, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш биз учун қанчага тушмоқда? Ўзи, хавфсизликнинг баҳоси борми? Умуман, тинчлик-омонлик, барқарорликни пулга чақиб-ўлчаб бўладими?

Мен бу фикрларни фуқароларимиз, ватандошларимиз юртимиздаги тинчлик, барқарорликнинг қандай қийинчилик, қандай меҳнат-машаққатлар эвазига қўлга

киритилаётганини озми-қўпми тасаввур қилишлари учун айтилган.

Яратганга минг қатла шукроналар бўлсинки, биз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда, ҳам хавфсизликни сақлаб қолиш борасида энг оғир ва мураккаб даврни бошимиздан эсон-омонлик билан кечирдик. Халқимизнинг донолиги, бағри кенглиги, сабр-бардоши бизни ҳар қандай бало-қазолардан асраб, идрокимизни, ақл-заковатимизни чархлаб, юртимизда осойишталик ва миллатлараро, фуқаролараро тинчликни сақлаб қолишга хизмат қилди. Бугун энди ёруғ кунларга етганимиздан гурурланиб, янги-янги марралар сари қадам қўяётганимиз учун фахрланиб ишлаш ва яшашга асосимиз бор.

Халқимизни яна бир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмасликка даъват этмоқчиман: эл-юртимизнинг, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг эсон-омонлиги бизнинг энг катта ютуғимиз ва бойлигимиздир. Бу бойликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, қадрига етиш — барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

**ҲУШЁРЛИККА  
ДАЪВАТ**



## ИРОДА ВА ИЙМОН — ЭЪТИКОДИМИЗ СИНОВИ

Маълумки, 1999 йилнинг 16 февраль куни соат 11 да Ватанимиз пойтахти Тошкентда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил якунларига бағишланган мажлиси бўлиши керак эди. Мажлисда мамлакат раҳбарияти, вилоят ҳокимлари, республика миқёсидаги идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлган эдилар. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилиши кутилаётган эди.

Мажлис бошланишига 5 дақиқа қолганда Вазирлар Маҳкамаси биноси пойида ва шаҳарнинг яна беш жойида кучли портлашлар юз берди. Кейинги воқеалар тафсилоти, бу қўпоровчилик хуружларини кимлар ва қандай ёвуз ниятда уюштиргани бугунги кунда жамоатчиликка яхши маълум.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бу машъум воқеалар мамлакатимиз ҳаётини издан чиқаролмади, халқимиз қалбига ваҳима ва саросима сололмади. Икки соатдан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши Олий Мажлис биносида ўтказилди. Мажлисда Президент Ислом Каримов кун тартибидаги масалага ўтишдан олдин рўй берган фожияли воқеалар хусусида нутқ сўзлади.

Ҳали ҳаяжонлар сўнамасдан туриб, ҳеч қандай тайёргарликсиз, юрак-юракдан, катта эҳтирос билан сўзланган бу нутқ нафақат залдагиларни, балки бутун халқимизни ларзага солди. Чунки Юртбошимизнинг бу оташин сўзларида айни пайтдаги долзарб вазифалар билан бирга ҳаётнинг маъно-мазмунни, инсон умрининг кадр-қиммати, Ватан ва миллат тақдири ҳақида теран фалсафий фикрлар ҳам билдирилди.

## БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Ассалому алайкум, қадрли дустлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Авваламбор, менинг сизларга айтадиган гапим шуки, нима учун хомуш кўринасизлар? Журъатли, довюрак одамлар була туриб, бугунги рўй берган ҳодисалардан қандайдир ташвиш ёки саросимага тушиш — бизнинг миллатимиз табиатига, шаънига тўғри келмайди. Айниқса, бугунги Ўзбекистон сиёсатини олиб бораётган, халқимиз, юртимиз учун, Ватанимиз учун қилинаётган ишларнинг етакчилари булмиш фидойиларга ярашмайди.

Сизларга ҳозир айтмоқчи бўлган асосий гапим шуки, бундай ҳолатларни, яъни, бугун юз берган ҳодисаларни, албатта, ҳеч биримиз кутмаган эдик.

Нега деганда, бунинг ўзи ваҳшийлик, ёвуз ҳаракатлар, ёвуз ниятларнинг ҳеч ақлга сигмайдиган бир намойиши. Такрор айтаман, ҳеч ким, авваламбор халқимиз буни кутмаган эди.

Лекин бизнинг вазифамиз, бу ерда утирган раҳбарларнинг вазифаси шундан иборатки, юртимиз, халқимиз бошига тушадиган ҳар қандай хавф, бало-қазоларга қарши тайёр туришимиз зарур. Ҳар қандай кутилмаган ҳодисаларга қарши бизнинг иродамиз бақувват бўлиши керак.

Негаки биз ҳақли сиёсат олиб боряпмиз, халқимизни ҳимоя қиляпмиз. Олдимизга улугвор мақсадлар қўйиб, муқаддас орзу-ниятлар билан яшаяпмиз. Яъни, ҳаётимизни фаровон ва эркин қилиш йўлида, юртимиз учун, халқимиз учун, керак бўлса жонимизни ҳам фидо этишга тайёр эканимизни ҳар қадамда амалий ишлар билан исботлашимиз керак.

Шу каби мудҳиш ҳодисалар рўй берганда ўзимизни йўқотмасдан, иймон-этиқодимизни сақлашимиз керак. Бизга қасд қилган гаразли кучларга қарши ўзимизнинг мустаҳкам жипслашганимизни намоён этиб, жамоатчилик, халқимизнинг ишончини оқлашимиз керак. Бундай пайтларда ҳар қайси миллатнинг, ҳар қайси халқнинг иродаси ва иймон-этиқоди синалади.

Биз мана шу етти ярим йил давомида кўп машаққатли йуллардан ўтдик. Бошимизга турли синовлар тушди, бизни

чалғитишга уринадиган, йулдан урадиган, керак бўлса, ёвуз ниятларини ҳам бизга намоёиш қилишдан тап тортмайдиган ҳар хил кучларни, оқ-қорани кўрдик, яхши-ёмон кунларни бошимиздан кечирдик.

Биз бугун қандай ютуқларга — натижаларга эришаётган бўлсак — бу барчага аён. Бошқаларга нисбатан бизнинг ҳаётимиз қадам-бақадам, кундан кунга яхши бўлаётганини куролмаётган кимсалар ҳар қандай жирканч ишга ҳам қўл уришга тайёр эканини биз олдиндан тасаввур қилиб, билиб олишимиз керак. Ва ана шундай кучларга қарши, яна бир бор айтаман, иймон-иродамизни бақувват қилишимиз керак.

Орқамизда ким турибди? Тоғдек халқимиз турибди. Тоғни ким ҳам ўрnidан сура олиши мумкин, халқни ким ҳам бу танлаган йулидан қайтара олиши мумкин? Ҳеч ким! Мен мана шу минбардан туриб, мана шу дақиқаларда айтмоқчиман: кимки ўз йулидан қайтса, у — номард!

Танлаган йулимиз енгил ва осон эмаслигини ҳаммамиз олдиндан билардик. Мен ҳозир мана шу лаҳзаларда рўй берган ҳодисаларни таҳлил қилиш, бугунги ҳодисаларнинг туб сабаблари тўғрисида батафсил гапириш, уларнинг орқасида кимлар тургани ҳақида сизларга ўз фикримни, ўз қарашимни билдириш ниятидан йироқман. Нимага деганда, бу масалаларни, албатта, чуқур ўрганишимиз керак. Бу ҳодисаларнинг ҳали илдиизига етиб боришимиз керак.

Аммо бир фикрни аниқ айтишим мумкин. Бизда бир бепарволик кайфияти борки, мен бу ҳақда доимо огоҳлантириб келаман. Лекин одамнинг бошига синов ёки кулфат тушмаса, кўзи очилмас экан.

Асрлар давомида кўп қийин, оғир кунларни кўрган халқимиз мана шундай ҳикматли бир мақолни айтган: “Бошга тушгани кўз кўради”. Бу мақол мағзини ҳар ким чуқур ўйлаб кўрсан, унинг тўғрилигига иқдор бўлиши, агарки бошига бир кулфат тушса, ҳаёлига келтириши табиий ҳол.

Мақсадимизга эришиш йулида қилаётган ишлар билан бир қаторда, боя айтганимдек, бизда қандайдир лоқайдлик,

бепарволик кайфияти пайдо булганки, купинча ҳамма ишлар гўё уз йули билан, осонлик билан амалга ошяпти, деб уйлаймиз.

Мана, қаранглар, тинчлик-осойишпалик, барқарорлик шароитида яшяяпмиз. Худога шукр, ҳаётимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурмоқда, деган гапларни ҳар қадамда эшитиб турамиз. Аслида бу ҳам авваламбор Парвардигоримизнинг неъматидир. Одамзот табиати тинч-тоғув ҳаётни ҳуш кўради, бундай ҳаёт унинг ички дунёсига, хоҳиш-иродасига, интилишларига тўғри келади. Нега деганда, ҳар бир инсон, миллатига, жинсига, динига қарамасдан, нимани хоҳлайди? Фақат тинчликни, эркинликни хоҳлайди. Инсон яна нимани истайди? Бола-чақасининг бахтини куришни, эзгу ниятларини амалга оширишни истайди. Шунинг учун ҳам тинчлик-осойишпалик одамзот учун табиий бир ҳол. Лекин, минг афсуски, бундай ҳол гўё ўз-ўзидан, ҳеч қандай қийинчиликсиз, ойдан тушгандек юз беряпти, деб уйлаймиз баъзан... Очиқ айтиш керак: шундай кайфият бизда бир касалликка айланди.

Бунақанги беғамликка дуч келганда беихтиёр: “Эй одамзот, теварагингга қара, нима бўляпти? — деб хитоб қилгингиз келади. — Ахир, ён-атрофингга нотинчлик, тўс-тўполон, одамлар бир-бирини улдирияпти — мана, йигирма йилдирки Афғонистонда уруш кетяпти, етти йилки Тожикистонда нотинчлик. Шуларга қараб фикр қил, кўзингни оч”.

Жануб томонда жойлашган баъзи бир экстремистик кучлар, узларича, Ўзбекистон энди мустақил, эркин бўлди, биз ҳам шундан фойдаланиб ҳукмимизни суралик, уларни уз йўлимизга юргизайлик, уларнинг бойлигидан фойдаланайлик, деган хомхаёлда юргани барчамизга аён бўлиши керак. Бизнинг ҳаётимизда ислом давлатини, ислом ақидаларини жорий қилиб, улар бу ерда уз сиёсатини, уз ҳукмронлигини урнатмоқчи булади.

Биз эса, таассуфки, уларнинг бундай ёвуз ниятлари ва ҳаракатларидан беҳабардай юрамиз. Нима учун? Ахир, ҳаёт ҳамма нарсага одамларнинг кўзини очиб беради-ку! Мен бир нарсага ачинаманки, фақатгина одамлар бошига мана шундай фожиа, кулфат тушгандан кейин биз кўзимизни каттароқ очиб қарагандай булаемиз.

Мен, эй одамзот, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, деб доим куйиб-ёниб даъват этаман. Бу гап эҳтимол баъзи бировлар учун ортиқчадай туюлар. Лекин мен огоҳлик, огоҳ бўлиш ҳақида гапирганимда бутунгига ухшаш воқеаларни назарда тутаман. Нега деганда, бир бегуноҳ одамнинг улими — бу кечирилмас фожиа. Чунки инсон табиати ноҳақлик, зулмни қабул қилмайди. Авваламбор, Худонинг ўзи буни қабул қилмайди.

Яна такроран айтмоқчиманки, бугун купгина жойларда ҳаётимизда ана шундай бепарволик, фақат ўзини билиш, фақатгина ўзини ўйлаш, ўзи билан банд бўлиш кайфиятлари пайдо бўлди. Ҳаммаси ўзича кетяпти-ку, бугун кечаги кунга нисбатан ўсиш бор, пировард мақсадимизга ҳали тула эришмаган бўлсак-да, сезиларли суръатлар билан ривожланишимиз, яна нима керак, деган қарашлар бизнинг сезгир, ҳушёр бўлишимизга ҳалақит бераётганини пайқамасдан қолдик.

Ҳолбуки, бу тинчлик учун курашиш керак, бу тинчлик учун, айттайлик, зарур бўлса, жон бериш керак. Тинчлик учун инсон ўзининг бутун кучини, ақл-идроқини сафарбар этиб, ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши керак. Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Ҳимоялаш деганда мен нимани назарда тутаяпман? Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Келажак авлодимизни ҳимоялашимиз керак. Оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак.

Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани — аввало огоҳ бўлиш дегани. Мана шу каби беъмани ишларни, қабих ниятларни сездингми, ёвуз кучларнинг ҳатти-ҳаракатини, башарасини кўрддингми, бепарво бўлма! Нимага деганда, эртага шулар туфайли сенинг бошингга кулфат тушиши мумкин.

Бепарволик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Кўҳна тарих бу борада бизга кўп сабоқ беради. Бизнинг миллатимиз, халқимиз оғир ва машаққатли тарихни бошидан кечирди. Фарзандларимизга шу тарихни ҳаққоний тарзда ўргатиш, мактабларда ўқитиш, китоблар, матбуот, телевидение орқали яққол кўрсатиш керак.

Гоҳ-гоҳ журналистларга, боринглар, Афғонистонни, у ердаги аҳволни кўринглар, билинглар, дейман. Телевизорда кўрсатинглар, одамлар қандай ҳаёт кечиряпти, бегуноҳ инсонлар нобуд бўлиб кетяпти, деб айтаман. Нима учун кўрсатмайсизлар? Нима учун шу тўғрида гапирмайсиз? Бир воқеани билиш учун одам уни ўз кўзи билан кўриши керак, кўзини очиб қараши керак.

Худдики биз бир орол сифатида алоҳида яшаяпмиз: атрофимизда шундай нохуш ишлар, шунча ёвузликлар бўляпти, кишиларнинг тинчлиги бузиляпти, ҳар қадамда беқарорлик, одам улдириш, инсон ҳаётини икки пулга олмаслик каби ҳолат ҳукм сурияпти-ю, гуё уларнинг бизга дахли йўқдай, биз беғам-бефарқ утирибмиз. Шу тўғрида гапириш керакми-йўқми? Нега ҳеч ким бу ишни қилмайди, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини кўрсатмайди?

Бугун нима қилишимиз керак? Биринчи навбатда ҳар қайси маҳаллада, ҳар қайси қишлоқда, керак бўлса, ҳар қайси хонадонда барчамиз бу ҳақда яна бир бор ўйлаб кўришимиз, очиқ фикр алмашиб олишимиз зарур. Барака топгурлар, биз бугунги ҳаётга эришгунча қанча-қанча пешона теримизни тўқдик, қанча-қанча синовлардан ўтдик, қанча-қанча оғир машаққатларга сабр-тоқат билан бардош бердик, қандайин қийин кунларни бошимиздан кечирдик. 1990 йилларни эсланг, Фарғона фожиаси, Уш, Узган воқеаларини яна бир бор кўз унгингизга келтиринг. Айтинглар, шулар ҳақида ўйламаслик — ҳозирги кунларнинг қадрига етмаслик эмасми?..

Бугун мана, қаранг, осмонимиз мусаффо, заминимиз тинч. Мен узимга гоҳ-гоҳ бериб турадиган бир саволни мана шу минбардан туриб сизларга ҳам бермоқчиман. Бундай мусаффо, тиниқ осмон, бугунги ҳаётимиз учун ҳар куни эрталаб туриб, покланиб, Худога минг бор шукроналар айтишимиз керакми-йўқми? Бир вақтлар бир бурда нонга муҳтож бўлиб юрганимизда, очликдан улиб кетмаганимиз учун шукроналар айтардик. Мана, бугун ҳамма нарса бор, одамларнинг юришини, кийинишини кўринглар, одамларнинг яшашини, ейиш-ичишини кўринглар.

Албатта, ҳали кўп камчиликларимиз ҳам бор, олдимизда турган мақсадларга эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишимиз

керак. Буни ҳеч ким инкор қилмайди. Куп нуқсонларни, хатоларни бартараф қилишимиз, ҳаммамиз фидокор бўлишимиз зарур. Биз орзу қилган фаровон, эркин турмушга етиб бориш учун ҳал анча-мунча қийинчиликни бошимиздан кечиришга тўғри келади. Лекин бугунги ҳаётимизнинг, Худо барчамизга берган неъматларнинг қадрига етишимиз керакми-йўқми?

Бу гапларни айтишдан мақсад нима? Мақсад шуки, ҳамма нарсани тушуниш, билиш учун яна бир бор узимизга қарашимиз, воқелигимизни танқидий кўз билан баҳолаб, ҳозирги ҳаётимизни қадрлай оляпмизми, бугунги куннинг қадрига етяпмизми-йўқми, деган саволларга жавоб қайтаришимиз зарур.

Нега деганда, шу ҳақиқатни сезган, уни қалбидан, юрагидан ўтказган одам ҳаётни ҳимоя қилишга тайёр бўлади. Ҳар қандай босқинчи, ҳар қандай товламачи, ҳар қандай разил кучларга қарши чиқишга ҳам кучи етади ва керак бўлса, бизлар олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Шундагина ҳар бир фуқаро муқаддас ислом динимизни ниқоб қилиб олиб, бизнинг тинчлигимизни бузишга ҳаракат қилаётган кучларга қарши ўз фикрини, аниқ муносабатини билдиради.

Биз бугунги маъшум ҳодисаларнинг илдиизига, албатта, етиб боришимиз керак. Мана шундай қабих усул билан — балки буни усул деб ҳам бўлмас — шундай аблаҳона намойиш билан бизни танлаган йўлимиздан қайтариш, қўрқитиш, ваҳимага солиш мақсади орқасида кимлар турганини очиб беришимиз зарур. Мен шуни ўзимга аниқ тасаввур қиламан. Бугунги қабих ҳаракатларнинг асосий мақсади менга қарши, мени йўқ қилишга қаратилган.

Чунки мен бошлиқман, бинобарин, кимгадир ёқаман, кимгадир ёқмайман. Қандайдир кучларнинг йулини тусиб турибман. Мен раҳбарман, халқимизнинг ишонч-иродаси билан сайланган одамман. Демак, юртимиздаги ҳаёт учун, барқарор турмуш, тинчлик-осойишталик учун авваламбор мен жавобгарман. Билмадим, гапимни қандай тушунасишлар, лекин бу бинода, шу минбардан туриб ёлғон ганириш мумкин эмас. Негаки бу залда халқ ноиблари — халқ вакиллари ўтиришибди.

Улар юртимизнинг турли шаҳар-қишлоқларида, бевосита халқ орасида меҳнат қилишади ва айтиш мумкинки, улар сиймосида халқимизнинг нафаси, аждодларимизнинг руҳи мана шу зал, шу бинода парвоз қилиб юрганига менинг ишончим комил.

Бу улуғ даргоҳда фақат рост гапириш керак. Бу даргоҳда одамлар ҳақида, уларнинг дардини уйлаб, ярасига малҳам бўлиш ҳақида гапиришимиз керак. Бу бино халқнинг бутун дарду армонларини, орзу-умидларини мужассамлаштирадиган маскан, десам, тўғри бўлади. Бугун шу минбарга чиққан ҳар бир инсон виждонан гапириши керак. Чин қалбдан гапириши керак.

Мен шу юксак минбардан туриб айтмоқчиманки, мавжуд тинчлик, барқарорликни сақлаб қолиш учун, эртанги кунимизни ҳимоя қилиш учун мен жонимни ҳам беришга тайёрман! Бу шунчаки қуруқ гап эмас. Бу — қалбимдан, бутун вужудимдан чиққан гап. Шу муносабат билан бир фикрни айтмоқчиман: шахс сифатида, инсон сифатида менга суиқасд қилиш бошқа, халқимизга, олиб бораётган сиёсатимизга суиқасд қилиш — бу мутлақо бошқа нарса.

Мени қийнайдиган, қалбимни ўртайдиган энг оғир фожиа шуки, бугунги машъум воқеалар туфайли қанча бегуноҳ одам ҳалок бўлди, ота-она, оила, бола-чақаси бағридан жудо бўлди? Уларни қутилмаган мотамга солди. Нима учун?! Уларнинг гуноҳи нима?!

Бу машъум, разил ишни бажарганлар ва уларнинг ортида турган кучлар ўйламайдикки, ахир бегуноҳ одамнинг улими учун нафақат бу дунёда, у дунёда ҳам муқаррар жавоб бериш керак-ку! Бугун ҳеч қандай айби йўқ, тинч юрган одамларнинг қони тукилди. Майли, душман бўлса, менга душман бўлсин, лекин бу одамларнинг гуноҳи нима? Нима учун улар ёвуз қотиллар қўлида қурбон бўлиши керак?

Шуни яна бир бор таъкидламоқчиман: агар бу ёвуз ният ва ҳаракатлар ортида фақат Президентга суиқасд қилиш мақсади бўлса, мен буни тушунишим мумкин. Қабул қилишим эмас, тушунишим мумкин. Бу курашда қурбонлар ҳам бўлиши мумкин. Мана шу сиёсатнинг бошида турган, уни амалга



оширадиган, қалбидан, юрагидан утказадиган, керак бўлса, шу сиёсатни охирига етказиш учун, фаровон ҳаёт, улуг келажак учун жонини, бутун борлигини беришга тайёр булган одамга қарши курашиш — бу ҳам тарихда бўладиган ҳодисалар сирасига киради. Аммо қарши чиқса, курашмоқчи бўлса, очиқ майдонга чиқмайдами? Бундай қабиҳ, гирром йул билан эмас, ошкора, қонуний йул билан курашса бўлмайдами?! Яна бир бор айтаман, нима учун бегуноҳ одамларнинг қони тукилиши керак?! Ким жавобгар бунга?!

Албатта, талафотлар битиб кетади, шикастланган бинолар тикланади. Лекин мени бир савол қийнайди: ҳалок бўлган одамларнинг оила аъзолари, қариндош-ғуруғлари, яқинлари, ёру биродарлари юзига қандай қарайман? Уларнинг айби нима?!

Сизларга очиқ айтишим керак: мен ақлли, кўпни кўрган баъзи одамлардан: “Сенга нима керак? Нима қиласан ҳамма нарсага ўзингни уриб? Нима қиласан ўз принципингда бунчалик қатъий туриб? Сиёсатда андиша, муросаи мадорага риоя қилсанг бўлмайдами, ўзингни утга-чўққа уриб нима қиласан, бари бир бу ҳаётни узгартира олмайсан”, деган гапларни кўп эшитганман. “Минг йиллардан буён ҳаёт шу тарзда давом этиб келяпти, уни узгартириб бўлмайди, нима қиласан ўзингни бунчалик куйдириб, жонингда қасдинг борми?” деган гапларни ҳозир ҳам айтиб туришади.

Буларга жавобан мен шу фурсатдан фойдаланиб айтмоқчиманки, одамлар ҳар хил бўлади. Бориники, мана шундай ҳаракатлар билан бировни қўрқитиш, йулидан қайтариш мумкинدير. Лекин баъзи бир одамлар борки, уларни асло узгартириб бўлмайди, жумладан, менга ўхшаган одамни узгартириб, йулидан қайтариб бўлмайди!

Менинг ҳаётим — иш, уй. Шу халқ, шу миллат ташвиши. Менда яна нима бор, қандай ҳузур-ҳаловат бор? Уйлайман. Кўп уйлайман, кечалари ухламасдан чиқаман баъзан. Менинг ҳам болаларим, учта набирам бор. Мен ҳам болаларимнинг бахтини кўрмоқчиман, набираларимни уйлантирмоқчиман. Бу ҳам табиий бир орзу. Лекин бунга ниманинг эвазига, қандай қилиб

эришиш мумкин? Уз эътиқодини, ўзининг иродасини, иймонини сотиб ҳам бунга етиб бориш мумкин. Лекин, уйлайманки, ҳар қайси иродам бор, иймоним бор, деган виждонли одам бу йулга асло кунмайди, рози бўлмайди. Менинг шу гапимга, ҳозир билдирган фикримга онгли яшайдиган, иймони бутун одамлар қўшилади, деб уйлайман.

Мен яна бир масала хусусида кўп фикр қиламан: одамзот бу ҳаётдан ҳар хил яшаб ўтиши мумкин. Инсоннинг ёши улғайган сари бу ҳақда кўпроқ уйлайди. Кимдир эрталаб туради, кечгача ҳар хил юмушлар, керак-нокерак ташвишлар билан банд бўлади. Лекин ҳаётнинг мазмуни ҳақида уйлаб кўрмайди. Ҳаётда бўладиган воқеа-ҳодисаларни юракдан қабул қилиш, ҳис қилиш туйғусини Худо ҳаммага ҳам беравермайди. Бу ҳам табиий ҳол. Оллоҳ таоло ҳаммамизни ҳар хил қилиб яратган. Лекин бугунги кунда кўпчилик, аксарият халқимиз орасида, Ватан, эл-юрт ҳақида, иймон ҳақида, шу тушунчаларни фарзандларимиз, ёшларимиз онгига сингдиришга ҳаракат кучаймоқда. “Ҳаётнинг мазмуни нимадан иборат?” деб бош қотирадиган, ўзини ўзи қийнайдиганлар сони кўпайиб борапти. Уйлайманки, ана шу руҳда тарбия топадиган ёшларимизнинг эртанги куни ёруғ бўлади.

Кўпгина одамлар ўз умрининг охирида: “Мен ҳаётимни қандай кечирдим, бошқалар эса қандай утказди?”, деб ўзига ўзи савол беради. Мен умрбод ўзимни қийнаб, азалий муаммоларга жавоб топаман, деб яшадим, булар эса ҳаётнинг барча лаззатларидан, яхшиликларидан, қулайликларидан баҳраманд бўлиб яшади, деган саволларга дуч келади.

Хуш, уйлаб кўрайлик, аслида ким бахтли? Бу икки тоифа инсондан қай бири бахтли?

Мен уйлайманки, авваламбор ҳаёт мазмунини уйлаб яшаган одамлар бахтли. Бу ҳаётдан енгил-елпи яшаб ўтиш ҳам мумкин. Аммо ҳаётнинг моҳияти, умр маъноси, охират ҳақида қайғурадиган, келажак мазмуни, фарзандлар истиқболи ҳақида уйлайдиган, нима қилсам шу болаларим мендан кейин бахтли-саодатли, соғ-саломат, туқ-фаровон бўлади, деган ташвиш билан яшайдиган одамларнинг сони эса, ишончим комилки, кўпроқ.

Бундай одамларни узгартириш қийин. Мен ҳам шундай одамман. Худо таоло мени шундай қилиб яратган. Хоҳлардимки, мени ҳаёт ҳам, халқимиз ҳам шундай қабул қилсин.

Агар одамнинг бахти нимада, деб суралса, мен кимки уз ички дунёси, бошқача айтганда, иймон-эътиқоди амрига буйсуниб яшаса, шундан розилик, қаноат туйса, шубҳасиз, ана шундай инсон бахтлидир, деб жавоб берган булардим.

Инсон уз виждони, иродаси, иймонига қулоқ солмасдан ҳаёт кечирса, уйлайманки, охир-оқибатда, боши ташвишу гурбатдан чиқмай қолади, пушаймонлик ва надоматлар утида ёниб-қуяди, узидан узи утган умридан норози бўлади.

Азиз дустлар!

Бугунги воқеалар муносабати билан айрим одамлар хавотирга тушиб, кунгида ҳар турли саволлар найдо бўлиши мумкин. Шуни инобатга олиб, айтмоқчиман: бу ёвуз ҳаракатни содир этган кучларнинг яна бир мақсади — одамларни қандайдир ваҳимага солиш, халқимизни, авваламбор Тошкент аҳолисини саросимага тушириб, юрагига гулгула солиб, шу орқали ҳозирги ҳаётимизга, олиб борилаётган сиёсатга кишиларнинг ишончини сусайтириш. Бугун амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимизга, мустақамланиб бораётган иродамиз, иймон-эътиқодимиз, айниқса келажакка бўлган ишончимизга зарба беришдир.

Бугунги учрашувдан асосий мақсад — телевидение, радио, матбуот воситалари орқали халқимизга бугунги воқеалар тўғрисида ҳақиқий маълумот бериш, одамларимизни ваҳимага тушмасликка, саросимага берилмасликка, барқарорликни сақлашга чақириш, ёвуз ниятли кимсаларнинг кирдикорларига қарши иродамизни янада бақувват қилишга даъват этишдан иборат. Бу тўғрида энг таъсирчан, энг самарали воситаларни қанча тез ишга солалсак — шунча яхши. Мен матбуот ходимларидан бу бўлган воқеа ғаразли кучларнинг қабиҳ бир намоиши эканини халққа етказиш ва тўғри тушунтиришни илтимос қиламан.

Мен барчангиздан бир нарсани сўрайман: ваҳимага тушмаслик керак. Ҳеч ким ваҳимага берилмасин, токи юрагимизда гулгула

пайдо бўлмасин. Аксинча, одамларда бу разил қупорувчилар ва уларнинг ортида турган кучларга нисбатан қаҳр-ғазаб уйғотиш керак, бугунги ҳаётни, тинчликни, барқарорликни, осойишталикни қадрлашга, ҳар қайси хонадон, маҳалла, қишлоқдаги осудалик, бир-биримизга бўлган меҳроқибатни янада мустақамлашга ҳаракат қилишимиз керак. Жамоатчилигимизга, бутун халқимизга телевидение орқали айтадиган гапим шу — қалбингизга ваҳима тушмасин. Ёвуз кучларнинг илдизига етиб бориш, илдизи билан суғуриб ташлаш қўлимиздан келади!

Шунинг учун энг аввало маҳаллаларда, меҳнат жамоалари ва ўқув даргоҳларида бўлиб ўтган воқеани атрофлича муҳокама қилишимиз керак. Фақат ҳодисанинг ўзи ҳақида эмас, балки унинг нима мақсадда содир этилгани тўғрисида фикр юртиш, бундай хавфдан одамларни огоҳ қилиш зарур.

Гап шундаки, биз ҳаммамиз бир халқнинг фарзандлари, вакилларимиз. Шу жумладан жинойтга қўл урганлар ҳам, адашиб шу йўлга тушганлар ҳам. Уларни тарбиялаш, тўғри йўлга солиш — барчамизнинг вазифамиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллаларда ўтказиладиган мажлисларда нима тўғрида гапириш керак? Мана шу манфур кучлар нима қилмоқчи, уларнинг мақсади нима, масжидларда нима гаплар бўляпти? Бизнинг имом-хатибларимиз одамларнинг кўзини очиб бериш борасида ўз бурчларини бажараяптими, йўқми? Одамларимизни, муқаддас динимизни ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоя қила оляптими, йўқми?

Бугун ҳар бир маърифатли, виждонли инсон ақидапарастлик балосига қарши курашиши, халқнинг кўзини очиб, уларга бор ҳақиқатни тушунтириб бериши, одамларнинг руҳини, онгу тафаккурини ҳимоя қилиши зарур. Хуш, жамоатчилигимиз, зиёлилар, шоир-ёзувчиларимиз, дин пешволаримиз, муаллим-мураббийларимиз, матбуот ходимлари шу ҳақда жиддий уйлаяптими? Шу ҳақда ошкора, теран ва холис фикр юритиб, халқни огоҳликка даъват этияптими?

Ҳар қайси маҳалла ўз ҳудудидаги масжид фаолиятига алоҳида эътибор бериши керак. Аслида масжид ким учун керак? Масжид

имом учун эмас, суфи учун эмас, халқ учун керак, мўмин-мусулмонлар учун керак. Маҳалланинг ҳаётини, инсоннинг икки дунёсини обод қилиш, охират деган тушунчани одамлар онгига сингдириш — масжид мана шунинг учун керак. Виждонни уйғотиш, инсонни инсонийлик руҳида тарбия этиш — мана бу масжидларнинг иши.

Шунинг учун яна бир бор айтаман: ҳар қайси маҳалла аҳли уз масжидининг ишидан, у ердаги маънавий муҳитдан хабардор бўлиб туриши керак. Шунинг унутмаслик керакки, маҳалла узини узи бошқарадиган ташкилот. Бинобарин, масжидлар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш уларнинг бевосита вазифасига киради. Табиийки, маҳалла аҳли ҳам, маҳалла раҳбари ҳам шу масжидга қатнайди. Масжидга борадиган маҳалла раҳбари мусулмонлик фарзларини адо этиш билан бирга узининг хизмат бурчини ҳам эсдан чиқармасин. Масжидларда бўлаётган ташвиқотлар, тарғиботлар қандай мазмунда, улар бизнинг тушунчамизга, авваламбор Қуръони карим оятларига, Имом Бухорий тўплаган ҳадисларга тўғри келадими, йўқми? Бизнинг динимиз авваламбор Қуръони каримга, унинг илоҳий оятларини тушунтириб, маъно-мазмунини бизга аён қилиб берадиган Ҳадиси шарифга асосланади. Диний-руҳий ҳаётда шу қоидаларга қанчалик амал қилинаётгани тўғрисида ҳам кимдир уйлаши керак-ку, ахир!

Бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама тушунтириш ишларини йўлга қўйиш, кўпроқ ташвиқот олиб бориш зарур. Одамларнинг онгига ҳақиқатни етказиш керак.

Бу бадкирдор, кўпоровчи кучларнинг бугунги воқеалардан кузлаган яна бир нияти шундаки, ҳозир Ўзбекистонга катта миқдорда чет эл сармоялари кириб келмоқда. Хорижий мамлакатларнинг кўпдан-кўп вакиллари келиб, биз билан ҳамкорлик қилаётгани, янги жамият қуришда фаол иштирок этаётгани баъзиларга ёқмайди. Бу нафақат ёвуз ниятли душманларимизга, нафақат ақидапарастларга, балки узини бизга яхши томондан кўрсатаётган бошқа айрим кучларга ҳам ёқмайди. Уларнинг асосий мақсади — Ўзбекистонда тинчликни издан

чиқариш. Агар юртимизда бугунгидек нохуш ишлар юз бериб, нотинчлик пайдо бўлса, бу кучлар дарров чет эллик сармоядорларга, ажнабий ҳамкорларимизга қарата, бу мамлакатта сармоя сарфлаш хатарли, деган гапларни тарқатиб, юртимиз, халқимиз шаънига қандайдир доғ туширишни кўзлайди. Биз буни ҳам эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Чунки мамлакатимизга чет эл сармоялари келишининг асосий шarti — Ўзбекистондаги барқарорликдир. Бугунги воқеалар ҳам биздаги вазиятта зарба беришга қаратилган. Буни ижрочилар тушунмаса ҳам, уларнинг ортида турганлар яхши англайди.

Бу қабиҳ кучларнинг яна бир нияти — ёшларимизнинг бугунги ижобий ҳаётий интилишларига зарба беришдан иборат. Чунки уларга ёш авлодимизнинг тараққиётга интилиши, ҳаётга бошқача, замонавий кўз билан қараши ёқмайди. Уларнинг мақсади — бугунги энг тараққий топган давлатлар билан урнатган алоқалари-мизни узинга, ёшларимиз тарбиясини издан чиқаришга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини йуққа чиқаришга қаратилган.

Қаранглар, ҳозир ёшларимиз қандай кўз билан, қандай пок ният билан, қандай эзгу орзу-умидлар билан эртанги кунига интиляпти. Мен телевизорда уларнинг юрак сўзларини эшитиб, беихтиёр ҳаяжонга тушаман, ўз ҳаётимдан рози бўламан. Нега деганда, бу ёшлар — эртанги ҳаётимиз. Эртанги кунимиз мана шу ёшларнинг қўлида, ёшларнинг ҳаракатида, ёшларнинг қурбида, керак бўлса, қудратида. Қаранг, шундай ҳаракат ҳозир бутун Ўзбекистонимизни қамраб олди. Мен шундан гурурланаман. Бу ҳаракат, бу интилишни асло тўхтатиб бўлмайди. Лекин унга зарба бериш, ёшларни бу йўлдан қайтариш — ганимларимизнинг ёвуз нияти. Буни ҳам чуқур уйлаб куриш, унинг сабаб-оқибатларини узимизга яққол тасаввур қилишимиз зарур.

Душманларимиз шуни яхши билиб қўйсинки, биз ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Ёшларимизни ҳимоя қиламиз!

Агар биз шу ерда буш келсак, ёш авлод тақдирига бефарқ қарасак, бу кечириб бўлмайдиган гуноҳи азим бўлади. Такрор

айтаман: ёшларимизни, болаларимизни, фарзандларимизни ҳеч кимнинг қулига бермаймиз! Уларни ўзимиз ўз қулимиз билан тарбия қиламиз!

Нега деганда, булар бизнинг фарзандларимиз. Менинг фарзандим, сизларнинг фарзандларингиз. Нима учун мен ўзимнинг боламини қандайдир ақидапараст қулига, разил ният билан юрган одамларнинг қулига бериб қўйишим керак?!

Мен қатъий ишонч билан айтаманки, Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар менинг болаларим, менинг фарзандларим!

Жиноятчиларни ушлаш, уларни жавобгарликка тортиш, ақли-хушини киргизиб қўйиш — бу ўз йўлига. Бунга мана шу ерда ўтирган тегишли ташкилотлар, органлар, мутасадди раҳбарларнинг кучи етади, мен бунга ишонаман. Халқимиз ҳам ишонади. Биз 1990 ёки 1991 йилда яшаётганимиз йўқ. Ҳарбий кучларимиз, керак бўлса, хавфсизлик ташкилотлари, ички ишлар идоралари, прокуратура, бошқа ташкилотларнинг кучи етади.

Лекин бугунги энг муҳим масала — халқимизни ганимларимизнинг ёвуз ниятлари, ёвуз ҳаракатларидан, хавф-хатардан огоҳ этиш. Эл-юртимизни ҳар қандай бало-қазолардан асраш учун одамларни жиқслаштириш ва олдимизда турган эзгу мақсадлар йўлига бошлашдан иборат.

Бизнинг энг катта таянчимиз — халқимизнинг иродаси, халқимизнинг ишончидир.

Менинг Оллоҳдан сўрайдиганим — эл-юртимизни, унинг тинчлигини, тотувлигини ўзи асрасин, барчамизни паноҳида сақласин.

## ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

*Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги  
мухбирининг саволларига жавоблар*

**САВОЛ.** *Муҳтарам Президент, Ўзбекистондаги сўнги воқеалар муносабати билан юртимиздаги сиёсий-ижтимоий вазиятга жаҳон жамоатчилиги ва хорижий матбуот вакилларининг қизиқиши сезиларли даражада кучайди. Бу хусусда турлича қарашлар, фараз ва талқинлар бор. Сизнинг фикрингизча, бу воқеаларни қандай тушуниш ва баҳолаш мумкин?*

**ЖАВОБ.** Дарҳақиқат, бугун жамиятимиз кескин сиёсий жараёнларни бошидан кечирмоқда. Буни ҳаётимизда руй бераётган узгаришлар, одамларимизнинг сиёсий фаоллиги ортиб бораётгани, эртанги кунга ишончи тобора мустаҳкамланаётгани мисолида кўриш мумкин. Шу билан бирга, афсус билан қайд этиш лозимки, мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган, ҳаётимизни издан чиқаришга уринаётган, халқимизнинг миллий манфаатларига тажовуз қилмоқчи бўлаётган айрим ички ва ташқи кучлар ҳам жонланиб қолди.

Биз мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган дастлабки кунларданоқ энг олий мақсадимиз—юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, замонавий талабларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда яшаш ва халқаро майдонда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ғояларини очиқ-ойдин баён этганмиз. Утган саккиз йил мобайнида қийинчиликлар ва тўсиқларга қарамасдан, танлаган йўлимиздан изчиллик билан бормоқдамиз. Бу йўлнинг ўзига хос жиҳатларини, дуч келиши муқаррар бўлган машаққатлар ва турли синовларни, хавф-хатарларни назардан четда қолдирмасликка, уларнинг олдини олиш ва баргараф қилишга интилиб келмоқдамиз.



Мен Ўзбекистон давлатининг раҳбари сифатида, халқимизнинг тинчлиги ва омонлиги учун, Ватанимиз сарҳадларининг дахлсизлиги учун жавобгар шахс сифатида, қолаверса, шу азиз ва бетакрор юртнинг бир фарзанди сифатида ўз фаолиятимда авваламбор аҳолимиз ва халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини мана шу қалтис, ута мураккаб, ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалаларга қаратиш, уларнинг тўғри ва оқилона ечимини топиш ҳақида ҳамиша бош қотириб келаман.

Хусусан, «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобимда, кейинги вақтдаги нутқ ва чиқишларда, «Тафаккур» журнали, «Туркистон» газетаси, «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги вакилларининг саволларига берилган жавобларда, Олий Мажлисимизнинг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли маърузада мен бу ҳақда алоҳида ва батафсил тўхталиб ўтган эдим.

Бундан кўзланган асосий мақсад—юртимиздаги турли миллат, ижтимоий тоифа ва касбу корга мансуб бўлган кенг оммани огоҳликка чақириш, мавжуд хавф ва таҳдидларнинг моҳиятини англаб етиш, улар ҳақида жамоатчилик фикрини уйғотиш, энг муҳими, миллий ғоя, миллий мафкура асосида халқимизни бирлаштириш, янада жипслаштиришдан иборатдир.

Уйлайманки, бугун юртимизда яшаётган ҳар бир онгли инсон мамлакатимизнинг олга босиши, тараққий топган давлатлар билан ҳамкорликда ривожланиши учун зарур шартларни англаш билан бирга, шу қадамларимизга тусиқ бўлиб турган сабаб ва кучларни, уларнинг бизга қарши очиқ ва пинҳона қилаётган ҳаракатларини ўзича тасаввур қила олиши мумкин.

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйгандан буён ўтган даврга назар ташлайдиган, уни танқидий баҳолайдиган бўлсак, куп ҳолларда кундалик муаммолар, асосан моддий ташвишлар билан уралашиб, давлатимиз, халқимиз бошидан кечираётган тарихий жараёнларни тўла англаб етолмаётганимизни сезиш мумкин. Очиқ тан олишимиз даркор: баъзи бир хомхаёл, эскича фикрлайдиган одамларнинг назарида мамлакатимиздаги ижтимоий вазият гўёки 80-йиллардан буён

теп-текис, силлик, ҳеч қандай қурашларсиз ўз йули, ўз табиий оқими билан давом этиб келаётгандек туюлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг дастлабки самаралари, улкан қурилиш ва иншоотлар қандай машаққатли меҳнат эвазига, мамлакатимиз тараққиёти йулида, халқаро майдонда муносиб нуфузга эга бўлиш йулида ҳеч қутилмаган, оғир тусиқларни енгиш эвазига қулга киритилаётганини баъзи бир кишиларнинг тасаввур қилиши ҳам қийин.

Бу ҳақиқатни одамларга гоҳ-тоҳ эслатиб турилса, фойдадан холи бўлмайди.

Ваҳоланки, кейинги саккиз-ун йил ичида давлатимиз, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон ва оила тақдирида қандай мураккаб синовлар бўлганини, халқимиз не-не қийинчилик ва тусиқларга дуч келиб, уларни сабр-бардош ва матонат билан енгиб келаётганини, энг муҳими, жамиятимиз ҳаётида, унинг турли тоифа ва босқичларида, одамларимиз тафаккурида оғир қураш кечаётганидан огоҳ бўлиш, бундан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариш нақадар зарур эканини барчамиз яхши англаб олмоғимиз даркор.

Мен ҳозир умумий ривожимиз, ҳаётимизни янгилаш, давлат ва жамият қурилиши борасидаги кенг куламли ўзгаришлар ҳақида батафсил тўхталмоқчи эмасман. Мен фақатгина бир фикр аҳолимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлишини истардим: агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришяётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак ўз хушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай, сезмай қолишимиз мумкин.

Шу билан бирга, бундай ёндашув одамларимизни ташвишга солаётган маълум воқеаларни, уларнинг негизида ётган сабаб-оқибатларни тасаввур этиш, тушунишга кўмак беради.

Ёдингизда булса, Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузамда мен бу масалага муносабат билдириб, халқимиз эътиборини иккита хавф-хатарга қаратган эдим.

Булардан **б и р и н ч и с и** мамлакатимиз ташқарисиддаги тажовузкор, ақидапараст кучлар бўлиб, улар ислом дини

халқимиз учун муқаддас қадрият эканидан фойдаланиб, ота-боболаримиз динини ниқоб қилиб, Ўзбекистонни демократик маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга, уни орқага қайтаришга уринмоқдалар.

Бу фикрнинг тасдиғини Ўзбекистонда сунгги йилларда пайдо бўлган, бизнинг динимизга ёт турли ақидапарастлик оқимига мансуб — ваҳобийлик дейсизми, «Ҳизбуг-тахрир» дейсизми, «Мусулмон биродарлар» дейсизми — ҳаракатлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бугун бизда мавжуд маълумотлар ва шу диний-экстремистик ҳаракатларнинг қўлга тушган баъзи бир маҳаллий «дохийлари» берган кўрсатма ва иқдорларга кўра, бу оқимлар юртимизда кечагина эмас, балки 80-йиллардан илдиз ота бошлаган. Уларнинг ортида айрим чет мамлакатларида жойлашган, бизни ўз таъсирига олмоқчи бўлган марказлар турган.

Ушша марказларнинг тузоғига илиниб, уларнинг садақалари ҳисобидан тирикчилик қилган ва шундан манфаат кўрган бу маҳаллий «дохийлар» ўз фаолиятини юртимизда ута махфий ва пинҳона тарзда олиб борган.

Бугунги маълумотларга қараганда, бу бир тўда сотқинлар аввало ўзлари ишонмайдиган ғоя ва ақидаларни аҳоли ўртасида тарқатиб, иродаси бўш, онги паст айрим ёшларни алдаб-сулдаб, уларга қасам ичириб, сохта эътиқодга кундириб, ўз тарафдорлари сонини кўпайтиришга уринганлар.

Яна бир бор шуни таъкидламоқчиманки, бундай махфий тарзда қупорувчилик фаолияти олиб бораётган ташкилотларни чет эллардаги экстремистик кучлар ва марказлар бошқариб тургани, улар ўзининг ёвуз мақсадларини амалга ошириш учун катта куч ва маблағ сарф қилаётгани биз учун аён. Бугунги кунда бизда буни тасдиқловчи етарли далиллар бор. Тергов ва суд жараёнлари тугаганидан сунг бу маълумотлар кенг жамоатчилик ва халқимизга, албатта, маълум қилинади.

**И к к и н ч и** хавф-хатар бизнинг мустақил йўлимизни кўролмайдиган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмронлик қилишга интилаётган кучларнинг мавжудлигидир.

Юртимизга таҳлика солиши мумкин булган мана шу икки омил ҳақида чуқур фикр-мулоҳаза юритган одам узини қийнаётган куп-куп саволларга жавоб топиши мумкин. Зийрак, дунё ишларидан озми-кўпми хабардор юртдошларимиз буларнинг қандай кучлар эканини, уларнинг сиёсий баъшарасини, ғаразли мақсадларини яхши билади. Биз халқимизнинг хоҳиш-ғиродаси билан танлаган ўз йўлимизда қатъиймиз: яъни Ўзбекистон ақидапарастликнинг — у хоҳ диний, хоҳ коммунистик шаклда булсин — ҳар қандай кўринишларига қарши. Шунингдек, биз ҳар қандай шовинистик, бизни менсимаслик, империя кўзи билан қараш интилишларини, минтақада ҳукмронлик ва зўравонлик қилиш даъволарини ҳам кескин рад этамиз. Аввало яқин кўшнилариимиз, дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликка эса доимо тайёрмиз.

*САВОЛ: Шу кунларда 16 февраль воқеаларини содир этишда айбланаётган бир гуруҳ кимсалар устидан суд жараёни давом этмоқда. Судланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади.*

*Албатта, бу ҳол барчамизни ҳам қийнаётгани табиийдир. Бугун Ўзбекистон аҳлини бир савол ўйлантирмоқда: қандай қилиб айрим ёшларимиз бундай зарарли оқимлар таъсирига тушиб, жинойят кўчасига кириб қолди?*

**ЖАВОБ:** Мен кўҳна бир ҳақиқатни яна эслатмоқчиман: табиатда бушшиқ булмаганидек, инсоннинг онгу тафаккурида ҳам бушшиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб булмайди. Ҳар бир онгли одамнинг воқеликка ўз муносабати, мақсад ва интилишлари бўлиши табиий.

Орзу-умидлар билан яшаётган, дунёқарашни, руҳий олами шаклланаётган ҳар қайси инсон ёшлик чоғида ҳаётнинг маъно-мазмунини ҳақида ўйлайди, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади, шунга қараб турмуш режалари, интилишлари пайдо булади. Куп нарса, албатта, инсоннинг узига ва унинг тарбиясига боғлиқ. Аммо бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, она, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахту саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг онаси, фарзандлари, халқининг эзгу мақсадларига, ҳаётининг манфаатларига нечоғли мос келишига узвий боғлиқдир.

Одамзод қандай тизим, қандай муҳитда яшамасин, бари бир уз қалбида муайян бир ғояга, маслак-мақсадга эҳтиёж сезади. Минг афсуски, бу жараён ҳаммада ҳам бир хил кечмайди, бу тушунча ва фикрлар айрим инсонларнинг қалбига кечроқ кириб боради. Содда қилиб айтганда, уларнинг эс-ҳуши кечроқ, яъни бошига бир мусибат тушганида ёки бирор синовга дуч келганида киради.

Биз мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ моддий-иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлдик. Чунки халқимизни утиш даври ларзаларидан асраш, кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг асосий масала бўлиб турар эди.

Бизга эски тузумдан пахта яккаҳокимлиги, заҳарли дорилар билан қопланган далалар, қишлоқдаги ачинарли аҳвол, мураккаб демографик вазият, уюшган жиноятчилик, Орол муаммоси каби экологик офатлар оғир мерос бўлиб қолган эди. Айниқса, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ички сиёсий вазиятни барқарор ушлаб туриш, ташқи сиёсат ишларини ташкил этиш, миллий валюта жорий этилгунга қадар булган молиявий муаммолар сингари ҳаёт-мамотимизни ҳал қиладиган масалалар ғоят катта куч, маблағ, энг муҳими, вақт сарфлашни талаб этарди.

Шукрки, халқимизни ана шу оғир йиллардан бурнини қонатмай, бировга тобе-қарам қилмай, бутун собиқ шуро маконида ҳукм сурган ижтимоий тўфонлардан омон-эсон олиб утишга муяссар бўлдик. Бутун бу ҳақиқатни кенг жамоатчилик ва халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда.

Шундай мураккаб ва кескин муаммолар билан банд бўлганимизга қарамасдан, биз озодлигимизнинг илк кунлариданоқ маънавият, таълим-тарбия соҳасига жиддий эътибор бердик. Бу улкан тарихий ишлар шу жараёнларнинг бевосита ишпирокчиси бўлган халқимизга яхши маълум. Шу боис, уларни бирма-бир санаб утиришга ҳожат йўқ. **Лоақал миллий қадриятларимизни, тилимиз, тарихимиз, дин-диёнатимизни тиклаш, баркамол авлод тарбияси борасида амалга оширилган ишларни эслаш кифоя, деб ўйлайман.**

Кишилари онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янгича тафаккур, янги мафкура ғояларини сингдириш бир-икки йиллик иш бўлмай, балки узоқ давом этадиган жараён

Эканига бугун ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Аммо мафкура-маърифат соҳасидаги вазифамиз фақат одамларимизнинг заҳарланган онгини эски мустабид тузум асоратларидан халос қилишдангина иборат эмас. Бундай деб ўйлаш енгил-елпи фикрлаш билан баробар.

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз — жамиятимиз аъзоларини, авваламбор вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, узлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Албатта, биз фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги принципига тарафдормиз. Аммо бу фикр ва қарашларни бирлаштирадиган, уларнинг муштарак жиҳатларини уйғунлаштирадиган ягона мезон борки, бу миллий ғоя ва миллий мафкурадир.

Миллий ғоя ва миллий манфаатга зид, ёт ҳаракат ва интилишларни биз асло қабул қилмаймиз.

Бизнинг тарғибот-ташвиқот ишларимиз кўпинча тор доираларда қолиб кетяпти, ҳаётнинг кенг қатламларига кириб боролмаяпти, тажрибасиз, гўр, билими, дунёқараши чекланган айрим ёшларнинг онгига етиб бормаяпти. Натижада улар бизга ёт бўлган ташқи таъсирларга, бузғунчи ғояларга кўр-кўрона берилиб, ҳатто ўз ота-онасига, халқи ва Ватанига қўл кўтарувчи ёвуз қотилларга айланмоқда.

Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, ғояга қарши ғоя билан курашиш тарафдоримиз. Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унутган кимсалар билан ғоявий мунозарага киришишнинг узи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарлаб ташланганки, улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб беради-ю кейин қотиб тураверади—учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба.

Халқимиз мустахлакчилик жабрини, қарамлик фожиасини беҳад кўп тортган. Шунинг учун у тутқунликнинг ҳар қандай шаклини, ҳар қандай қуринишини юрак-юрагидан рад этади.

Бошқача айтганда, энди елкасига офтоб тегиб, эркин нафас ола бошлаган халқ қуллик кишинини қайтадан киймайди.

Давлатимиз адашиб хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятларни берди. Узининг бағрикенг, кечиримли эканини, тузумимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир карра тасдиқлади. Чунки ана шу адашганлар ҳам ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир.

Сизнинг саволингизга қайтиб, қушимча қилмоқчиман: бугунги ҳаёт шиддати, воқеалар ривожи шу қадар жўшқинки, биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсак-да, баъзи ўринларда, афсуски, кеч қолаяпмиз.

Нима учун кеч қолаяпмиз, деган савол туғилади. Биз таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқдик. Дастурни амалга ошириш юзасидан жиддий ишлар қилинмоқда. Истиқлол йилларида ташкил этилган янгича гимназия, лицей ва мактабларимизда таълим олаётган ўғил-қизларимиз билан учрашганда, уларнинг эркин, мутелиқдан озод дунёқараши билан танишганимда узимни ҳаётдаги энг катта орзуси ушалган одамдек ҳис қиламан. Шу болалар сиймосида умрим мазмунини, ҳаётимнинг асосий самараси—меvasини кургандек буламан.

Айни пайтда бошқа бир муаммо ҳам мени уйлантиради: мана шу таълим-тарбия тизимида руй бераётган буюк ўзгаришлар жараёнидан, афсуски, барча фарзандларимиз ҳам баҳраманд бўлолмапти. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу—бор ҳақиқат.

Мен замонавий фикрлайдиган, Ватанга садоқат руҳида тарбия олаётган, жаҳон тараққиёти ва маданияти билан ҳамқадам бўлишга интилаётган юз минглаб ёшларимиз билан бир қаторда ҳали шу даражага етмаган қанчадан-қанча фарзандларимиз ҳам борлигини ўйласам, олдимизда нақадар катта муаммолар турганини яққол тасаввур этаман. Бу ишни амалга ошириши лозим бўлган ўқитувчи-мураббийларни куз олдимга келтирсам, уларни чинакам замонавий билим соҳибларига айлантириш учун ҳали ниҳоятда куп иш олиб боришимиз кераклигини ҳам

англайман. Бир сўз билан айтганда, бу борада қанча иш қилмайлик, шу соҳада оқсоқлигимизни тан олишимиз, кўпдан-кўп муаммолар ечими айна шу масалага тақалиб қолаётганини эътироф этишимиз зарур.

Шунинг учун ҳам таълим-тарбия соҳасидаги Миллий дастуримизни кечиктирмасдан дарҳол ҳаётга тулиқ татбиқ этиш — бу борадаги фаолиятимизнинг асосий мезони эканини англаб олишимиз шарт.

Агар биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, боқимандаликни ор деб биладиган, энг ривожланган мамлакатларнинг илгор кишилари билан теппа-тенг муомала қила оладиган, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата биладиган, бу мураккаб, бешафқат ҳаётнинг пасту баланд, тангу тор кучаларидан Оллоҳ берган ақл-заковати билан тўғри йўлни адашмай топа олишга қодир бўлган баркамол авлодни тарбиялаб етиштирсак, ўйлайманки, ўз мақсадимизга тўла эришган бўламиз.

Айтинг-чи, шундан кейин биз ота-оналарда яна қандай армон бўлиши мумкин? Бундай ёруғ фикрли, мияси тиниқ, эътиқоди соғлом болаларни сохта оқимларга эргаштириб буладими? Улар пана-пастқамларда писиб юрган ҳар хил жоҳил одамларнинг гапига кирадими? Умрида бирорта китоб ўқимаган нодон кимсалар уларни йўлдан оздириши мумкинми? Бу авлод вакиллари ўз Ватанига, узини оқ ювиб оқ тараган эл-юртига қўл кутариши, унга ёмонлик соғиниши мумкинми? Ота-онасини зор қақшатиб, оқнадар, падаркуш бўлиши мумкинми? Дунёдан утиб кетган ажодларининг қабрларини беҳурмат қилиб, уларнинг арвоҳларини чирқиратиши мумкинми? Ўз насл-насабидан, она юртидан воз кечиши мумкинми?

Йўқ. Ҳеч қачон. Онгли инсон, юрагида иймон-инсофи, дийнати бор одам асло бундай қилмайди. Қилолмайди.

**САВОЛ.** *Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мавжуд вазиятда маънавий-мафкуравий, таълим-тарбия ишларининг янада катта аҳамият касб этиши шубҳасиз. Сизнинг назарингизда, бу борадаги ишларни такомиллаштириш, янги босқичга кўтариш учун нималарга эътибор бермоқ лозим?*

**ЖАВОБ:** Биз зўравонликка, коммунистик ақидапарастликка асосланган етмиш йиллик даврни бошимиздан кечирдик. Бу



даврда оммани сохта гоёларга ишонтириш, уларга итоат қилдириш учун қанча-қанча куч, қанчадан-қанча маблағ сарф булмаган, дейсиз. Бу иш билан бутун бошли бир тизим шуғулланар эди. Жамиятнинг энг юқори бугинидан энг қуйи қатламларигача бу тизим ўзининг кучли таъсирини утказар эди. Эҳтимол, бугунги ёшларимиз билмас, лекин нисбатан ёши улугроқ одамлар у пайтлардаги ҳар турли сиёсий ахборот ва ўқишлар, машғулотлар, лекция ва маърузаларни яхши эслайди. Матбуот, радио-телевидение, адабиёт ва санъатнинг ҳам бор эътибори шу масалага—одамлар онгида бўшлиқ пайдо бўлмаслигига қаратилган эди.

Бошқача айтганда, бу тизимнинг ягона мақсади—шу режимга керак бўлган мафқурани кишилар онгига зўрлик билан сингдиришдан иборат эди. Ўзбек халқини ҳар тонгда «Ассалом, рус халқи, улуг оғамиз!» деган нағмалар билан уйғотишдан кўзланган ният ҳам аслида ана шу эди.

Шуро даврида мафқура масаласида шундай бир механизм мавжуд эдики, у одамларни фикрлашга чорламаса-да, сохта гоёларни ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга эриша оларди.

Бу ҳақда ўйлаганда меки бир савол қийнайди. Нега энди шуро ҳукумати ўз сохта гоёларини омма онгига сингдира оларди-ю, биз эса халқимизнинг асл манфаатларини ифодалайдиган, унинг фаровон турмуши ва бахтли келажаги учун хизмат қиладиган ҳаққоний миллий гоёмизни одамларимиз қалбига сингдира олмаймиз?

Менимча, бунинг асосий сабаби шундаки, биз демократик жамият қураб эканмиз, мафқуравий зўравонликни рад этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариш эмас, балки бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик. Жамият аъзоларининг қонун олдидаги масъулиятини ҳаётимизнинг устувор тамойиллари деб билиб, бунга қатъий амал қилишга интилдик.

Бизнинг пировард мақсадимиз—инсон ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинадиган маърифатли жамият барло этишдан иборат. Иншооллоҳ, биз бу мақсадимизга эришамиз. Чунки бутун маърифий дунё айнан шундай қонунлар асосида

яшайди ва тараққий қилади. Чунки бундай жамият аъзолари билан баҳс қилиш, мунозара юритиш, умумий тил тониш мумкин. Аммо миясига хомхаёл васвасаси зулукдай ёнишиб олган, на қонунни, на реал ҳаёт талабларини тан оладиган мутаассиб тудалар билан қандай мурося қилиш мумкин?

Мен халқни бирлаштирувчи, юксак мақсадлар сари чорловчи мафкура—миллий ғоянинг жамият ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида илгари ҳам қайта-қайта айтиб ўтганман. Биз унинг мазмун-моҳияти, уфқларини умумий тарзда белгилаб олдик. Энди ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий худосаларни ишлаб чиқишлари, қисқача айтганда, мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим.

Айтинг-чи, миллий мафкурани аниқ тасаввур қилмасдан, унинг назарий асосларини тўғри белгилаб олмасдан туриб бу масалани ҳал қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Миллий ғоя, миллий тафаккурни шакллантирмай, таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни умумбашарий мақсадлар сари йўналтиришдек мураккаб ижтимоий вазифаларни ечиш мумкин эмас.

Аёнки, бу муаммо тарғибот-ташвиқот орқали амалга оширилади. Лекин биз нимани ва қандай тарғибот қилишни аниқ ва пухта тасаввур этишимиз керак. Яъни, агар таъбир жоиз бўлса, мафкуравий озиқ нимадан иборат бўлишини, уни одамлар онгига қай тариқа етказиш усулларини ишлаб чиқиш даркор.

Содда қилиб айтганда, мустақиллик ҳар қайси одам, ҳар қайси оила, юртимиз учун, келажагимиз учун нима берди ва нима беради, деган масалани оддий ҳаётий мисоллар асосида кишилар онгига етказиш, қалбига сингдириш орқали уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, кўзини реал ҳақиқатга очиб бериш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, жамиятимиздаги бугунги вазият, мавжуд хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида олимларимиз, пешқадам зиёлиларимиз халққа ўз сўзларини айтишлари керак. Улар бу борада жамият олдида қарздор эканликларини унутмасликлари лозим. Яна шунини ҳам унутмаслик

керакки, мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур. Яъни, халққа бор ҳақиқатни очик айтиб, шунга кўндириш, ишончини қозониш ва шу асосда уни янги марраларга чорлаш керак.

Бунинг учун эса, авваламбор, миллий ғоя, миллий мафкура негизида одамларнинг эркин ҳаёт, обод ва озод ватан қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, интилишларини умумлаштирадиган, таҳлил этадиган, шу ғояларни бойитиб ривожлантирадиган ва кучайтирадиган идоралар фаолиятини ташкил этиш зарур.

Бу ишни қандай йўлга қўймоқ даркор?

**Биринчидан**, мавжуд вазиятни, яқин истиқболимизнинг ривожланиш тамойилларини, керак бўлса, ундаги салбий ҳолатларнинг ижтимоий сабабларини холис ўрганадиган нодавлат, мустақил ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг имкониятидан тула фойдаланиш зарур. Токи бу ташкилотлар ҳар қандай манфаатдан ёки таъсирдан холи бўлиб, бизга реал ҳаёт ҳақида, муайян ижтимоий ҳодиса ва воқеаларни келтириб чиқарадиган омиллар ҳақида аччиқ бўлса-да, холисона, ҳаққоний хулосалар берсинлар. Ва жамиятни эски асоратлардан халос этиш, дунёқарашимиз, маънавиятимиз ва мафкурамизни юксак босқичга кўтариш йўларини пухта ишлаб чиқишлари ва тавсия этишлари даркор. Бу ишга Тарихчилар, Файласуфлар кенгашлари, яқинда тузилган Маърифатпарварлар жамияти каби жамоат ташкилотларини жалб этиш керак.

**Иккинчидан**, вилоят ва туман ҳокимликларининг бевосита кўмагида Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказининг жойлардаги бўлимлари қошида маърифий тарғибот кенгашларини тузиш лозим. Бу кенгашлар таркиби эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонган, юксак савияли, купни кўрган, жонкуяр, оташин, энг муҳими, одамларнинг юрагига ҳаққоний сўзи, ёрқин фикри билан йўл топа оладиган фидойи инсонлардан иборат бўлиши керак.

**Учинчидан**, мактаблар, лицей ва коллежларда бевосита маънавият масалалари билан шугулланадиган мутасадди мутахассислар лавозимларини жорий этиш зарур.

**Тўртинчидан**, мактаб, лицей ва коллежларда болаларимизнинг онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар

ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли ташкилот ва тугарақлар тузиш керак. Улар уғил-қизларимизни узлигини англашга, мустақил, онгли фикрлашга ургатиши, уларнинг тафаккурида бушпиқ вужудга келишига йул қўймаслиги лозим.

Модомики, ёшларни фикрлашга ургатиш, тафаккур тарбияси ҳақида сўз борар экан, биз муҳим бир нуқтани ҳам назардан қочирмаслигимиз зарур. Фикримни очикроқ айтадиган бўлсам, ҳар қандай тарбияда, ҳатто юксак ривожланган демократик тарбия тизимида ҳам озми-кўпми бажарилиши шарт бўлган белгилар мавжуд. Масалан, болани гудаклигидан юз-қулини ювишга ургатмасангиз, керак бўлса, мажбур қилмасангиз, ювуқсиз ҳолда дастурхон атрофига утириш унга одат бўлиб қолади. Халқимизга азалдан хос бўлган шарму ҳаё, андиша, ота-онага ҳурмат, катталарга иззат-эҳтиром, кичикларга шафқат каби олижаноб фазилатлар ҳам уз-ўзидан шаклланиб қолмайди.

Кўриб турганимиздек, бу усул тарғибот-ташвиқот ишларида маълум уринларда узини оқлайди. Чунки тарғибот-ташвиқот ҳам таълим-тарбиянинг бир кўринишидир. Шундай қилмасак, биз ёшларимизни ёт таъсирлардан асрай олмаймиз.

Ҳар қайси шахс, аввало, ёш авлод қалбида жамият, эл-юрт, қуйинги, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчаларини мустаҳкамлаш ҳаётимизни янгилашнинг муҳим шартидир.

Биз келажак ёшларники, деган гапни кўп айтамиз. Келгуси наслларга биздан озод ва обод Ватан қолишини орзу қилиб яшаймиз. Барча эзгу ишларимиз замирида ана шу олижаноб мақсад мужассам. Биз шу азиз диёрда нафақат фарзандларимиз, балки неварачевараларимиз, йироқ-йироқ авлодларимиз ҳам тинч-омон, фаровон, бахтли-саодатли, маърифий ҳаёт кечиришини, Ўзбекистон деган юрт, узбек деган ном дунё турғунича туришини истаймиз.

Биз бугун айрим давлатлардан моддий нуқтаи назардан орқароқда бўлсак-да (бунга кўпгина тарихий объектив сабаблар бор), маънавий нуқтаи назаридан қараганда улкан гурур билан айтишимиз мумкин: буюк аждодларимиздан мерос қолган қадриятлар ва урф-одатларга, насл-насабимиз ва қонимизга сингиб кетган буюк ҳаётбахш кучга эгамиз. Бу борадаги устунлигимиз

## БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

---

бутун маърифий дунёда эътироф этилган. Ана шу қутлуғ меросга муносиб бўлиб яшаш, бу беқиёс бойликни янада бойитиб-ривожлантириш, миллий узлигимиз ва умуминсоний қадриятлар асосида келажагимиз биносини барпо этиш муқаддас бурчимиздир.

**Таълим-тарбия  
тизимини тубдан  
ислоҳ қилиш  
борасида Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
Ислом Каримовнинг  
фикр ва  
мулоҳазалари**

*Хронологик тўпلام*

*«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тасодифан пайдо бўлгани йўқ — бу айнан шу халқимизнинг қон-қонига сингиган маърифат қонуниятининг давоми.*

И.А. КАРИМОВ.

**1. «Қашқадарё ҳақиқати». 1988 йил, 24 май.**

«Ҳар ким чуқур ва мустаҳкам билимсиз олдимизда турган вазифаларни бажариш мумкин эмаслигини, ишда силжишга эришиш мумкин эмаслигини аниқ тушунмоғи даркор».

**2. «Ўқитувчилар газетаси». 1989 йил, 28 октябрь.**

«Агар келажагимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсак, келажақда ишимизни давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиб, уларнинг ҳаёти ҳақида қайғурадиган бўлсак, аввало маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлақо ўзгартиришимиз керак. Мумкин қадар кўпроқ иқтидорли ёшларимизни Иттифоқнинг энг илғор корхоналарига, шулар жумласидан ҳатто хорижий мамлакатларга, **керак бўлса янги технология, янгича иш ташкил қилишни ўрганиш учун Япония, Америкага ҳамда бошқа жойларга юбориб, уларнинг ўқишига, тажриба орттиришига имконият яратиш лозим.** Иқтисодимизни, ҳаётимизни ўзгартириш ана шуларга боғлиқ бўлади. Агар шуни қилмасак, бу юришимизда катта йўлга чиқишимиз қийин бўлади.

Айтиш керакки, кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-қувватламасдан, ўйлайманки, бирон-бир соҳада аҳволни ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди».

**3. «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1989 йил 25 ноябрь сонида чоп этилган нутқдан:**

«Бир нарса равшан — ишчилар ва инженер-техник кадрлар тайёрлашнинг таркиб топган системасини тубдан янгилаш талаб қилинади...

Моддий базани мустаҳкамлаш, кадрлар масаласи, маънавий эҳтиёжлар — буларнинг ҳаммаси диққат-эътиборимизда бўлиши керак. Бу гап тарихий ва маданий мерос масалаларига, асоссиз тарзда унутиб юборилган халқ анъаналарини ва удумларини тиклашга ҳам тўла тааллуқлидир».

4. «Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик» нутқидан («Ўқитувчилар газетаси». 1989 йил, 2 декабрь):

«Фанга истеъдодли ёшларнинг кириб келишини таъминлаш учун комплекс тадбирлар туркумини амалга ошириш зарур. Бу ўринда олий мактабнинг, ҳатто умумий таълим мактабларининг фаолиятини тубдан қайта қуриш керак...

Истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратишнинг республика системасини ишлаб чиқиш керак. Ана шу системанинг аниқ жиҳатлари ва босқичлари хусусида сизлар билан биргаликда ўйлаб кўришимиз зарур. Махсус республика фондини ташкил этиш ҳамда иқтидорли болалар учун мактаблар ва интернатлар тармоғини вужудга келтириш, ёш олимлар учун турли мукофотлар таъсис этиш ана шу системага кирадиган масалалардир».

5. «Республика учун илмий кадрлар тайёрлашни кенгайтириш тўғрисида»ги нутқидан («Ўқитувчилар газетаси». 1990 йил 28 февраль):

«Ёшларни замонавий фан-техниканинг, умуман илм-фаннинг ютуқларидан баҳраманд қилмасдан туриб, уларга юқори малакали ихтисос эгалари бўлиб етишишга шароит туғдирмай туриб, биз республикамиз халқ хўжалигини, саноат ишлаб чиқариши соҳаларини тубдан ўзгартира олмаймиз. Буни ҳам доим ёдда тутиш керак. Чунки ишсизлик, маош камлиги,



мутахассислар етишмаслиги ва бошқа кўп етишмовчиликлар ана шундан деб ўйлайман. Бу кетишда биз учун юртимизни социал-иқтисодий ва миллий ривожлантиришдек муҳим вазифани тезроқ амалга ошириш жуда қийин бўлади. Демак, халқ сайлаб қўйган депутатларнинг биринчи галдаги вазифаларидан бири — ёшларимиз тарбияси миллий сиёсатини, ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш масаласидир. Бунга халқ маорифи системасини тубдан ўзгартириш, болалар боғчалари, мактаблар, хунар-техника билим юртлари, техникумлар, олий ўқув масканлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, махсус мактаб-интернатларини кўпайтириш каби кўпгина мураккаб вазифалар киради. Ёшлар тарбияси билан бевосита машғул бўлган, ўз умрини шу муқаддас ишга бағишлаган ўқитувчиларимизга эътибор ҳақида эса гапириб ўтормаса ҳам бўлади, деб ўйлайман. Биз ҳали уларга чинакам ғамхўрлик кўрсатаётганимиз йўқ. Бу масалани ҳам чуқур ўйлаш керак».

**6. «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1990 йил 28 март сонида чоп этилган нутқдан:**

«Истеъдодли ёшларимизнинг, йигит-қизларимизнинг, ўз қизиққан соҳаларида етук инсонлар бўлиб етишишлари учун тегишли шарт-шароитлар ҳали тўла яратилгани йўқ.

Ўзимизнинг маънавий бурчимизни оқлашни истасак уларга оталарча ғамхўрлик қилишимиз керак. Ана шу мақсадда биз уларнинг мамлакатимиз ва чет эллардаги энг нуфузли илмий марказларда таълим олишлари учун маблағлар ажратдик.

Бу ишлар учун ҳеч нарсани, шу жумладан валютани ҳам аямаймиз».

**7. «Ўқитувчилар газетаси»нинг 1990 йил 4 август сонида чоп этилган нутқдан:**

«Кадрлардан самара олиш учун уларни тайёрлашга маблағ сарфлаш лозим. Агар биз ҳақиқатан ҳам қашшоқлик ва қолоқлик кишанларидан қутулмоқчи бўлсак, ёшларни тайёрлаш билан жуда жиддий равишда шуғулланишимиз, замонавий касбни

эгаллашда уларга ёрдам беришимиз керак. Бу соҳада хасислик ярамайди.

**Бизга миллий кадрлар тайёрлашнинг махсус дастури керак, бу дастур:**

— Умумий таълим мактабларида дарс бериш сифатини ошириш (ўқитувчиларни, методистларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш, махсус синфхоналар барно этиш, олий ўқув юртларининг мактабларни оталиққа олишини йўлга қўйиш ва шу кабиларни);

— Энг истеъдодли болалар учун мактаблар очишни;

— Корхоналар билан мактаблар ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни жорий этишни;

— Ҳунар-техника билим юртларида хўжалик ҳисобини жорий этишни ва шу асосда оммавий касб кадрларини тайёрлаш сифатини кескин оширишни;

— Олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш система-сини қайта қуришни, бу соҳага кадрлар тайёрлашнинг буюрт-ма бериш усулини жорий этишни ўз ичига олиши керак».

**8. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқарн тўққизинчи сессиясидаги нутқдан («Маърифат» газетаси. 1992 йил, 7 январь):**

«Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!

Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, орномус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминида тарбия ётади».

**9. XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясидаги нутқдан («Маърифат» газетаси. 1992 йил 4 июль):**

«Бизда ташкил топган маориф ва фан тизими, гапнинг рости, бозор иқтисодига неча ўн йиллаб олдин ўтган мамлакатларда ҳам йўқ. Булар — бизнинг бахтимиз,

бойлигимиз. Мақсад — барпо этилган мукамал тизимни йўқотмаслик, уни миллий мустақиллик асосида қайтадан ташкил этиш ва янги миллий мазмун билан бойитишдир».

10. «Илм-зиё салоҳияти — юрт бойлиги» нутқидан («Маърифат» газетаси. 1993 йил 21 июль):

«Айниқса, ўсиб келаётган авлод тақдирига ҳеч ким бепарқ қарай олмайди. Бунда олий ўқув юртарининг аҳамияти каттадир. Ёшларни қай усулда ўқитиш, уларни тарбиялаш, мустақил мамлакатнинг етук мутахассислари бўлишига қайғуриш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бунда олий ва ўрта махсус таълим тизими савиясини жаҳон андозалари даражасига етказиш, халқ хўжалигида мутахассисликларга бўлган талаб ва эҳтиёжларни илмий таҳлил асосида аниқлаш, хорижий мамлакатлар тажрибасидан оқилона фойдаланиш шу куннинг долзарб вазифаларидандир...

Илм-зиё салоҳияти, бу — халқнинг, ватаннинг улкан бойлиги, келажак нойдеворадир. Уни ривожлантиришда, етук мутахассисларни тарбиялашда давлат имкони бўлган ҳамма ишни қилади, ҳеч нарсани аямайди».

11. «Соғлом авлод учун» орденини топшириш маросимида сўзланган нутқдан («Маърифат» газетаси. 1994 йил 4 май):

«Олдимизда мустақил буюк давлат қуришдек мураккаб ва шарафли вазифа турган бир пайтда бу маънавий қадриятларнинг аҳамияти минг карра ортади. Нега деганда, ҳар қандай улук мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотиға муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларға, келажак баркамол авлодға боғлиқдир. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда халқимиз, фарзандларимиз иқболини ўйлаб, қаттиқ бел боглаб меҳнат қилаётган масъулиятли бир даврда мазкур тушунчалар янада теран маъно касб этади...

Соғлом авлодни тарбиялаш — буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир. Биз тарихан қисқа фурсат ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби бу борадаги мақсад ва бурчимизни ҳам яхши англаб етдик».

12. Ўзбекистон Фанлар Академияси умумий йиғилишида сўзланган «Илму фан мамлакат тараққиётига хизмат қилсин» нутқидан («Маърифат» газетаси. 1994 йил 13 июль):

«Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият - маърифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айна пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак».

13. «Ижобий ишларимизни охирига етказайлик» нутқидан («Маърифат» газетаси. 1994 йил 28 сентябрь):

«Ҳам давлат, ҳам ижтимоий ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар ўз кучларини мужассамлаштириб, бир ёқадан бош чиқариб, маҳалла - мактаб-оила ҳаракатларини амалга оширишда, жисмонан бақувват, ахлоқан етук, руҳан соғлом авлод тарбиялашда ҳеч қандай куч ва маблағларини аямасликлари керак.

Бундай сиёсат фаровон ва мустақил Ўзбекистонимизнинг пойдеворини мустаҳкам қилишимизда устувор давлат дастурига айланиши даркор. Бизнинг барча маънавий, ахлоқий, иқтисодий, ижтимоий - сиёсий муносабатларимиз ана шунга суяниши лозим...

Яқинда, шу ўқув йили бошланиши билан, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида 24-мактабнинг янги биноси қуриб битказилди. Бу мактаб бугунги замонавий ҳаёт талабларига жавоб берадиган ўқув даргоҳига айланди. Бир қарашда, бу мамлакат миқёсида, Тошкент шаҳри миқёсида унчалик кўзга ташланмайдиган воқеа. Лекин, бунга бошқача кўз билан қарасак, шу мактабда тарбия олаётган 1800 боланинг 1800 оиласи мана шу ғамхўрликдан баҳраманд ва бахтиёр бўлганига мен ишонаман.

Қани энди, шундай олижаноб воқеалар юртимизда, ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқда янада кўпроқ бўлса! Қани энди, ҳар қайси ҳокимлик вазифасида ўтирган ўзини халқ етакчиси деб ҳисоблайдиган раҳбар биттадан шунга ўхшаш мактаб курс!».

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзланган «Ўзбекистоннинг сиёсий - ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» нутқидан («Маърифат» газетаси. 1995 йил 1 март):

«Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳот-ларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

**Муҳтарам биродарлар!**

Шу ўринда ҳақли савол туғилади:

бизнинг ўрта, ўрта-махсус ва олий мактабларимиз касб маҳорати ва маънавий-руҳий жиҳатдан ана шундай замонавий соҳаларда ишлайдиган ёшларни тайёрлашга қодирми? Менимча, унчалик тайёр эмас. Халқ таълими янгича шароитларда ўз ишини ниҳоятда секинлик билан қайта қурмоқда.

Жаҳон бозоридаги интеграция, илмий-техникавий тараққиёт суръатлари халқ таълимининг барча бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Бинобарин, бу ҳол тарбия, таълим, сиёсий ва касбий тайёргарлик масалаларини ҳал этишга жамулжам ёндошишни тақозо қилмоқда».

15. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида сўзланган «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» нутқидан («Маърифат» газетаси. 1995 йил 9 май):

«Миллий истиқлолимизнинг оташин курашчиларидан бири Абдурауф Фитрат бир шеърда «Ватан — саждагоҳимдир» деган фикрни баён қилади.

Чиндан ҳам, ватан туйғуси, ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуг бўлмоғи керак.

Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкати қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.

Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин».

16. «Мақсадимиз — тиичлик, барқарорлик, ҳамкорлик» Ўзбекистон телевидениеси мухбирининг саволларига берилган жавоблардан («Маърифат» газетаси. 1995 йил 8 ноябрь):

«Илму маърифат эъзозланган мамлакатда ҳеч ким уруш ҳақида бош қотирмайди. Чунки илму маърифат инсонни юксакликка кўтаради. XXI асрда, мен ишонаман, маданият учун, илму маърифат учун жонини берадиган ва буни ҳаётининг асосий мақсади қилиб қўядиган янги авлод пайдо бўлади. Биз ана шу авлод учун яшаймиз. Биз ана шу оли-жаноб мақсадларни одамлар қонига сингдириш учун ҳаракат қиляпмиз. Биз кутаётган авлод мана шу бойликни дунёдаги энг катта бойлик деб билса, ҳаётини шунга бахшида этса, билингки, одамзод ёруғ кунларга эришиши муқаррар!».

17. Халқ денутатлари Самарқанд вилоят кенгаши сессиясида сўзланган нутқдан («Маърифат» газетаси. 1995 йил 29 ноябрь):

«Ҳукуматимиз фан, маърифат ва маданият соҳасига жиддий эътибор билан қарамоқда. Ўтиш даврининг энг қийин ва мураккаб пайтида ҳам давлат маорифни такомиллаштириш, билимли ва ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун ҳеч нарсани аямаяпги.

Ахир, ўйлаб кўрайлик, биродарлар, биз бугун не-не машаққатлар билан кураётган давлатимиз, мустақил ва ҳар жиҳатдан мустаҳкам мамлакатимиз эртага кимнинг қўлида қолади?

Бугунги катта ислоҳотлар эвазига қўлга киритаётган ютуқларимизни эртага фарзандларимиз давом эттиришга қодир бўладими-йўқми?..

Ислоҳотнинг тақдири, унинг қай даражада амалга оширилиши биринчи навбатда кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишларини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқ».

**18. Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгаши сессиясида сўзланган «Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланайлик» нутқидан («Маърифат» газетаси. 1995 йил 6 декабрь):**

«Зеро, илму тафаккур — кишини эзгуликка бошлайдиган беқиёс куч. Илм ва тафаккур одамлар қалбига нур, онгига зиё, хонадонига файз-барака келтирадиган буюк муъжизадир. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, баркамол, ташкилотчи ва зукко кадрларни тайёрлаш ишига алоҳида аҳамият беришимиз керак. Бинобарин, саводли халқ ва илмли раҳбарлар билан ишлаш ҳам осон, ҳам завқли...

Вилоятнинг қишлоқ жойларида ташкил қилинган жами 45 та ўрта махсус ва ҳунар ўқув юртлари мавжуд. Уларнинг аҳволини, ўқув дастурлари, дарсликларини кўриб, аксарият ўқитувчиларни, ҳатто раҳбарларнинг малакаси ва маданиятини кўриб одам ачинади.

Бундай аҳволдаги ўқув юртларида ёшларимизни қандай касб-ҳунарга ўргатиш мумкин?

Бу ўқув юртларидан ўсиб келаётган авлодни зукко, билимдон ва бугунги эркин бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган қилиб тарбиялашни кутиш мумкинми?

Эртанги кун янгича фикрлайдиган, замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади. Биз шунга тайёرمизми? Бугунги раҳбарларнинг бу ишдаги ҳиссаси қандай?».

**19. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида сўзланган нутқдан («Маърифат» газетаси. 1995 йил 22 декабрь):**

«...Миллий тикланиш мафкурасига ва умумбашарий кадриятларни ўрганишга асосланиши зарур бўлган таълим-тарбия, унинг янгича мазмуни тўғрисида беш йилдан бери

гапирамиз. Бироқ кўпгина ўқув юртларида, айниқса ижтимоий, жамиятшуносликка оид фанлар бўйича ҳамон эски ўқув қўлланмалари, ўқув дастурларидан фойдаланиб келинмоқда. Бундай аҳволни мустақил мамлакатимиз болаларига, ёш авлодига қарши жиноят деб баҳолаш керак.

...Тегишли вазирликлар, олий ўқув юртлари, кўп сонли педагог олимлар ёш авлодни мутлақо янги сиёсий ва иқтисодий шароитларда ҳаётга тайёрлашнинг яхлит концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиб, давлат ва жамиятга тавсия эта олмаяптилар».

**20. Самарқанд шаҳридаги Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзланган «Азалий буюклик маскани» нутқидан («Маърифат» газетаси. 1996 йил 19 октябрь):**

«Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм тилаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуг дорилфунунлари – мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди.

Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намояндаларининг изланишлари соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуксиз давомидир».

**21. Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзланган нутқдан («Маърифат» газетаси. 1996 йил 19 октябрь):**

«Инсоният янги асрга қадам қўяётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолғусидир.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.



Бугунги қутлуғ кунда Амир Темур бобомиз баланд кўтарган ва асримиз охирига келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур ҳилпираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуғ шодиёна билан муборакбод этаман.

Маълумки, Шаҳрисабз аҳлининг темурийлар даври улкан маънавий ва маданий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотланган эди».

**22. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференцияда қилинган «Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз» маърузасидан («Маърифат» газетаси. 1996 йил 26 октябрь):**

«Биз бугун мустақил, адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Ҳайратангича бизнинг бу борадаги принципларимиз — беш тамойилимиз ҳақида бу залда ўтирган кўпчилиكنинг хабари бор. Бинобарин, уларни такрорлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Лекин мен иккита нуқтага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман:

— биринчидан, биз ўз миллатимиз, ўз халқимиз хусусиятларига, ўз миллий қадриятларимизга асосланиб;

— иккинчидан, тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига ва умумбашарий ақидаларга таяниб мустақил давлатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнимизни эгаллаб олмақчимиз.

Хулоса шуки, бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ».

**23. 1997 йил 7 январь Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.**

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга жаҳон андозалари даражасида билим олган заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрлар улкан ҳисса қўшишини назарда тутиб, Ватанга фидокорона хизмат қиладиган, садоқатли, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун қайғурадиган, ўз иқтидори билан она-юртини улуғлашга қобил, истеъдодли йигит-қизлардан халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси тузилди.

**Жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб куйидагилар белгиланган:**

— Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида истеъдодли ёшларни танлаб олиш, саралаш ва ўқитиш, тегишли режа ва дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни таълим тизимига жорий этиш, ҳамда танлов асосида чет эл ўқув юртига ўқишга юбориш;

— қобилиятли ёшларнинг нуфузли халқаро олимпиада ва танловларда иштирок этишини ташкил этиш ва уларни рағбатлантириш, шунингдек етакчи чет эл олий ўқув юртига ва илмий марказлари, таълим йўналишида фаолият кўрсатаётган халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш;

— иқтидорли ёшларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасидаги илғор билимлар асосида таҳсил олишлари, баркамол инсон ва юксак маънавиятли, юқори малакали мутахассис бўлиб етишларига моддий-маънавий ҳомийлик қилиш;

— чет эл ўқув юртида таълим олаётган ҳамда таълим олиб келган иқтидорли ёшлар билан доимий алоқалар ўрнатиш,

уларни миллий тикланиш мафкурасига асосланган ҳолда умумбашарий қадриятларни ўрганишга, Ўзбекистон илм-фанининг шон-шуҳратини, обрў-эътиборини дунёвий миқёсларга олиб чиқишга даъват этиш.

**24. 1996 йил якунлари ҳамда 1997 йилдаги қилинадиган ишларга бағишланган мажлисдаги «Ислоҳотлар изчиллиги — инсон манфаатлари омили» нутқидан («Маърифат» газетаси. 1997 йил 1 март):**

**«Яна бир муҳим, устувор масала. 1997 йилда биз яхши, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор беришимиз керак.**

Таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, маъмур-менежерларни тайёрлашни йўлга қўйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қобил ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

**Биз бугун шунга тайёرمىзми? Бунинг учун зарур куч ва ресурсларимиз борми?**

**Мана шу минбардан туриб қатъий айтамайки, ҳа Ўзбекистон ана шундай куч-қувват ва зарур ресурсларга эга.**

Бизда умумий ўрта таълим тизими мавжуд, ўқув муассасалари маълум моддий базага эга, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари тармоғи кенг, кўп мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрланмоқда... Аммо биз маърифий салоҳиятимизни ошириш учун кўп иш қилишимиз керак. Ўқув муассасалари тизимини такомиллаштириш зарур. Тўққизинчи синфни тугатаётганлар учун махсус ўқув юртлари тармоғини кенгайтириш ва ташкил этиш лозим. Кичик ва хусусий бизнес ташкилотчиларини тайёрлаш бўйича техник коллеж ва махсус бизнес-мактаблар ташкил этиш керак. Ўқув жараёнига тadbirkorлик фаолияти, ҳуқуқ, солиқ, суғурта асослари ҳақида билим берадиган фанларни далиллик билан киритиш керак.

Университет дипломи даражаси ва обрўсини ошириш зарур. Бунинг учун ўқув муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш,

уларни замонавий ўқув ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш, зарур ўқув адабиётлари билан таъминлаш, ўқувнинг турли шакллари кенгайтириш, ўқитувчиларнинг меҳнатга рағбатини кучайтириш керак.

Бугунги кун ёшлар билан мунтазам, кунт билан иш олиб бориш, истеъдодли болаларни саралаб, уларга чет элнинг яхши ўқув марказларида профессионал билим олишлари учун шарт-шароитлар яратишни тақозо этипти. Бу мақсадни амалга оширишда яқинда тузилган «Умид» жамғармасидан умидимиз катта.

Бир сўз билан айтганда, биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимизга, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

Бу муаммоларни ечиш учун, демократик ва бозор ислохотлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамрай оладиган махсус миллий дастур тузиш лозим».

**25. Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузиш тўғрисида («Маърифат» газетаси. 1997 йил 15 март).**

«...Кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятининг барча соҳаларини қамраб оладиган миллий дастур тузилсин».

«Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур тузишда қуйидагилар назарда тутилсин:

бугун таълим тизимини тубдан ислох қилиш, ишлаб турган ўқув юртларини янги йўналишга солиш ҳамда янги шароитлар ва замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассислар тайёрлаш учун янги ўқув юртлари, энг аввало техник коллежлар, бизнес мактаблари ва махсус ўқув юртлари ташкил этиш йўли билан тузилма янгиланишларини амалга ошириш;

ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бугунлай янги усулларини жорий этиш;

ўқув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш, хусусан

тўққизинчи синфни битирувчилар учун тadbиркорлик фаолияти асослари, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар дарслари киритилган махсус таълим муассасаларини барпо этиш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш;

ёшларга миллий уйғониш ва умуминсоний қадриятларни идрок этиш мафкураси асосида, Ватанга меҳр-муҳаббат, мустақиллик идеалларига садоқат руҳида таълим-тарбия бериш;

ёшлар билан мунтазам равишда тинимсиз ишлаш, иқтидорли болаларни қидириб топиш, уларнинг энг яхши хорижий ўқув марказларида профессионал таълим олиши учун шароит яратиш;

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган, юксак малакали хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва уни ривожлантириш;

таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янги ўқув адабиётлари, замонавий жиҳозлар ва компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш;

педагогик касбига ҳурматни ошириш, педагог ва мураббийлар меҳнатига қизиқишни кучайтириш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш».

**26. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини яратиш бўйича Республика комиссиясининг мажлисида сўзланган «Замонавий кадрлар — тараққиётимизнинг муҳим омилидир» нутқидан («Маърифат» газетаси. 1997 йил 7 июнь):**

«Дастурда кўзда тутилган асосий мақсад нимадан иборат? Биринчидан, биз эркин, демократик жамият барпо этаяпмиз. Бозор муносабатлари ҳаётимизга теран кириб бормоқда. Маънавиятни юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Қисқача айтганда, дунёқарашимиз, ҳаётимиз ўзгармоқда. Лекин таассуфки, республикада кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгариш рўй бермаяпти. Аслида ислохотларни мана шу соҳадан бошлаш керак эди. Бу тизимдаги ишларимиз ҳамон эски қолипда давом этмоқда ва у ҳозирги

замон талабларига мутлақо мос эмас. Шунинг учун биз бу тизимга танқидий нуқтаи назардан баҳо беришимиз, миллий дастуримизда қандай ўзгаришларни амалга ошириш лозимлигини белгилаб олишимиз зарур...

Энг муҳими, шуни англаб етишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор...

Натижада биз ёшларимизни мустақил фикрлашга керакли даражада ўргата олмадик. Мактабларни битириб чиққан айрим ёшларнинг мустақил фикри йўқ. Мустақил фикрга эга бўлмаган одам эса ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади. Масаланинг энг муҳим жиҳати айнан мана шундадир».

**27. «Иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантлари совриндорларига» йўлланган табриқдан («Маърифат» газетаси. 1997 йил 6 август):**  
**«Азиз ёш дўстларим!**

Сизларни, иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантларини қўлга киритганликларингиз ва жаҳоннинг энг нуфузли олий ўқув юртларида билим олиш бахтига муяссар бўлганликларингиз билан чин дилдан самимий табриклайман.

Азалдан халқимиз орасида доно ва истеъдодли ёшлар кўп чиққан, улар ақлу заковат бобида дунёни лол қолдиришган. Сиз, фарзандларимизнинг томирида инсоният маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшган Амир ТЕМУР, Имом БУХОРИЙ, Ал-ХОРАЗМИЙ, Абу Райҳон БЕРУНИЙ, Абу Али ибн СИНО, Мирзо УЛУҒБЕК, Алишер НАВОЙЙ, Бобур МИРЗО каби боболаримизнинг қони жўш урмоқда.

Сизлар дунёнинг энг тараққий этган мамлакатларида ўқиб, жаҳон андозалари даражасида билим олиб, энг замонавий касб-ҳунар ўрганиб, озод ва обод Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишида муносиб ҳисса қўшасизлар деган умиддамиз. Бунинг учун ҳаёт синовларига бардош бериш, жамиятда ўзингизга муносиб ўрин топиш, юксак маърифатли ва улкан салоҳиятли бўлиш талаб этилади.

Барчангиз она Ватанимизга фидокорона хизмат қиладиган, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун курашадиган, Ватан ва миллат манфаатларини юракдан ҳис этадиган, ўз иқтидори билан она юртини улуғлашга қодир, истейдодли ва садоқатли йигит-қизларсиз.

Истиқлол ва истиқбол йўлида сафарбар этиш учун қўйган дастлабки қадамларингиз зафарли, ҳаётингиз сермазмун бўлсин. Ўқиш ва изланиш машаққатларига сабр-бардош тилайман. Борган жойингизда буюк тарих ва маданият юртининг фарзанди эканлигингизни намоён этишингизга ишончим комил».

**28. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқидан (1997 йил 29 август):**

«Олий Мажлисининг бугунги сессиясида кўриб, муҳокама қилинаётган, ҳаётимизни ҳал этувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш, баркамол авлодимиз келажагига дахлдор қонун лойиҳалари ҳам бор».

«Барчангиз яхши биласизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир».

«...ҳаммамиз яна бир ҳақиқатни англаб етмоқдамиз. Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин».

«Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда».

«Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирар эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: **бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак**».

«Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечаяпти. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин, афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз.

**Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади**».

«Ҳаммамизга маълумки, ҳаётимизнинг барча соҳаларида ислоҳотларни ўтказиш, ўзбек модели деб ном олган ислоҳотлар сиёсатининг асослари бўлмиш беш тамойилнинг бирида ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш вазифаси қўйилган. Олти йиллик мустақил ҳаётимиз бу муҳим тамойил бизнинг шароитимизда нақадар тўғри эканлигини тасдиқлади.

Шунинг учун таълим-тарбия соҳасида ҳам белгиланаётган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилишда мана шу принцип — ислоҳотларни босқичма-босқич ўтказиш принципи қўйилган.

**Биринчи босқич** — ўтиш даври бўлиб, у 1997—2001 йилларда, яъни 4 йил давомида жорий этилади. Бунда кадрлар тайёрлаш тизими салоҳиятини сақлаб қолиш, унинг ривожланиши учун ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-



шароитлар яратиш лозим. Бу босқичда асосан қуйидаги вазифаларни бажариш керак:

Миллий дастурни амалга оширишнинг бошланиши: янги талабларга жавоб бера оладиган педагог кадрларни тайёрлаш; ўқув стандартларини яратиш ва янги ўқув программалари устида ишлаш; умумтаълим мактабларини тузилиш жиҳатидан қайта қуриш; уч йиллик таълим — ўрта махсус ва касб-ҳунар билим юртлари (касб коллежи ва академик лицей) тизимига замин тайёрлаш; узлуксиз таълим-тарбия тизимига асос соладиган тадбирларни амалга ошириш; ижтимоий ҳимояни кафолатлаш каби масалаларни ечиш босқичи.

**Иккинчи босқич** — 2001-2005 йилларни ўз ичига олади. Бунда Миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга оширишга эришиш даркор. Табиийки, тизим фаолиятининг самарадорлигини, меҳнат бозорини инобатга олиб, ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиқиб, дастур ғоялари ва қоидаларига керакли ўзгартиришлар киритилади.

**Учинчи босқич** — 2005 ва кейинги йилларга мўлжалланган бўлиб, унда тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш зарур.

Биз шонилмасдан, асосий мақсаддан оғишмай, изчиллик билан Миллий дастурни амалга оширишимиз лозим. Шундагина у умумий маданиятни юксалтиришга, фарзандларимизнинг жамиятда ўз муносиб ўрнини топишига хизмат қилади.

Уларнинг касбий ва таълимий дастурларни онгли равишда танлаш ва эгаллашлари учун ҳуқуқий меъёрларни, ташкилий, руҳий-педагогик шарт-шароитларни таъминлашга қўмаклашади. Йигит-қизларимизни жамият, давлат, оила олдида ўз масъулиятини чуқур англаб етувчи шахслар этиб тарбиялашга замин бўлиб хизмат қилади.

Умумлаштирган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимининг шаклланиши ва фаолият кўрсатишнинг асосий тамойиллари,

менинг назаримда, қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

— барча хил ва турдаги таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

— давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш;

— ихтисосликлар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабларнинг истиқболини аниқлаш;

— таълим тизимини тузилиш ва мазмун жиҳатидан ислоҳ қилиш учун ўқитувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш;

— давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Бунда касб танлашнинг бозор эҳтиёжлари ва имкониятларини эътиборга олиш зарур, токи ҳар бир шахс ўзига мос касбни эгаллай олсин;

— ўқувчи ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

— таълим муассасаларини, биринчи навбатда умумтаълим мактабларини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тўлиқ таъминлаш меъёрларини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштириш;

— кадрлар тайёрлаш тизими истеъмолчилари — корхоналар, муассасалар, фирмалар, ҳиссадорлик жамиятлари, банклар ва бошқа тузилмаларнинг имкониятларидан, биринчи навбатда, ўрта махсус касб-хунар ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш учун мумкин қадар кенгроқ фойдаланиш;

— кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл сармоялари, халқаро донорлик ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини жалб этиш;

— қонун доирасида ўқув режалари, дастурлари ва ўқитиш

йўриқлари, таълимий хизматларни белгилашда таълим муассасаларига, биринчи навбатда, олий ўқув юртларига мустақиллик бериш ва ўзини ўзи бошқариш усуллари жорий этиш.

Табиийки, бундай мураккаб вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамиятнинг масъулияти алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизимини узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш кафили бўлиши зарур. Улар юқори малакали, рақобатга қодир мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштириши лозим».

«Маълумки, халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шу сабабли, бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиш даркор. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда, аввало, уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминида қурилганига асосий эътибор бериш керак.

Шунинг учун ҳам умумтаълим дастурларини мактабгача тарбия, бошланғич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тарзида тузсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

**Биринчи.** Мактабгача таълим. Уч ёшдан бошланиб, олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва, мулкчилик кўринишидан қатъи назар, бошқа хил таълим ташкилотларида олиб борилади.

**Иккинчи.** Бошланғич таълим. 1—4 синфларни ўз ичига олади ва бунда ўқиш олти-етти ёшдан бошланади.

**Учинчи.** Умумий таълим. Бунда ўқувчиларга 5—9 синфлар доирасида билим ва тарбия берилди.

Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак: умумтаълим мактаби барчамиз учун мажбурий бўлиб, уларда болаларимизга умумий билим асосларини чуқур ўргатишимиз керак, том маънода фарзандларимизнинг дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришимизга асос солишимиз керак.

**Тўртинчи.** Ўрта махсус билим ва касб-ҳунар таълими. Ўқиш муддати 3 йилдан кам бўлмаган академик ва касб-ҳунар лицейлари ва коллежлари.

**Бешинчи.** Олий мутахассислик таълими одатда ўн саккиз-ўн тўққиз ёшдан бошланиб, тўрт йилдан кам бўлмаган муддатда давом этади.

Олий мутахассислик таълими **бакалаврлик ҳамда магистратурага** бўлинади.

**Бакалаврлик** — йўналишлардан бири бўлиб, базавий олий таълим бериш демакдир. Унда ўқиш камида 4 йил давом этиб, олий маълумот ва таянч мутахассислик дипломини олиш билан тугайди.

**Магистратура** аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизида камида икки йил давом этади. Ундаги таҳсил якуний квалификациян давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади.

Шу билан бирга, биз ўз эҳтиёжларимиз ва ички шароитларимиздан келиб чиқиб, узлуксиз таълимнинг расмий тизимида якунловчи бир босқични ҳам жорий этишимиз керак. Бу босқич икки даражага бўлинади, яъни аспирантура ва докторантурадан иборат бўлади.

**Аспирантура** ниҳоясига етказилган магистрлик негизида 3 йил давом этади.

Аспирантуранинг мақсади — муайян мутахассисликлар бўйича олий квалификацияли илмий ва илмий-педагогик кадрларни шакллантириш. Аспирантура академик ва квалификациян имтиҳонлари ҳамда номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш билан якунланади. Бу якунларга кўра, танланган мутахассислик бўйича «фан номзоди» илмий даражаси берилади.

**Докторантура** фан номзоди илмий даражаси негизида 3 йил давом этади, диссертация ҳимоя қилиш билан якунланади. Якунига кўра, танланган мутахассислик бўйича «фан доктори»

илмий даражаси берилади. Бошқача айтганда, бу соҳада аввалги тартиб сақланиб қолади.

Булардан ташқари, янги тизимда **қўшимча касбий таълим** — қайта тайёрлаш ва малака ошириш масаласига ҳам катта эътибор берилиши керак».

**29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони (1997 йил 6 октябрь):**

Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида:

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари **давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисоблансин.**

Республикада таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш ва бу борада қабул қилинган ҳужжатлар моҳиятини кенг жамоатчилик томонидан чуқур англаб олинишига ҳар томонлама шароит яратиш — давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, таълим-тарбия муассасалари ходимларининг энг долзарб вазифалари этиб белгилансин.

Таълим муассасалари, биринчи навбатда олий таълим муассасалари профессор-педагогик ходимлари сафидан етук ўқитувчи-кадрлар тайёрлаш, уларнинг ривожланган хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларини ўрганиши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишиши ва чет элларда тажриба орттиришини таъминлаш мақсадида **«Устоз» республика жамғармаси ташкил этилсин.**

**30. «Устоз» республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида» (1997 йил 30 декабрь):**

Умумтаълим муассасалари, биринчи навбатда, олий таълим муассасалари профессор-педагог ходимлари сафидан юқори

малакали ўқитувчилар тайёрлаш, уларнинг ривожланган, демократик хорижий мамлакатлар таълимидаги ижобий тажрибаларни ўрганишларини, ўқитишнинг янги педагогик технологиялари билан танишишларини ва чет элларда тажриба орттиришларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Устоз» республика жамғармаси ташкил этилди.

Қуйидагилар «Устоз» республика жамғармаси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг устувор йўналишлари бўйича таълим муассасалари, биринчи навбатда, олий таълим тизими профессор-педагог ходимлари сафидан юқори малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш;

иқтидорли ёш педагогларни аниқлаш, уларнинг иқтидори, ижодий қобилиятини ривожлантириш, касбий малакасини юксалтириш, ривожланган демократик давлатларнинг етук ўқув юртларида ва марказларида тажриба орттиришига кўмаклашиш;

профессор-педагог кадрларни хорижий таълим муассаса-ларига малака оширишга юбориш мақсадида танлов ўтказиш;

хорижда малака ошираётган ва тажриба орттираётган профессор-педагогларнинг таълим олиш жараёни, шунинг-дек, ўқишдан кейинги меҳнат фаолияти мониторингини олиб бориш, уларнинг илмий-педагогик имкониятидан самарали фойдаланишга кўмаклашиш;

Жамғарманинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни жадаллаштиришга қаратилган мукофотларини таъсис этиш;

профессор-педагог ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳомийлар, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар билан узаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, ички ҳамда чет эллик сармоядорларнинг инвестицияларини юқори малакали профессор-педагог ва ўқитувчи кадрлар тайёрлашга жалб қилиш;

таълимга доир халқаро лойиҳа ва дастурларда иштирок этиш, узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига ривожланган демократик мамлакатлар таълимидаги илғор тажрибаларини ёйиш.

**31. Бухоро шахрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқидан («Маърифат» газетаси. 1997 йил 22 октябрь):**

«1417 йили Бухорода Мирзо Улуғбек қурдирган мадраса дарвозасига «Илм олмоққа ингилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир» деган сўзлар ўйиб ёзилганида жуда катта маъно мужассам. Худди шунингдек, 1433 йили Улуғбек томонидан Ғиждувонда барпо этилган мадраса не-не авлодларга илму маърифат зиёсини тарқатган.

Бухоро нафақат юртимиз, балки бугун Шарқнинг илм маркази бўлиб келган. Имом ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Мир Кулол, Бобои Самосий, Фағнавий, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Файзулло Хўжаев ва бошқа шу каби буюк зотлар етишиб чиққан, таҳсил олган бу макон бундан кейин ҳам илму фан, маърифат ва ижод бешиги бўлиб қолаверади».

**32. Хива шахрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқидан («Маърифат» газетаси. 1997 йил 22 октябрь):**

«Бундан минг йил муқаддам одамзод тарихидаги илк академиялардан бўлмиш — Маъмун академияси Хоразм заминида ташкил топгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта. Ўйлайманки, биз Маъмун академиясини Хоразм заминида қайтадан ташкил этсак, кўп улуғ иш бўлар эди.

Хоразм ва Хива заминида яшаган Паҳлавон Маҳмуд, Султон Вайс, Носириддин Рабғузий, Сулаймон Боқирғоний, Баҳовуддин Валад ва унинг буюк фарзанди Жалолиддин Румий, Абулқосим Али Хоразмий, Исмоил Журжоний, Сирожиддин Саккокий, Мунис, Огаҳий, Баёний, Сафо Муғанний, Чоқар, Шерозий, Хожихон, Бола бахши каби ўнлаб ва юзлаб аллиомалар.

шоирлар ва санъаткорлар номини биз — бутунги авлод вакиллари чексиз эҳтиром билан тилга оламиз ва бошимизга кўтарамиз.

Барчамизга яхши маълум: Хиванинг мадрасаларида илм-фан чуққиларини забт этган, мана шу зиё ва билим масканларида таълим олган олим-мутафаккирлар, дин пешволари нафақат Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тарихида, дунёнинг узоқ-узоқ юртларида ҳам ўз мўътабар номларини, ўчмас изларини қолдирганлар. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди деб ўйлайман.

Хиванинг тўйи ёш авлод қалбида ўзлигини англаш, бебаҳо меросимизга ворислик, халқ яратувчилик даҳосига ҳурмат, бунёдкорлик ишларига рағбат туйғуларини уйғотишига ишонаман.

Бу табаррук заминда етишиб чиқадиган юзлаб хоразмийлар, берунийлар, замахшарийлар ўзларининг тенгсиз салоҳияти билан жумлаи жаҳонни ҳайратга солади».

**33. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобидан. («Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1997 йил):**

«Олимларимиз энг яхши анъаналарни ўзлаштириб, тарихий меросимизни чуқур ўрганиб, буюк аждодларининг ишларини муносиб давом эттирмоқдалар. Илмий зиёдиларимизнинг муҳим фазилати ҳамма вақт билимга, илғор илмий тафак-курнинг олдинги марраларида бўлишга интилишдан иборат».

«Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётта кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўнайтиришга асосланади. Бу — мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шарти ва мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади».



34. «Замонавий кадрлар тайёрлаш — ислохотлар муваффақиятининг асоси» нутқидан («Маърифат» газетаси. 1998 йил 28 январь):

«Биз ҳаётимизнинг турли жабҳаларида, халқ ҳужалигининг барча соҳаларида туб ислохотларни амалга ошириб, янгилашиш сари борар эканмиз, ушбу ислохотларнинг турмуш тарзимизни ижобий томонга ўзгартириши, маънавий юксалишимизга кўмак бериши ҳамда миллий ғурур ва ифтихоримизни кучайтириши кўн жиҳатдан ҳар томонлама етук кадрларга боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Республикаимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан равнақ топишида, бу соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишимизда ҳам миллий кадрлар бош омиллардан бири бўлади».

35. Олий Мажлис XI сессиясида сўзланган «Қонунларимиз инсон манфаати учун хизмат қилсин» нутқидан («Маърифат» газетаси. 1998 йил 6 май):

«Олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, болаларимизни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилишлари керак. Тарбиячилар, олимлар, домлалар томошабин бўлиб ўтирмаслиги лозим. Фарзандларимизни ким тўғри йўлга солади, ким уларнинг онгини тозалайди, ким уларга ҳақ гапларни гапириб, ҳаётда ўз эътиқодига суяниб яшашни ўргатади, тарбиялайди? Ёшларнинг тўғри йўл танлашида ким биринчи бўлиб ёрдам бериши керак, уларга ким таянч бўлиши лозим?..»

36. «Тафаккур» журналининг бош муҳарририга берилган интервьюдан («Тафаккур» журнали, 1998 йил 2-сон):

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатади. Мен бунга ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўлдим. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо ҳал

қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-бақадам, изчиллик билан бажаришга бел боғладик.

**Ишончим комил:** агар бу ислохотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни унинг самарасига эришамиз.

**Бу нима дегани?**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизда, шу жумладан, ҳали сиз тилга олган икки ҳужжатда назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, **биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.**

**Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак.**

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали аввало ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир».

«...Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — **ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва хур фикрли инсон бўлиб яшайди.** Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақирӣқ-чақирӣқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл идрок ва қалб амри

билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди».

«Таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадик, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен «портлаш эффекти» деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман».

«Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил «измлар»дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб тараннум этишга эришамиз.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилиқ тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «Куч — адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч — билим ва тафаккурда» деган бўлардим».

«Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай

даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли».

«...Ота-боболаримиз шухратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор. Тўққизинчи — ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Такрор айтаманки, бунга таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин. Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотни чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб-янгилашиб бораверади».

37. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» («Мулоқот» журнали, 1998 йил, 5-сон).

«Назаримда, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур илмий асосга таянган таҳлил, муайян масалаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур».

«Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз».

«Бизга мана шу анжуманларда манман деган олимлар билан, хоҳланг, иқтисод, хоҳланг, сиёсат, хоҳланг, тарих, маънавият соҳалари бўлсин, бемалол баҳслаша оладиган билимдон, зукко, маърифатли одамлар керак».

«Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан кутқариб қоладиган ягона куч — маърифатдир».

«Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади».

«Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак».

«Нега жаҳонга Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк сиймоларни берган бу миллат XVII—XIX асрларга келиб, то шу чоққача эришган юксалиш даражаларидан тушиб кетди?».

«Тарихий хотираси бор инсон — иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир».

«Энг мўътабар, қўлёзмамиз «Авесто»нинг яратилганига 3000 йил бўлаяпти».

«Авесто» айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди».

«Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарихимиз билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур».

«Биз фан ривожини учун, унинг таъминоти учун ҳеч нарсани аямаймиз. Абу Райҳон Беруний бобомизнинг бундан ўн аср бурун айтган фикрини эслатиб ўтмоқчиман: «Илм-фан кишиларнинг ҳаётини эҳтиёжларини қондириш заруратидан пайдо бўлади».

«Бизда довурак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди. Мен академик Яҳё Фуломовни яхши билардим. У мустақил

фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган олим эди».

«Сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, ғурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. **Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас**».

**38. Олий мажлис XII сессиясида сўзланган «Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови» нутқидан (1998 йил 28 август):**

«...Мен сизларнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчи бўлган **биринчи масала** — бу демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш борасида қабул қилаётган қонунларимизнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш масаласидир. Бугунги кунда барча муаммоларимиз қаторида бу масала энг долзарб вазифага айланмоқда».

«...**Иккинчи масала** — демократик тафаккур, ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш масаласидир».

«...Юқори малакали, замонавий фикрлайдиган одамларнинг етишмаслиги бизнинг олға силжишимизда ҳамон катта тўсиқ бўлиб турибди. Бундай кадрларни, авваламбор ёш кадрларни топиш, ўстириш, тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланмоқда».

«...**Учинчи масала**, бу демократик институтларни, турли жамоатчилик ва нодавлат тузилмаларини, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масаласидир».

«...Демократик институтлар жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин олиши, ҳал қилувчи кучга эга бўлиши зарур. Бу гап ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларига — иқтисодиётга, сиёсатга ва албатта маънавиятга ҳам бирдай тааллуқлидир».

«**Тўртинчи**. Олдин айтганимдек, бу жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида энг долзарб масаладир. Гап кадрлар тайёрлаш бўйича қабул қилинган миллий дастуримиз ҳақида бормоқда.

Яна бир бор таъкидлаб айтаман: бу масалани бирданига, бир кунда ечиш мумкин эмас. Кадрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан, такрорлайман, ҳар биримиздан астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади. Бу соҳада узоқ йиллар мобайнида шу қадар кўп муаммолар тўпла-ниб қолдики, эндиликда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Лекин қош қўяман деб, кўз чиқармаслик керак. Кадрлар тайёрлашда ўйламай босилган қадам хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Зеро, гап энг муқаддас ва нозик нарса — фарзандларимиз қалби ҳақида, маънавий ва ахлоқий тарбия асосларини яратиш, ёш инсонни муайян касбга йўналтириш ҳақида бормоқда. Бу муаммони ечиш учун аввало таълим тизимини — мактаб ёшигача бўлган бола тарбиясидан бошлаб, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, юксак ақл-заковат салоҳиятини шакллантириш, бунинг учун замонавий моддий-техник ва ахборот базасини яратишгача бўлган барча соҳаларни ислоҳ этиш керак. Бу таълим тизимига бевосита дахлдор соҳаларни бутунлай ислоҳ қилишни тақозо этади.

Энг аввало бизнинг таълим тизимига бўлган муносабатимизни ҳам тубдан ўзгартириш керак. Таълим ислоҳоти бизни демократик ўзгаришлар, янги жамият барпо этиш йўлидан дадил етакловчи, барчамизни ҳаракатлантирувчи ички куч бўлмоғи зарур. Ҳар биримизга беш бармоқдай, эскича айтганда, тўққиз пулдай аёи бўлсинким, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириш мумкин эмас.

Таълим тизимини ислоҳ этиш вазифалари муваффақиятли ҳал этилса, ижтимоий сиёсий иқлим кескин ўзгаради, одамлар онгида демократик қадриятлар қарор топади, инсон жамиятдаги ўрнини онгли равишда ўзи белгилайди.

Жамиятни янгилаш, эркин демократик давлатни шакллантириш, тараққиёт ва равнақ йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимизни биз айнан мана шу тамойил асосида ташкил этишимиз керак».

**«Кадрлар тайёрлаш  
миллий дастури»ни  
амалга ошириш  
борасидаги  
публицистик  
мулоҳазалар**



*Биринчи фасл*

**АЖДОДЛАР ОРЗУСИ**

**Миллат қонидаги барҳаёт маърифат**

Баркамол авлод тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Бироқ дунё халқларининг барчаси ҳам бу ҳақда уйлайвермаган. Бундай орзудаги инсонлар азалий маърифатга, маданиятга мансуб бўлган юртларнинг донишмандлари — энг муътабар зиёлилари, ҳукмдорлари ҳисобланганлар. Уларнинг орасида Ўзбекистон деб аталмиш муаззам заминимизда яшаган боболаримизнинг уз урни, ҳурмати бор. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ҳақиқатдир. Баркамол авлодни

тарбиялаш орзусига уз тарихимиздан жуда кўп далиллар келтиришимиз мумкин. Ал-Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асаридаги гоёни ёдга олинг. Унга кўра жамиятнинг ҳар бир фуқароси — мансаби, тугган урни, яъни ким бўлишидан қатъий назар **ФОЗИЛ** киши. Фозил инсон уз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал қилади, фикрлайди, уз касбининг устаси, лозим бўлганда Ватани учун жон фидо қилади. Фозиллар шаҳри аҳолиси бир-бирига ҳурматда бўлади. Ота-она ва

*Маърифатга  
интилиш  
халқимизнинг  
азалий  
фазилатларидан  
биридир.*

**Ислом  
КАРИМОВ**

фарзанд, устозу шогирд уртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром бўлади. Аввало бундай фикр юритишнинг узи боболарнинг маънавий даражаси нақадар юксак бўлганлигини ва албатта бундай фикр айтиш бу борада қуп асрлик меросларни урганиш натижасида вужудга келишини таъкидлаш жоиз. Демак бизнинг баркамол авлод тарбиялаш ҳақидаги ниятимиз учун маънавий асос бор. Миллатимиз урф-одатларидаги, қонидаги маърифат тушунчаси, илм ва билимга интилиш хислати бир неча минг йиллар давомида шаклланган, сайқал топган.

Боболарнинг шу каби уй-фикрлари тилдан тилга кучган, китобларда қолган. Бундан халқ, айниқса юртбошилар хабардор бўлишган. Чунончи Соҳибқирон Амир Темур ҳам буюк давлат қуришда, иш юритишда ўтиб кетган боболарнинг ўғитлари, давр донишларининг маслаҳатлари билан ишлаганлиги тарихий манбалардан аён. Бугун дунёга маълумки уша даврда илм-фан ривожини учун шароит яратилган. Маданият ривожланган, бугун дунёни лол этаётган осмонўпар минораю масжидлар бунёд этилган. Бу давлатни барча давлатлар энг юқори маданият ўчоғи сифатида тан олишган, ўз элчиларини жўнатишган. Элчиларни юбориш мазкур давлатни ҳурмат қилиш, тан олиш натижасидир.

### **Маърифатни унутиш поймол бўлишдир**

Амир Темур асос солган давлатни жаҳолат ботқоғига ботган авлодлар таназзулга элтдилар. Давлатнинг асоси — пойдевори нотўғри қўйилгани учун эмас, билъакс мустаҳкам асос устига яхши пиширилмаган гиштлар

*Мен олимларга,  
илоҳиётчиларга,  
файласуфларга ва  
тарихчиларга  
ҳурмат-эҳтиром  
қўрсатдим. Мен  
уларни ҳурмат  
қилдим ва  
эъзозладим.*

**Амир ТЕМУР**

қинғир-қийшиқ терилгани боис бинога дарз кетди. Туркистон XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзга давлатга маҳв бўлди. Жаҳолат ҳеч қачон илм-фанни тан олмайди. Жаҳолатнинг бошида турган илмсиз кимсанинг тубан дунёқарашига хос биқиқ «қоидалар» вужудга келади ва бошқаларни унга бўйсунишга мажбурлай бошлайди. Илм-фансиз боболар меросини ўрганиб, ривожлантириш у ёқда турсин, ҳатто асраб бўлмайди. Шу боис Амир Темур давлатчилиги, Форобийнинг фозиллар жамияти, Ибн Сино тиббиёти, Хоразмийнинг аниқ фанлари, Берунийнинг қомусий илми, Улуғбек коиноти — ҳамма-ҳаммаси жаҳолат пардаси ортида қолди, унутилди. Боболар орзуси орзулигича қолиб кетди.

Орзу йўқолса ҳаёт тўхтаган ҳисобланади. Шу боис боболар қонидаги шундай орзу XIX аср охирида бош кўтарди. Орзунинг поймол бўлишига жаҳолат сабабчи бўлганлигини Чор Россияси мустамлакасида эзилиб, ундан қутулиш чорасини излашга тушган юрт зиёлилари биринчи бўлиб таҳлил этишди. Озодлик учун ўз жонини тиккан миллат фидойиси, Туркистон жадидларининг етакчиси, муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий шу жаҳолатни келтириб чиқарган иллатларни таҳлил қиларкан, шундай хулосага келди:

*Дунёда турмоқ  
учун дунёвий фан ва  
илм лозимдур,  
замона илми ва  
фанидан бебаҳра  
миллат бошқаларга  
поймол бўлур.*

Маҳмудхўжа  
БЕҲБУДИЙ

«Дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга ноймол бўлур» («Эҳтиёжи миллат». «Самарқанд» газетаси, 1913 йил, 26-сон).

Шу қисқача иқтибосда «Биз нега мустамлака бўлиб қолдик» деган саволга жавоб бор эди. Таъкидланаётган «дунёвий фан ва илм» бу бир давлатнинг қудратини, маданиятини, маънавиятини ривож-

ланган мамлакатлар қаторида сақлаб турувчи омилдир. Бундай илм-фаннинг ривожини эса таълим тизимининг пухталиги, фаннинг ривожланиши учун яратиладиган шароитдадир. Шу боис Тошкентда Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Бухорода Фитрат, Қўқонда Ашурали Зоҳирий, Самарқандда Абдуқодир Шакурин каби қатор жадидлар бу фикрга қўшилган ҳолда таълим ислоҳига киришдилар.

*Мозийга қайтиб  
ун кўриш  
хайрликдур.*

Абдулла  
ҚОДИРИЙ

### **Миллий кадр ҳақида орзу**

Таълим ислоҳотларини урганиш жараёнида қизиқ ҳолат куз олдимизда намоён бўлади. Маълумки Ўзбекистоннинг 130 йиллик асоратдаги тарихи икки хил мустамлака даврига тўғри келади. Биринчиси чор Россияси, бошқаси қизил империя даври. Бу икки хил мустамлакачилик сиёсатининг ҳам емирилиш давлари бор. Айни шу даврларда миллий озодлик ҳаракати намояндалари, юртнинг бошидаги миллат фидойилари таълим ислоҳоти борасида фикрлаганлар, ислоҳотни амалга ошириш, тараққиёт йулларини қидирганлар.

Чор Россиясининг емирилиш даври маҳаллий зиёлилар — жадидларнинг миллий озодлик ҳаракатига тўғри келади. 1917 йилгача бўлган мазкур ҳаракатларнинг моҳиятида таълимни ислоҳ қилиш, ривожланган давлатлардаги илғор жиҳатларни ўзимизга мослаб олиш ғоясини илгари суришган, мактаблар очишган, дарсликлар чиқариб болаларни ўқитишган.

Иккинчи — қизил империянинг емирилиш даври (СССРнинг сўнгги йиллари)даги Ўзбекистон газеталари таҳламларини кузатганимизда амин бўлдикки, бунда ҳам таълим ислоҳотига

*Ишга яраб қолса  
илминг бир  
мугдат,  
Яна  
оширмоққа  
айлагил  
шигдат.*

Мирзо УЛУҒБЕК

асосий эътибор қаратилган. Масалан, уш пайтда иттифоқ исканжа-сидаги Ўзбекистонга яқиндагина раҳбар бўлиб келган Ислом Каримов нутқидан олинган қуйидаги иқтибос—орзу, фикримизни исботлайди:

«Айтиш керакки, кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб-қувватламасдан, ўйлайманки, бирон бир соҳада аҳволи ҳеч қанақа тарзда ўзгартириб бўлмайди» (Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Советининг ўн биринчи сессиясида

сўзланган нутқ. «Ўқитувчилар газетаси», 1989 йил 28 октябрь).

Аслида таълим тизимини ислоҳ қилиш лозимлиги туғрисидаги фикрни Ислом Каримов 1988 йили Қашқадарё вилоятида ишлаган чоғида: «Книшларнинг умумтаълим ва профессионал даражасини ошириш, янги талаблар асосида кишиларнинг саводхонлигини ўстириш, узлуксиз таълим системасини жорий этиш — энг муҳим масала» эканлигини қайд этиб шундай деган эди: «...Ҳар ким чуқур ва мустаҳкам билимсиз олдимизда турган вазифаларни бажариш мумкин эмаслигини, ишда силжишга эришиш мумкин эмаслигини аниқ тушунимоғи лозим...» («Қашқадарё ҳақиқати», 1988 йил 24 май).

Ушбу фикрлар айтилган фурсатга қайтайлик. Собиқ тузум ўз таназзулига ишонмай ҳукмронликни сақлаш учун талпинаётган, бунинг учун миллатлар ўртасида низолар уюштирилаётган, жиноятчилик ошган, кечқурунлари кучада юриб бўлмайдиган пайтда негадир кадрлар савияси, уларни сифатли қилиб тайёрлаш масаласи кун тартибига қўйилди. Бу не ухшашлик? Нега? Бу ўзига хослик аср бошида ҳам такрорланган. Негаки, озодликни қўлга киритиш мақсадида яшаган алломалар,

озодликка эришилгандан сунг давлатни бошқарадиган ёшларнинг, аниқроғи кадрларнинг савияси, билим даражаси, фидойилиги, жасорати, матонати ҳақида уйлашган. Агар бундай кадрлар йуқ булса уларни тарбиялаш ҳақида қайғуришган. Чунки озодликни асраб-авайлаш учун давлатнинг ишлаб чиқариши ривожланган, аҳолиси таъминланган, уз армиясини тиклай ва сақлай оладиган булиши, шунингдек узга давлатлар билан тенг ҳуқуқда муносабатлар олиб борадиган миллий кадрлари булмоғи лозимдир. Шу боис улар «Озодлик» дея аюҳаннос солишдан аввал уни қулга киритадиган ва қулда сақлай биладиган баркамол авлод тайёрлаш гамида ёниб яшашган. Улар озодлик орзусини рӯёбга чиқаришнинг амалий йулларидан бири — ёшларни маърифатли қилиб тарбиялаш деб билганлар.

Юқорида И.Каримовнинг 1989 йилги нутқидан иқтибос келтиргандик. Уша нутқдан сунг бир ой утгач кадрлар тайёрлаш масаласига янада аниқроқ, кенгроқ ёндашилганини кўрамиз:

«Республиканинг ҳозирги давригина эмас, келажаги ҳам туб миллатдан саноат ишчилар сифини шакллантириш муаммоси билан боғлиқ. Ўзингиз ўйлаб кўринг, 460 та кундузги ҳунар-техника билим юртиниинг ҳар бештасидан биридагина замонавий саноат касблари бўйича ишчилар тайёрланади. Ҳунар-техника билим юртларининг ҳар учтасидан биригина тўла ўқув комплексига эга. Уларнинг таълим мақсадлари учун замонавий машина-ускуналарга бўлган эҳтиёжнинг базавий корхоналар жуда қониқарсиз таъминламоқда. Корхоналар ва ҳунар-техника билим юртларининг шартнома системасига ўтиши илчи кадрлар тайёрлаш кўламининг кескин қисқариб кетишига олиб

*Дунёда илмдан  
бошқа нажот  
йўқ ва  
булмагай.*

Имом  
ал-БУХОРИЙ

*Келажакда  
Ўзбекистон  
юксак  
гаражада  
тараққий  
этган  
иқтисоди  
билангина  
эмас, балки  
билимдон,  
маънавий  
жиҳатдан  
етук  
фарзандлари  
билан ҳам  
жаҳонни  
қойил қилиши  
лозим.*

Ислом  
КАРИМОВ

келди, унингсиз ҳам ҳунар-техника билим юртлари Республиканинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини қаноатлантира олмаётган эди. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, қурилиш индустрияси, енгил саноат корхоналарининг кўпида иш жойлари мунгазам равишда бўш қолмоқда... Кўп ҳолларда бунинг сабаби бир хил — меҳнатта лаёқатли аҳолини ҳисобга олиш ва бир қанча мутахассисликлар бўйича ишчи кадрлар тайёрлашни ташкил этишдаги жиддий нуқсонлардир.

Очигини айтиш керак, бу аҳвол фақат иқтисодий вазифаларни ҳал қилишдагина эмас, шу билан бирга ёшларга касб ўргатишни ташкил этишда... йўл қўйилган нуқсонларнинг натижасидир.

Буларнинг ҳаммаси Иттифоққа бўйсунувчи кўпгина корхоналар жойларда ишчи кадрлар тайёрлаш ўрнига баъзан ўзлари учун осон, лекин маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини чигаллаштирадиган йўлдан бориб, мамлакатнинг бошқа регионларидан тайёр ходимларни таклиф қилаётганликларининг бевосита оқибатидир. Бу йўл шаҳарларда уй-жой муаммосини тағин ҳам кескинлаштирмоқда, ишчилар синфи миллий отрядини вужудга келтиришга тўсқинлик қилмоқда...

Бу соҳада энг асосий нарса айрим, лекин тез-тез учрайдиган ночор «назарийётчилар» психологиясини ва тафаккурини ўзгартиришдан иборат, улар ана шундай ҳолларда маҳаллий аҳоли,

ўзбеклар катта саноат корхоналари шароитида ишлашга ўрганимаганлар, улар бундай корхоналарда меҳнат қила олмайдилар, улар кўпроқ қайта ишлаш тармоқларида, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлашга мойилдилар, деган сохта, айтиш мумкинки, жуда зарарли назарияни пеш қилишга уринадилар. Бундай мулоҳазаларни жиддий қоралаш керак... Бир нарса равшан—ишчилар ва инженер-техник кадрлар тайёрлашнинг таркиб тонган системасини тубдан янгилаш талаб қилинади...» (Ислом Каримов. «Ўқитувчилар газетаси», 1989 йил 25 ноябрь).

Иқтибосга эътибор берган бўлсангиз, бунда биринчи бор кадрлар тайёрлашнинг тизимини тубдан янгилаш масаласи кўтарилган. Демак, Ислом Каримов бу муаммони ечиш йўлларини бундан ун йил аввал уйлаган. Юқорида иқтибос келтирилган нутқдан бир йил утгач (1990 йил) эса Ислом Каримов миллий кадрлар тайёрлашни тизимга солишни режа-лаштирганлигини пайқаш қийин эмас. Қолаверса, унда 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг илк чизмаларини кўриш мумкин.

«Биз ғалати вазиятга дуч келиб қолдик. Иш билан таъминланмаган аҳоли бор, иш бор, аммо иш жойлари банд эмас...

Кадрлардан самара олиш учун уларни тайёрлашга маблағ сарфлаш лозим. Агар биз ҳақиқатдан ҳам қашшоқлик ва

*Ўқув қайда  
бўлса,  
улуғлик  
бўлар  
Билим  
қайда  
бўлса,  
буюклик  
бўлар.*

Юсуф Хос  
ҲОЖИБ



қолоқлик кишиларидан қутулмоқчи бўлсак, ёшларни тайёрлаш билан жуда жиддий равишда шуғулланишимиз, замонавий касбини эгаллашда уларга ёрдам беришимиз керак. Бу соҳада хасислик ярамайди.

Бизга миллий кадрлар тайёрлашнинг махсус дастури керак, бу дастур:

— умумий таълим мактабларида дарс бериш сифатини ошириш (ўқитувчиларни, методистларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш, махсус синфхоналар барпо этиш, олий ўқув юртларининг мактабларини оталиққа олишини йўлга қўйишни ва шу кабиларни);

— энг истеъдодли болалар учун мактаблар очилиши;

— корхоналар билан мактаблар ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни жорий этишни;

— ҳунар-техника билим юртларида хўжалик ҳисобини жорий этишни ва шу асосда оммавий касб кадрларини тайёрлаш сифатини кескин оширишни;

— олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш системасини қайта қуришни, бу соҳага кадрлар тайёрлашнинг буюртма берилгусулини жорий этишни ўз ичига олиши керак...

Жумҳуриятнинг юқори малакали миллий мутахассисларини тайёрлаш учун Иттифоқдаги ва чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш системаси аниқ ишлаш бошланиши кераклиги ҳақида неча марта лаб гапирилди» (И.Каримов. «Ўқитувчилар газетаси», 1990 йил 4 август).

Эътибор берган бўлсангиз, Совет тузуми даврида миллий кадрлар тайёрлаш учун ёшларни чет эллардаги энг яхши марказларга юбориш, бундай тизим яратиш кераклиги айтилмоқда...

*Бизга миллий  
кадрлар  
тайёрлашнинг  
махсус дастури  
керак.*

Ислом  
КАРИМОВ

**Мудҳиш тузумда биз ким эдик?**

Юқоридаги бўлимда сўзимизни иқтибос билан яқунладик. Уларга изоҳнинг ҳожати йўқ. Бироқ унинг сўнгги уч сўзини таҳлил этсак: «...неча марталаб гапирилди». Бу давр собиқ шўро замони эди. Бу тузумда миллатни ёруғликка олиб чиқувчи барча ҳаракат, гоё, ганлар гаплигича, янаям аниқроғи, баркамол авлод ҳақидаги орзулар орзулигича қолиб кетарди. Бу гоёни амалга ошириш учун ҳам мафкуравий ва ҳам иқтисодий жиҳатдан муте эди Узбекистон.

Мана яна бир мисол. 1989 йилнинг охирида Иттифок таркибидаги Узбекистоннинг биринчи раҳбари шундай фикрни илгари сурганди:

**«Республика раҳбарияти келгуси йилдан бошлаб мамлакат ва чет эллардаги катта илмий марказлар докторантураларидан ва стажировка ўташ учун ёш олимларимизга юзта ўрин ажратиш масаласини СССР Фан ва техника давлат комитети олдига қўйди» (И.А.Каримов. «Илм-фан инқобиятларидан тўлароқ фойдаланайлик». «Ўқитувчилар газетаси», 1989 йил 2 декабрь).**

Биз ушбу тилакнинг ижроси қандай бўлганлиги билан қизиқиб давр ҳужжатларини таҳлил қилдик. Бироқ кутилганидек — «катта оға» бундай «ўзбошим-чаликка» кинояли сукут билан жавоб берганлиги аниқланди. Бу ҳам чўзилиб келаётган орзулардан бири эди... Бунда ҳеч бир миллатнинг ривожланишга ҳуқуқи йўқ эди. Ҳуқуқ талаб қилганларнинг эса ҳоли вой эди. Бу жамиятнинг нақадар мудҳишлиги ҳақида мустақилликка эришганимиздан

*Фақат бир эзгулик  
бор — билим  
ва  
фақат бир  
ёмонлик бор —  
жаҳолат.*

**СУҚРОТ**

сунг жуда кўп ёзилди, таҳлил этилди. Бу таҳлилларнинг энг ишончлиси мустабид тузумда яшаб, раҳбарлик қилиб, халқига хизмат қилиш нияти орзулигича қолиб кетганлар таҳлилидир. Мана саволга йўғрилган, Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1994 йилда Республика Олий Кенгаши XVI сессиясида сузлаган нутқидаги шундай таҳлиллардан бири:

— Ҳайлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик?

— Ҳша йиллар умуман қандай давр эди?

— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

— Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом!...» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

— Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

— Ҳўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуғ аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган ер ўғлонлари эканимизни англаймидик?

— Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

— Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

*Илмга нисбатан  
гўё чўпон каби  
посбон бўлинглар,  
лекин илми  
фақат ривоят  
қилувчи  
бўлманглар.*

ҲАДИС

— Гуё миллий ифтихор бўлиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйнитуруқ бўлиб, халқимизни ялаигоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

— Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим, куни кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз?..

У кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши айглаб олишимиз зарур» («Ижобий ишларимизни охирига етказайлик». «Маърифат» газетаси, 1994 йил 28 сентябрь).

Ҳа, ҳақиқатдан ҳам унутишга ҳаққимиз йўқ уша мутеликни.

Юртнинг зиёли фарзандлари орасида миллатининг равнақи ҳақида ўйлайдиган фидойилар доим топилар экан. Бундай инсонлар миллат равнақини таълим ислоҳи орқали кўрардилар, бу ишни амалга ошириш учун изланардилар. Юқорида икки мустамлака тузумнинг емирилиш даврида яшаган миллат фидойилари фикрларидан иқтибослар олдик. Бунинг биринчи боиси давр руҳини сездирмоқ, қолаверса миллатимизнинг баркамол авлод орзусида 130 йил яшаганлигини таъкидламоқ эди.

Мустамлаканинг «оқ» ёки «қизил»лигидан қатъи назар, эзилаётган томоннинг озодликни қумсани, хом ашё базаси эканлиги ва яна купгина жиҳатлари ухшаш булади. Бироқ 1917 йиллар билан 1991 йилларнинг ўртасида катта фарқ бор эди. Аввалгисида истиқлолга эришилмади ва табиийки, бу ислоҳотни

Мозий  
истиқболнинг  
тарозусидур, ҳар  
ким ўлчасун-да  
билсун.

Маҳмудхўжа  
БЕҲБУДИЙ

*Ҳар қандай  
миллатнинг равнақи,  
умумбашарият  
тарихида тутган  
ўрни, мавқеи ва  
шуҳрати бевосита  
ўз фарзандларининг  
ақлий ва жисмоний  
етуклигига  
боғлиқдир.*

Ислом КАРИМОВ

бошлаган миллатимизнинг барча зиёлиси қатағон қилинди. Баркамол авлод ғояси орзулиғича қолиб кетди. Мустамлакадан қутулишнинг иккинчи уринишида (1991 йил) эса орзуларнинг рўёбга чиқиши учун имконият туғилди. Бу имконият Ўзбекистоннинг қуллик занжирини узиб, ўз МУСТАҚИЛЛИГИНИ эълон қилгани бўлди. Бунга сабаб МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон Республикаси ва унинг мард ўғлини Ислом Каримов бўлди.

### Иккинчи фасл

#### МУСТАҚИЛЛИК — ОРЗУЛАР РЎЎБИ

#### Буюк неъмат қандай имкониятлар яратди?

Мустақиллик — бу миллат орзуси, ўз ривожланиш йўлини ўзи танлаш ҳуқуқи. Мустақиллик — бу ўзига беклик. Мустақиллик — бу орзулар рўёби. Ўзбекистон ўз орзуларини рўёбга чиқариш учун имкониятга эга бўлди, ҳаракат бошланди. Бироқ баркамол авлод орзуси буйича давлатнинг қонун даражасидаги махсус дастури ҳали бери ишланмаслиги мумкин эди. Собиқ иттифоқдан ажралган бошқа мамлакатлар каби фақат бугун ҳақида ўйлаш, бугуннинг муаммоларига уралашиб қолиш ҳолати ҳам бўлиши мумкин эди. Бахтимизга миллатни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун ўз йўлига эга булган раҳбар — **Ислом Каримов** Ўзбекистон Президентлигига сайланди. Унинг кадрлар тайёрлаш миллий дастури борасида аввалдан ўз режалари — орзулари бор эди.



Вақт  
 пиллапояси  
 чексиздир,  
 бир-  
 бирининг  
 ўрнини  
 эгаллаб  
 борадиган  
 авлодлар  
 зинадан  
 зинагагина  
 кўтариладиган-  
 лар, холос.  
 Жамланган  
 тажрибани  
 ҳар бир  
 авлод  
 узидан  
 кейин  
 келаётган,  
 узидан  
 кейин уни  
 тараққий  
 эттирадиган  
 ва  
 бойитадиган  
 навбатдаги  
 авлодга  
 етказиб  
 беради.

Абу Райҳон  
 БЕРУНИЙ

Юқорида 1917 йил билан 1991 йилнинг фарқи ҳақида фикр юритганимизда мана шу жиҳатларни ҳам эътиборга олгандик. Мустақил юртнинг ҳукумат бошига мустамлакачиликнинг азобини раҳбар лавозимида татиб кўрган, реал орзуларига эга булган инсон келди. Уни халқ сайлади, бу билан у ўз келажакини белгилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳақида ҳукумат даражасидаги бу фикрни Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий - иқтисодий тараққиёти яқунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йўналишлари»га бағишланган мажлисидаги нутқида баён этди:

«1997 йилда биз яхши, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, маъмур — менежерларни тайёрлашни йўлга қўйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қобил ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

Биз бугун шунга тайёрми?  
 Бунинг учун зарур куч ва ресурсларимиз борми?

Мана шу минбардан туриб, қатъий айтаманки, ҳа Ўзбекистон ана шундай куч-

қувват ва ресурсларга эга» («Маърифат» газетаси, 1997 йил 1 март).

Савол туғилиши мумкин. 1996 йилгача таълимда ислоҳотлар бўлмадими? Нега турт йил кутилди?

### Биринчи қонун нима берди?

Аввалги бўлимни савол билан тугатдик, демак янги бўлимни шу саволга жавоб беришдан бошлаймиз. Аввало жамиятнинг ҳар бир соҳаси каби таълимда ҳам ислоҳотлар амалга оширилди. Мустақилликка эришганимизнинг биринчи йилида (1992) мустақил Ўзбекистонимизнинг «Таълим туғрисида»ги биринчи қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун аввало, Ўзбекистон таълимида илгари эришилган муваффақиятларни сақлаб қолишга хизмат қилди. Бу қонун ўша давр учун жуда зарур эди. Ахир жамият қонунсиз яшаса, вужудга келадиган бушлиқни бир тасаввур қилинг. Айниқса, таълим соҳасида бундай ҳол жуда салбий оқибатларга олиб келиши тажрибаларда кўп синалган. Мазкур қонуннинг яна бир хусусияти шунда эдики, у эски тузум сарқитларини курсатиб беришга хизмат қилди. Демак, тўпланган ижобий жиҳатларни сақлаб қолган, иллатларни англаб олишимизга хизмат қилган, аниқроғи эски тизимдан янгисига ўтишга кўприк вазифасини ўтаган қонуннинг аҳамияти улкандир.

*Цивили-  
зация нима  
дегани?  
Бу олға  
кетаётган  
инсон ҳар  
қадамда  
юзага  
келтира-  
ётган  
доимий  
кашфиёт-  
лардир:  
тараққиёт  
сўзининг  
ўзи ҳам  
шундан  
келиб  
чиққан.*

Виктор  
ГЮГО



Шу билан бирга 1992 йилда қабул қилинган «Таълим тугрисида»ги қонун яратган имкониятлар сабаб таълим тизимига қатор янгиликлар кириб келди. Уларнинг асосийларини қисқача изоҳлаб утсак арзийди. Олий ва урта махсус ўқув юртларига адолат мезони ҳисобланган тест тизими жорий этилди. Бунинг оқибатида эски тузумдан сарқит бўлиб қолаётган таниш-билишчилик, порахўрликка, қисқаси, адолатсизликка барҳам берилди. Тестга нисбатан, аниқроғи давлат олиб бораётган сиёсатга нисбатан халқнинг ишончи ортди. Бу ишнинг бошида ҳам давлатимизнинг раҳбари бош бўлиб турди.

### Тест — адолат мезони

1993 йилда олий таълим тизимидаги ислохотларга кенг эътибор берилди. Бу масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида алоҳида йиғинда таҳлил этилди. Мажлисни бошқарган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кадрлар савияси ҳақида, олий ўқув юртларининг аҳволи ва уларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан муносабатлари ҳақида фикр билдираркан, тест тизимининг афзалликлари ҳақида шундай деганди:

*Бир кунлик  
адолат — юз  
кунлик  
тоат-ибодатдан  
афзал.*

Амир ТЕМУР

«Ўғил-қизларимизни ўқишга қабул қилишда тест усулининг қўлланиши ижобий қадам бўлди. Бу қинғир ишлар пайини қирқади, миш-мишларга чек қўяди, истеъдодли ёшларни танлаб олиш имконини беради. Бинобарин бу ишни янада такомиллаштириб бориш керак.

... Айрим домлалар имтиҳон пайтида пул олармиш, деган хунук гаплар ҳам кулоққа чалиниб қолади. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи

қимирламайди. Баъзи олий ўқув юртларида назорат издан чиққани, айрим домлалар пора олгани ҳам маълум. Бу гаплар қабул комиссиясининг обрўйига путур етказди, улар бундай қусурлардан фориг бўлиши керак. Аксарият қабул комиссияларининг таркиби йиллар давомида ўзгармайди: бир хил одамлар ишлайверади. Мен уларнинг ҳаммаси нопок демоқчи эмасман, балки бир-икки фоиизи шундайдир... Уйлайманки, тест усули бундай бўлмағур гаиларга ҳам чек қўяди.

Қабул имтиҳонларини тест усулида олишга оқ фотиҳа беришимиз, бу усулни такомиллаштиришимиз даркор» («Илм-зиё салоҳияти — юрт бойлиги». «Маърифат» газетаси, 1993 йил 21 июль).

Дарҳақиқат тест тизими жуда кўп бўлмағур гаиларга чек қўйди. Вақт утгани сайин тест тизими такомиллашиб бормоқда ва энг асосийси унга ишонч ортмоқда.

Таълим тизимида адолат ўрнатилди. Ўзбекистон Президентининг бобокалонимиз Амир Темурнинг «Куч — адолатдадир», деган угитига мос йўл тутганлиги боис оддий халқ кўнглида бу кўнлардан ёрқин хотиралар қолди.

## ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

*Ассалому алайкум муҳтарам ва  
ҳурматли Президентимиз  
Ислом Абдуғаниевич!*

*Мен 4 фарзанднинг онасиман.  
Бугунги кун мен учун жуда бахтли  
кун. Чунки менинг учинчи ўғлим  
бугун тест синовларидан муваф-  
фақиятли ўтиб кимё - технология  
олийгоҳининг талабаси бўлди.  
Сизнинг бошчилигингизда мамлака-  
тимиз мустақил бўлгандан бери,*

*Ақлий заковат  
ва руҳий-  
маънавий  
салоҳият  
маърифатли  
инсоннинг икки  
қанотиғидир.*

Ислом  
КАРИМОВ

*Сизнинг тавсиянгиз билан олийгоҳларга кириш тест синовлари асосида қабул қилиш бошланган даврнинг биринчи йили (1993 йилда) катта ўғлим ўз билими билан Тошкент кимё-технология олийгоҳига кириб бу йил уни муваффақиятли тугатди. Яна бир ўғлим 1995 йилда тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Тошкент юридик олийгоҳи талабаси бўлди. Мустақиллигимизнинг 7- йиллик байрами арафасида учинчи ўғлим ҳам тест-синовларидан муваффақиятли ўтиб, Тошкент кимё-технология олийгоҳининг талабаси бўлди. Менга бундан ортиқ бахт йўқ.*

*Агар совет даврида бўлса, фарзандларимнинг шунчалик муваффақият билан ўқишларга киришларига ақлим етмасди. Мустақил Ўзбекистонимизда, Сизнинг бошчилигингизда тест-синовларининг жорий қилинганидан жуда миннатдорман.*

*Сиз оқилона бошқараётган мустақил демократик мамлакатимизга фарзандларимнинг келажакда етук мутахассис бўлиб етишишига ишончим комил.*

*Сизнинг оқилона иш юритишингиздан жуда миннатдорман. Илоҳим тани-жонингиз соғ бўлсин, дунё тургунча турунг. Бола*

*чақаларингизни бахтига, қолаверса бизнинг бахтимизга доимо соғ бўлиб юрунг. Мустақил Ўзбекистони- мизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашда Сизга доимо куч-қувват тилайман. Сизнинг бу сайи-ҳаракатларингизда менинг фарзандларим ҳам ўз ҳиссаларини қўшишса, мен ўзимни унёдаги энг бахтиёр она деб ҳисоблайман.*

*Биз ўз  
истеъдогли,  
фидоий  
болаларимиз,  
фарзандларимизга  
билим ва касб  
чўққиларини забт  
этиши учун қанот  
беишимиз керак.*

*Ислоом КАРИМОВ*

*Сизга ҳурмат ва*

*эҳтиром билан*

*Осудахон Мадиева,*

*Тошкент шаҳар*

*8-Бизнес мактабининг  
ишлаб чиқариш устаси.*

**Президентга ёзилган  
илк мактуб ёхуд ноёб  
иқтидор соҳибларига  
гамхўрлик**

Юртимизни азалдан даҳолар юрти деб, ҳақли равишда ҳамиша фахрланиб келамиз. Имом Бухорий, Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Мирзо Бобур каби буюк алломаларимиз уларнинг ёрқин истеъдодларини жуда ёшлик чоғларидан намоён қилганлар. Шунинг учун буюклик, юксак истеъдод эгаси бўлиш қонимизда бўлиб, ҳозирги кунда кўплаб иқтидорли болаларнинг етишиб чиқаётганлиги бежиз эмас.

Шулардан бири тўққиз яшар олтинчи синф ўқувчиси Муроджон Республикамиз Президентига биринчилардан бўлиб мактуб ёзган:

*«Ассалому алайкум, ҳурматли Президентимиз  
Ислом Абдуғаниевич Каримов!*

*Сизни Республикамиз Мустақиллигининг бир йиллиги билан табриклайман.*

*Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман.*

*Сиз бизни ота-онамиз бағрида тинч ва осойишта яшашимиз, ўқишимиз учун кеча-кундуз тинмай ҳаракатлар қиляпсиз.*

*Сизни таърифлаш учун, шоирларимиз айтгандай, ўзимиздаги сўзлар хазинасининг мулки етмайди.*

*Агар керак бўлса, жонимни ҳадя қилай десам, бу кичкина жоним етмайди. Шахсан мен Сизнинг болалик, ўқувчилик йилларингиз ҳақида кўп нарсаларни билгим келади. Уйлайманки, Республикамиздаги барча ўқувчилар ҳам мустақиллигимиз*

Қобилиятли одамни  
тарбия қилмаслик—  
зулмкорлик ва  
ноқобил одамга  
тарбия ҳайфдир.  
Тарбиянинг аяб  
унисини нобуг  
қилма, тарбиянинг  
бунисига зое  
кетказма.

Алишер НАВОИЙ

Илмдан бир  
шуъла дилга  
тушган он,  
Шундан  
билурсанким илм  
бепоён.

ФИРДАВСИЙ

асосчиси бўлган ҳимоячимиз, Сиз ҳақингизда билишни истайдилар.

Мен ҳақимда билмоқчи бўлсангиз эндигина тўққиз ёшга тулдим, лекин олтинчи синфда ўқийман. 1989 йили Тошкент шаҳридаги 84-мактабнинг биринчи синфига ўқишга бордим, яхши ўқиганим учун мени учинчи синфга кўчиришди. 1991 йилда эса учинчи синфдан бешинчи синфга кўчиришди.

Республикамиз Мустақиллигининг бир йиллик байрамини нишонлаш арафасида Сизга ўқувчилик ваъдамни бериб, тинмай ўқиб, ўрганиб, узоғи билан ўн икки-ўн уч ёшимда ўн биринчи синфни

тамомлаб, олий ўқув юртига кираман.

Насиб этса тамомлаб, Республикамизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун бор кучимни, билимимни аямайман.

Салом билан,

Мурод Мирзо Шарифжон ўғли».

Уз навбатида Президентимиз ҳам Муроджонга жавоб мактуби ёзганлар. Мана уша мактуб:

«Муроджон!

Хатингни эътибор билан ўқиб чиқдим. Мактабда эришган муваффақиятларингдан хурсандман. Синфдош ва мактабдош ўртоқларинг билан дўстона муносабатлар ўрнатганингда, уйда эса ота-онангга яхши кўмакчи эканлигингда ишонаман.

Муроджон! Сен эришилган натижалар билан кифояланиб қолмаслигингда, мактаб дарсларини ҳам бундан буён чуқур билиб боришингда, дунёга Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий каби ва бошқа ажойиб олим, мутафаккирларнинг ёрқин намояндаларини етиштириб берган гўзал ўлкамиз ва унинг халқи тарихини ўрганишингда ишончим комил.

*Муроджон! Сенга ўқишда янги ижодий муваффақиятлар тилайман ва Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги байрам қилиниши муносабати билан тантаналарга таклиф этаман.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов».*

Дарҳақиқат, Муроджон Шарипов уз ваъдасининг устидан чиқди: 12 ёшида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг талабаси бўлди.

Ана шундай ноёб истеъдод эгаларидан бири нафақат озод юртимизнинг, балки Марказий Осиёнинг энг ёш гроссмейстери, ТошДУ механика-математика факультетининг талабаси Рустам Қосимжоновдир. Шахмат соҳасидаги юксак ютуқлари ва юртимиз шухратини дунёга танитаётганлиги учун Рустам Қосимжоновга давлатимизнинг «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилди ва Президентимиз томонидан совға сифатида компьютер ва бошқа қимматбаҳо буюмлар тақдим этилди.

Ҳа, бундай истеъдодли ва иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор берилмоқда ва доимо гамхурлик қилиб келинмоқда. Президентимиз тарихчи олимлар билан 1998 йилда бўлган учрашувда ҳам истеъдодли ёшларга булган муносабатларини шундай баён этадилар:

«Муҳими, ёшларнинг орасига кириш, уларнинг ичидан қобилиятли, фидойиларини топиш, уларнинг юрагини ёндириш керак. Бизда 30—35 ёшли академиклар борми? 16 ёшга кирган ўспирин — Рустам Қосимжонов шахмат бўйича қандай натижаларга эришди, жаҳон миқёсида голиб бўлди!

Тарбия уч  
нарсга эҳтиёж  
сезади:  
истеъдодга,  
илмга,  
машққа.

АРАСТУ

Шахмат ҳам фан, бу математика дегани эмасми?

Демоқчиманки, биз ана шундай ёшларимизга ишюнамиз, суюнамиз, келажак

*Камолотга  
эришиш  
учун,  
аввало қалб  
покизалиги  
ҳақида  
ўйлаш  
керак. Қалб  
покизалигига  
эса юрак  
ҳақиқатни  
излаганда  
ва руҳ  
орифликка  
интилган  
тақдирда-  
гина  
эришилади.  
Буларнинг  
барчаси  
ҳақиқий  
билимга  
боғлиқдир.*

КОНФУЦИЙ



умидларимизни улар билан боғлаймиз. Уларга қанча тез йўл очиб берсак, нямда, ижодда шунча кўп изланиш, баҳс бўлади. Изланиш, баҳс, мунозара бор жойда эса ҳақиқат юзага чиқади, тараққиёт бўлади».

### Хориждан келтирилган олтинлар

Тест таълим тизимидаги бир янгилик бўлса, иқтидорли ва истеъдодли фарзандларимиз учун янги турдаги ўқув муассасаларининг ташкил этилиши ҳам ўзига хос янгилик бўлди. Бу Ислом Каримовнинг 1990 йилдаги орзуларидан бири — «энг истеъдодли болалар учун мактаблар очиш» гоёсининг амалга ошиши эди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури кун тартибига қўйилгунга қадар юртимизда 300 дан зиёд янги турдаги ўқув муассасалари очилди. Айниқса лицейлар тилга тушди. Ота-оналар «болам лицейда ўқийди», дея гурурланадиган бўлишди. Чунки, лицейларни тугатганларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларига кириш учун тест имтиҳонларидан юқори балл туплаб, талабалик бахтига мушарраф бўлишди. Айрим лицей битирувчиларининг барчаси, аксарият лицейларнинг эса 85 дан 98 фоизгача битирувчилари олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди.

Иқтидорли болаларимиз бу таълим даргоҳларида хорижий, хусусан, инглиз тилини ҳам пухта ўргана бошладилар. Бу уларнинг халқаро фан олимпиадаларида

*Келажаги  
буюк  
давлат энг  
биринчи  
навбатда  
бўлажак  
фуқаро-  
ларининг  
маданияти,  
маълумоти  
ва маъна-  
вияти  
ҳақида  
ғамхўрлик  
қилмоғи  
зарур.*

Ислом  
КАРИМОВ



қатнашиш имкониятини яратди. Қарангки, биринчи йилдаёқ йигитларимиздан бир нечаси ушбу мусобақа ғолиблари булишди. Айни кунгача **35 нафар** лицей ўқувчилари турли фан олимпиадаларида олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, **ЎЗБЕКИСТОН** деган номнинг бир қанча ривожланган давлатлар орасида тилга олинисига эришдилар. Бу юрт фарзандларининг салоҳияти юқори эканлигидан дарак беради. «Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати» дейилганда унинг интеллектуал салоҳияти ҳам тушунилиши табиий ҳол.

### ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ



*Муҳтарам Ислоом Абдуғаниевич! Биз жонажон республикамиз мустақиллиги шарофати билан сизнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида фармонларингиз ҳамда гўзал диёримиз ёшларининг илмфаннинг барча соҳалари бўйича дунёдаги илгўр мамлакатлар ёшлари билан беллаша оладиган даражада билим олишга кўрсатаётган мунтазам эътиборингиз ва ғамхўрлигингизни ҳис қилиб турибмиз. Уларга жавобан меҳрибон устозлари-миз ёрдамида жаҳон фан олимпиадаларида она Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритдик. Илк қалдирғоч сифатида республикамиз*

мактабларининг 33 нафар тенгдош ўқувчилари биргаликда Аргентина, Голландия, Грузия, Польша, Чехословакия, Туркия давлатларида математика, физика, биология, кимё ва экология бўйича ўтказилган бир қатор олимпиадаларда иштирок этиб, 10 та олтин, 4 та кумуш, 17 та бронза медалларини ва 3 та юқори даражали дипломларни қўлга киритдик.

Халқаро олимпиадаларда энг юксак натижалар кўрсатган ўн икки нафар 11-синф ўқувчилари Сизнинг фармонингизга мувофиқ олий ўқув юртларига имтиҳонсиз, имтиёзли қабул қилиндилар. Бошқа қатнашчилар умумтаълим мактабларда ўқишни давом эттирмоқда.

Биз қайси мамлакатда, қайси фан бўйича мусобақаларда иштирок этмайлик, азиз Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилаётганимизни бир лаҳза ҳам ёддан чиқармадик. Зеро олимпиада топшириқларини ечиш жараёнида қаршимизда турган гўзал байроғимиз юртимизда Ватанимиз шаъни борлигини доим эслатиб турди.

Юртимизда 1 октябрь куни биринчи марта умумхалқ байрами сифатида нишонланган Ўқитувчилар ва мураббийлар кунда биз ҳам иштирок этдик. Бундай байрам билишимизча, дунёда фақат бизнинг мамлакатимиздагина ўтказилади ва у зўр кўтаринкилик вазиятида нишонланади. Тошкентда бўлганимизда муҳташам Амир Темури музейида, санъат ва маданият қошоналарида бўлдик. Ниҳоятда гўзал пойтахтимиз борлигидан фахрландик, қалбимиз ғурурга тўлди.

Ҳаракат заиф  
бўлган жойда,  
кучли билим  
фойдасиздир.  
Ҳаракатсиз  
билим — илмсиз  
камон ўқидир.

Аз-ЗАМАҲШАРИЙ

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! Мамлакатимиз ёшларига кўрсатаётган ғамхўрлигининг биз чин юракдан ҳис қилиб турибмиз — бу ғамхўрлик ва яратилаётган шароитларга муносиб маънавий етук, маърифатли, зукко ва фидойи фарзандлар бўлишга сўз берамиз.*

*Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг!*

*Ўзбекистон Республикасининг халқаро олимпиадаларда иштирок этган ва ғолиб чиққан бир гуруҳ ўқувчилари.*

Файзулла Шоисматов, Шаҳриёр Турғунов, Шерзод Мадраҳимов,  
Ориф Мелибоев, Фарруҳ Қорабоев, Игорь Иванов,  
Константин Строкович, Алишер Раҳмонов, Ҳаёт Ҳалимов,  
Евгений Ким, Павел Маненков, Қахрамон Аслонов.  
Нодирбек Хусайнов.

### Ўқитувчилар куни қайси давлатда умумхалқ байрами?

Ўз-ўзини эл ишига  
бағишлаган, инсон  
тарбиясига жон  
тиккан олижаноб  
ўқитувчиларни,  
муътабар  
муаллимларни  
бундан буён ҳам  
бошимизга  
қўтарамиз.

Ислом КАРИМОВ

Мустақилликка эришилган кундан бошлаб, мактабларга, ўқитувчи-мураббийларга, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, ёрдам бериш масалаларига собиқ иттифоқ таркибидаги бошқа давлатларга нисбатан эътибор кучайтирилди.

Бунга хориж матбуоти ҳам эътибор бера бошлади. Келинг, шу масалага Россиянинг «Известия» газетасидаги «Ўзбекистон маош ва стипендияларни оширди» сарлавҳали мақоласидан иқтибос келтирсак:  
«Яқинда сайланган Ўзбекистон


Республикаси Президенти Ислон Каримов фармонига кўра аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари кўрилди. Қатор давлат муассасаларида, хусусан халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ишлари соҳаси ходимларининг иш ҳақи 1990 йилга нисбатан 4,5 баробар, 1991 йилга нисбатан эса 2 баробар, талабалар стипендиялари эса 2,2 баробар оширилди».

Шунингдек, 1999 йилга қадар 97968 нафар халқ таълими ходимида давлат уйлари бепул хусусийлаштирилиб берилди, 21946 нафар ходимга эса ташкилот ва муассасалар тасарруфидаги уйлар хусусийлаштирилиб берилди. 35841 нафар педагог ходимга шахсий қурилиш учун ер майдонлари ажратилди, қишлоқларда истиқомат қиладиган педагогик ходимларнинг ҳаммаси коммунал хизмат учун тўловлардан тўла озод этилган бўлсалар, шаҳарликлар унинг 50 фоизи миқдоридан тўлайдилар.

Моддий манфаатдорликка маънавий рағбатлантиришларни ҳам қўшсак арзийди. «1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини» дам олиш кунини деб эълон қилиниб, уни бутун Ўзбекистон аҳолиси умумхалқ шодиёнаси сифатида байрам қиладиган бўлди. Бошқа собиқ иттифоқ давлатларида бундай куннинг нишонланиши ҳақида маълумотлар ҳануз йўқ. Бу байрам арафасида юзлаб таълим фидойиларига давлатнинг энг муътабар мукофотлари топшириладиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонларининг кўплиги ҳам илм-фан ва таълим-тарбиянинг аҳамияти нақадар юксаклигини кўрсатади. Булар «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби», «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», «Ўзбекистон

*Билим,  
маърифат яхши  
ахлоқ билан  
безанмоғи  
лозим.*

Абу Наср  
ФОРОБИЙ



Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози», «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвонларидир.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Қонуни**

**ЎҚИТУВЧИЛАР ВА  
МУРАББИЙЛАР КУНИНИ  
БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни деб белгилансин ҳамда у байрам (дам олиш) куни деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил 1-сонга ялова) 131-моддаси олтинчи хатбошидан кейин қуйидаги мазмундаги янги хатбоши билан тўлдирилсин:

**«1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни».**

Шу модданинг еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари тегишли равишда саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти И.Каримов.  
Тошкент шаҳри  
1996 йил 27 декабрь.**

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР

*Биз муаллимлар истиқлолимизни жон-дилimiz билан ардоқлашда, мустақил Ўзбекистонимизнинг мафкурасини шакллантиришда, ёшларимизни билимдон, ижодкор, инсонпарвар, Ватанга муҳаббат мадҳиясини куйловчи, Президентга садоқат, миллий ва маданий бойликларни эъзозловчи, инсофли ва диёнатли, миллий урф-одатларимизни улуғловчи, аждодларимизнинг энг яхши анъаналарини шараф билан давом эттирувчиларни тарбиялаш ва камолга етказиш учун билим ва маҳоратимизни аямаймиз.*

*Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани 5-ўрта мактаб ўқитувчилари.  
1993 йил.*

\* \* \*

*Байрам арафасида ойлик, нафақа ва стипендияларни янада ошириш тўғрисида чиқарган фармонингизни республика фуқароларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлардан бири эканлигини тўла ҳис қилган ҳолда, Ватанimiz иқтисодий мустақиллиги йўлида юқори малакали, замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш ва илмфанни ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшишни бурчимиз деб биламиз.*

*Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабалари, профессор-ўқитувчилари.  
1993 йил 19 март.*

*Аввалига биз болаларимизга ўргатамиз. Сўнгга ўзимиз улардан ўрганамиз. Кимки бунни хоҳламас экан, ўз даврдан орқада қолади.*

*Я.РАЙНИС*

Қайси мамлакатда кўп  
мактаб қурилди?

Мактаб  
вояга  
етаётган  
авлод  
тафак-  
куруни  
шаклан-  
тириш  
устахона-  
сидир, агар  
келажакни  
қўлдан  
чиқаришни  
истамасанг,  
мактабни  
қўлда  
мустаҳкам  
тутмоғинг  
лозим.

А.БАРБЮС

Таълимга эътибор дейилганда ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам, ўқув режаси, дастур, дарсликлар қаторида мактаб бинолари ҳам тушунилади. Мустақилликнинг илк йилларидаёқ бу муддатда Президентнинг даъвати билан янги мактаблар қурилиши бошқа давлатларидагидек тухтатиб қолмади. Мана ўша даъват:

«Яқинда, шу ўқув йили бошланиши билан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 24-мактабнинг янги биноси қуриб битказилди. Бу мактаб бугунги замонавий ҳаёт талабларига жавоб берадиган ўқув дарғоҳига айланди. Бир қарашда, бу мамлакат миқёсида, Тошкент шаҳри миқёсида унчалик кўзга ташланмайдиган воқеа. Лекин, бунга бошқача кўз билан қарасак, шу мактабда тарбия олаётган 1800 боланинг 1800 оиласи мана шу гамхўрликдан баҳраманд ва бахтиёр бўлганига мен ийюнаман.

Қани энди шундай олижаноб воқеалар юртимизда, ҳар бир шаҳар, туман ва қишлоқда янада кўпроқ бўлса! Қани энди, ҳар қайси ҳокимлик вазифасида ўтирган, ўзини халқ етакчиси деб ҳисоблайдиган раҳбар биттадан шунга ўхшаш мактаб курса.

Шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олиб, ҳамма имкониятларни сафарбар этиб, жойлардаги ҳокимларимиз ҳар бир туманда камида биттадан замонавий, ҳавас қилса арзигулик мактаб куради деб

ишонаман» («Ижобий ишларимизни охирига етказайлик». «Маърифат» газетаси, 1994 йил 28 сентябрь).

Бундай мактаблар ҳар бир туманда биттадан эмас, куплаб қурилди. 1994 йил 79296 уринли 209 та, 1995 йил 54732 уринли 134 та, 1996 йил 63622 уринли 198 та, 1997 йил 63911 уринли 192 та, 1998 йилда ҳам шунча мактаб қуриб фойдаланишга топширилди.

Бу натижаларни собиқ иттифоқнинг хоҳлаган давлати билан солиштиришимиз мумкин.

## ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

*Сизнинг мамлакатимиз келажагига ишонч билан қаровчи давлат арбоби сифатида мактаб-маориф, маънавиятни янада юксалтиришдаги фидойилик билан олиб бораётган буюк ва улғу ишларингиз, инсонпарвар сиёсатингизни миннатдорчилик билан сезиб келмоқдамиз.*

*Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллиги байрами арафасида Сизнинг меҳрибонлигингиз туфайли қишлоғимизда ҳамма қулайликларга эга бўлган 424 ўринли замонавий мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. «Ёшлари билимдон юрт—бадавлатдир» дея таъкидлаганингиздек, эндиликда фарзандларимизни одобли, ахлоқи юксак, билимли бўлиб тарбияланишлари учун катта қулайлик яратилганидан*

*Мактаб—  
гунё  
иморатлари-  
нинг энг  
муқаддаси ва  
қадрлисидир.  
Мактабнинг  
чин ва  
ҳақиқий  
маъносини  
билган  
миллатлар  
жонлари,  
моллари илан  
ҳиммат ва  
ғайрат-  
ларини сарф  
этиб,  
миллатнинг  
тараққийи  
ривожига  
ижтиҳод  
қилурлар.*

*Маҳмудхўжа  
БЕҲБУДИЙ*



*хурсандмиз. Ана шундай олижаноб ишларга бош-қош бўлаётганингиздан миннатдормиз.*

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани  
Элаш қишлоғи аҳолиси.  
1997 йил 28 август.

**«Умид» совриндорларидан умидим катта»**

Болаларимизни дунёнинг ривожланган давлатларида ўқитишни аср бошида яшаган жадидлар каби 90-йилларда мустақилликка эришишга интиланган юрт зиёлилари ҳам хоҳлашарди. Чунки мустамлакадаги қарам давлатдан хом ашё базаси сифатида фойдаланилгач, унинг ишлаб чиқариши орқада қолганлиги кундай аён эди. Қолаверса, уз қобигимизга уралиб қолгандан кура, хориж тажрибаларидан хабардор бўлиш, улардан фойдаланиш давлатга фақат фойда келтиради. 1919— 20 йилларда чет элга ўқишга жўнатилган юртдошларимизнинг аксарияти қайтиб келгач, қатағонга учрагандилар. Негаки, мустамлака халқни манқуртликда сақлаш «катта оға»нинг маккор сиёсатига мос келарди.

Ёшларни хорижда ўқитиш гоёсини 1990 йил Ислоҳ Каримов ҳам илгари сурганди:

«Жумҳуриятнинг юқори малакали мутахассисларини тайёрлаш учун Иттифокдаги ва чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш системаси аниқ ишлай бошлаши кераклиги ҳақида неча марталаб ганирилди» («Ўқитувчилар газетаси», 1990 йил 4 август).

Бироқ бу гоё ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришгачгина амалга ошди. Маълум марказ

Чинакам оқилона  
таълим  
онгимизни ҳам,  
хулқимизни ҳам  
ўзгартиради.

Мишел МОНТЕН

тузишнинг ташкилий масалаларини муҳокама қилиб утирмасдан, мустақиллигимизнинг илк кунлари юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан АҚШнинг Арканзас штатидаги университетларда ўқиш учун 10 нафар иқтидорли талабамизга 100 минг АҚШ доллари миқдориди маблағ ажратилди. Уларнинг 8 нафари бакалавр даражасини олишди, 4 нафари эса ўқишни давом эттиришиб, магистрлик дипломига эришишди. Бу каби ибратли ишлар натижаси — Президент уйлаган махсус марказ ҳам ташкил этилди. У «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умид» иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» деб номланди. Шу кунгача 474 нафар Ватанни севгувчи, билимдон, зукко ёшларимиз Президент грантларига сазовор бўлишди. Улар АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Франция ва Италиянинг энг номдор университетларида таҳсил олмоқдалар. Уларнинг айримлари муддатидан аввал магистрлик ва бакалаврлик илмий даражасини олиб қайтишди ҳам.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Умид» жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан олдин сазовор бўлгани ҳақида хабар олдик. Мен бу хушxabарни эшитиб худди ўзимнинг ўгил-қизларим шундай ютуққа эришгандек бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу — ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди десам, муболаға бўлмайди. Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган

Билим ва  
қудрат —  
иққови  
эгизак.

Ф.БЕКОН

жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукамал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шухратининг соясига маҳллэ бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоен этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-бенисанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор.

Тўққизинчи—ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улугбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улуг аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Такрор айтаманки, бунга таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин» (Ислом Каримов. «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин». «Тафаккур» журнали, 1998 йил, 2-сон).

Илм бир  
чироқдурким, сени  
роҳат ва фароҳатга  
ҳеч бир заҳматсиз  
етказад.

Абу Лайс Ас-  
САМАРҚАНДИЙ

## ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР

Ишончингизни оқлаймиз!

*Ҳурматли Президентимиз  
Ислом Абдуғаниевич Каримов!*

*Биз Сизни ва барча ватандош-  
ларимизни келаётган янги 1998 йил  
билан чин қалбимиздан табриклай-  
миз. Ишонамизки, янги 1998 йилинг*

ҳам пойқадами муборак бўлиб, жонажон ватанимиз ҳаёти учун жуда кўп ўзгариш ва ривожланишлар йили бўлади.

Шунинг айтиб ўтишни истар-дикки, якулланаётган 1997 йил ҳам мамлакатимиз тарихида улкан зафарлар йили бўлиб қолмоқда. Чунки мана шу йил ўзингиз бошчилигингизда иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармаси тuzилиб, ўзининг иш фаолиятини бошлади. Жуда кўп синовлар орқали республикамизнинг минг-минглаб ёшлари орасидан энг иқтидорлилари танлаб олиниб, дунёнинг етакчи давлатларига ўқишга юборилди. Албатта, бу савобли беқиёс ишнинг натижалари, иншооллоҳ, яқин йилларда, мамлакатимиз ҳар томонлама тараққиёт чуққиларига кўтарилган даврда яққол кўринади.

**Муҳтарам Президент!**

Биз зиммамизга юкланган масъулиятни чуқур англаган ҳолда бор куч ва идрокимизни пухта билим олишга ва олган билимларимизни жонажон ватанимизнинг буюк келажоғи ҳамда равнақи йўлида сарфлашга ваъда берамиз. Янги йил кириб келаятган шу қутлуғ лаҳзаларда дилимиздан шундай сўзлар ўтмоқда:

Биз сизнинг ишончингизни, халқимиз ишончини оқлаймиз!

Биз яхши ўқиймиз!

Биз Ўзбекистонимиз буюк давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олиши учун билимимиз ва бор куч-ғайратимизни аямаймиз!

Янги 1998 йилда Сизга Ислом Абдуғаниевич ва оила аъзоларингизга соғлиқ-саломатлик, бахт саодат тилаймиз! Янги йил барчамиз учун, бутун Ўзбекистонимиз учун севинч ва қувончлар йили бўлсин!

Инсонни инсон  
қилиб  
етиштирувчи  
нарсa —  
тарбиядир.

ДЕМОКРИТ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи «Умид» жамғармасининг совриндорлари, ҳозирда Японияда таълим олаётган фарзандларингиз:*

*Акбаров Умид, Умаров Бунёд, Раҳимов Ашшер, Зоҳидов Шерзод, Усмонов Фарруҳ, Шомаҳмудова Раъно, Ашев Aziz, Ҳакимов Ойбек, Саидқосимов Самар.*

1997 йил 31 декабрь, Токио.

\* \* \*

*Халқимиз қонида илмга ташналик зукколик ва маънавий гўзаллик каби тушунчаларни фарзандларимиз, ёшларимизда кўриб, истиқлолга, келажакка умидимиз янада ортади. Давлатимизнинг ҳурлиги, осойишта ва ободлиги туфайли ёшларимиз унинг тимсоли, вакили сифатида хорижий ўлкаларга эмин-эркин чиқишмоқда. Фарзандларимиз бизларга насиб қилмаган ўша бахтга, яъни дунёда Мустақил Ўзбекистон давлати, унинг келажаги борлигини баралла айтишаётганини эшитиб кўнглимиз севинч ва ғурурларга тўлди.*

*Бу улғу ишларда Сизнинг ҳам узуккун чеккан заҳматларингиз, меҳнатларингиз борлигини ҳис қиламиз. Биз ота-оналар айни пайтда мамлакатимизда кечаётган ислохотларни теран тушуниб, Ватанимизга муносиб фарзандлар тарбиялаб беришга бурчлимиз.*

*Ҳурмат билан,  
бир гуруҳ ота-оналар  
Тошкент шаҳри, 1996 йил.*

*Китоб ҳар қандай  
билимнинг жони  
ва юраги, ҳар  
қандай фанининг  
ибтидоцидир.*

*Стефан ЦВЕЙГ*

## Президент орзусидаги ШАХС

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» гоёси уз-узидан ва бирдан пайдо булмаганлигини юқоридаги таҳлилларимиздан англаган булсангиз керак. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов 1989 йилдаёқ уйлаганлиги, бироқ мустабид тузум бунга йул қўймаганлиги бугун ҳаммага аён.

1997 йилга келиб Ўзбекистон жаҳонга уз номини танитди. Иқтисодий жиҳатдан ривожланди — маҳсулот ишлаб чиқариш ошди, ҳамкорликдаги корхоналар кучайди. Уларда машиналар, электрон асбоблар ва бошқа дунё стандартларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Давлат ғалла мустақиллигига эришди. Нефть маҳсулотларини ишлаб чиқариб, бу йуналишда ҳам мустақилликка эришиш билан бирга уз маҳсулотини экспорт қила бошлади. Ўзбекистон дунёнинг катта бозорига шахдам одим ташлади. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишида бугун ва келажак учун зарур бўлган замонавий кадрларга ҳам эҳтиёж сезила борди. Эскича усулда тайёрланган кадрлар билан янгича ишлаб булмаслиги ҳам аёнлашди. Буни юртбошимиз «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири билан булган суҳбатида яна бир бор таъкидладилар:

«Мен кўн йиллар давлат режалаштириш идораларида ишлаганман. Хизмат тақозосига кўра фан ва таълим масалалари билан ҳам шуғулланганман. Шу сабабли совет таълим тизимининг барча жиҳатларини яхши биламан, деб айта оламан. Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъкул жиҳатлари билан

*Болаликка  
буюк ҳурмат,  
эҳтиром билан  
қараш лозим.*

ЮВЕНАЛ

Фикр  
тарбияси  
энг керакли,  
кўп  
замонлардан  
бери  
тақдир  
қилинуб  
келган,  
муаллим-  
ларнинг  
диққат-  
лариغا  
суялган  
муқаддас  
бир  
вазифадур.

Абдулла  
АВЛОНИЙ

бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборат эдики, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларининг билимига қараб эмас, аввало, уларнинг собиқ совет тузумига ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўрнини эгаллар эди. Кўн жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устувилик қиларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди. Бу тузумдан бизга қолган мерослар ичидаги шунга ўхшаган салбий асоратларни, афсуски, ҳозир ҳам сезиб турибмиз.

Бу тизим ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирон бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан саёз савияли кадрларни, муте кишиларни минг-минглаб етиштирган эди. Жамиятимизни янгилаш, ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижоатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун куйиб ёнмайдиган кадрлар муттасил равишда ишнинг белига тепиб туришини ҳис қилдик, очигини айтсам, ҳозир ҳам сезаянмиз» («Тафаккур» журнали, 1998 йил, 2-сон).

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бугун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ургатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бусиз жамиятимизнинг бирон-бир соҳасини узгартиришга киришиб булмас эди. Ислоҳотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлик жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

**Ҳиллари КЛИНТОН:**

**Биз сизлар билан ҳамкор ва дўст бўлишдан фахрланамиз**

*Бу ерда ўтказган икки ярим куним мобайнида мен Тошкентда жуда кўп соҳаларда ишлайдиган ҳамда бошқа ишбилармон аёллар билан танишиб, улар билан ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар фаолияти борасида фикр алмашдим. Тошкентдаги университет талабалари ҳамда Бухородаги мактаб ўқувчилари билан учрашувларда улар билан инглиз тилида гаплашдим. Қўшма Штатларда амалга оширилаётган ишлар, менинг бу ёшлар ҳамда Ўзбекистон ҳақида фикримни сўраб берган саволларига жавоб қайтардим. Уларга таҳсинлар айтдим.*

Тараққиёт-  
нинг умумий  
қўламида  
ҳар бир  
халқнинг  
ўрни ўша  
халқ  
ўқиётган  
китоблар-  
нинг сони  
билан  
белгиланади.

Э. ЛАБУЛЕ





*Чунки мен дунёнинг турли бурчакларида таълим олаётган талабалар билан учрашганман — мен бу гапларни Самарқандда турганим учунгина айтаётганим йўқ — бу гапларни Ватанимга қайтиб борганимдан сўнг ҳам такрорлайман — лекин бирон жойда Тошкент ва Бухородаги ёшлар сингари астойдил тайёргарлик кўрган, мазмунли саволлар берган йигит-қизларни учратмаганман...*

*Мана шундай, бир-бирига ҳурмат-эҳтиром билан қараш руҳи жамиятингизнинг барча соҳаларига сингиб кетган. Турли илдизларга эга бўлган халқлар минг йиллардан буён тинчлик ва дўстликда яшаб келган ва бугун ҳам шундай яшамоқда. Бухородаги мактабда атрофимда ўтирган болалар менга ўзбек, тожик ва рус тилларида кўп саволлар беришди. Уларнинг*

*қизиқиши шу қадар катта эдики, суҳбатимиз имкон қадар чўзилишини исташарди. Мен уларнинг даврасини ноиложликдан, мана шу болалар мансуб бўлган давлатнинг келажаги буюклигига амин бўлган ҳолда тарк этдим.*

Эътибор берган бўлсангиз мазкур булимни «Президент орзусидаги шахс» дея номладик. Бунга юртбошимизнинг ўз сўзлари билан жавоб бердик ҳам. Бироқ бундай **ШАХСЛАР** фақат гапирган билан пайдо бўлиб қолмайди. Бунинг учун махсус таълим-тарбия тизими, шу тизимда фаолият

кўрсатадиган даргоҳлар ва энг асосийси **ШАХСЛАР**ни тарбиялайдиган кадрлар керак бўлади. Хабарингизким бунинг учун Ўзбекистон Президентининг бевосита бошчилигида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» яратилди.

У ҳақда энди алоҳида бир фаслда батафсил тўхталамиз.

*Билимга чанқоқ,  
истеъдогли  
ёшларни топиб,  
уларни Ватанга  
фидойи  
инсонлар қилиб  
тарбиялаш  
муқаддас  
вазифагир.*

Ислоом КАРИМОВ

Учинчи фасл

ОРЗУГА ЭРИШМОҚ ЙЎЛИ

Аввало мақсад аниқ бўлмоғи лозим

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» орзуимизга эришишнинг қонун билан ҳимояланган ҳужжатидир. Ҳамма гап ушбу Қонуннинг бекаму куст бажарилишида! Бутун халқни шу ишга сафарбар қила билишда! Сафарбарликнинг замирида эса ҳар бир фуқаро энинг мазкур ишларнинг моҳият ва мазмунига тушуниши, белгиланган вазифаларнинг бажарилишига ишонч ҳосил қилиши, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш истаги туради. Халқни бу ишга чорлаш учун мақсад аниқ ва равшан тушунтирилмоғи лозим. Мақсадни тушунтириш учун эса

яқинлашиб келаётган XXI аср эҳтиёжи ҳамда аввалги таълим тизимининг бу эҳтиёжларга жавоб бера олиш даражаси, камчиликлари очиб берилмоғи керак бўлади.

Янги аср бўсағасида биз сифат жиҳатидан тамомила янги халқлар жамиятига, чуқур интеграциялашган иқтисодий маконга, ягона коммуникация ва ахборот тизимига кириш учун шахдам қадамларни босмоқдамиз. Ушбу жамиятда яшаб кетиш анчагина тайёргарликни, билимни талаб қилишини ҳам бугун англаб етдик. Босган қадамларимиз қатъиятли ва ишончли булиши

Агар мақсадсиз  
бўлсанг ҳеч нарса  
қилолмайсан,  
мақсадинг катта  
бўлмаса буюк иш  
қилолмайсан.

Дени ДИДРО

учун эса бизга замонавий бозор иқтисодиёти шароитида ишлай оладиган рақобатбардош кадрлар зарур.

Мустақиллик йиллари мазкур йўналишда талайгина ишлар амалга оширилганлиги ҳақида иккинчи фаслда батафсил тўхталган эдик. Аммо, таълим соҳасида, кадрлар тайёрлашда амалга оширилаётган бу ислоҳотлар бизларни қаноатлантирмади.


Олий Мажлиснинг IX сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқида таълим тизимида эришилган муваффақият ва камчиликларни объектив таҳлил қилиб, кадрлар тайёрлашда «революцион» ислоҳотга эҳтиёж борлигини исботлаб берди.

**Хўш, қандай пайтда революцион ислоҳотга эҳтиёж туғилади? Эски тизимнинг қайси жиҳатлари ривожланаётган давлатимизнинг талабларига жавоб бермай қолди?**

Аввало, нутқда таълим мазмуни «эски шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан бутунлай халос бўлмаган»лиги, айниқса, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанлар, эстетик йўналишдаги предметларни ўқитиш, тарбиявий-маърифий фаолият мазмуни ва уни ташкил этиш долзарб муаммо эканлиги таъкидланди. 1992 йилги «Таълим тўғрисида»ги Қонун ўз вақтида муҳим бўлган бўлса-да, аммо таълим тизимини ислоҳ қилишнинг амалий чоратadbирлари таълим-тарбия ва ўқув жараёнларининг таркибини, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксизликни таъминлаш муаммоларини еча олмади. Жумладан, илмий асосланмаган 11 йиллик умумий

*Улуғ ақл эгалари  
ўз олдиларига  
мақсад қўядилар,  
қолган одамлар  
ўз истаклари  
ортуган  
эргашадилар.*

Вошингтон  
ИРВИНГ



урта таълимга утилганлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

**Хўш, 11 йиллик таълимнинг камчиликлари нималардан иборат эди?**

Умумий ўрта таълим таркиб жиҳатдан уч босқичга бўлиниб, бошлангич (1—4 синфлар), таянч (5—9 синфлар) ва умумий ўрта таълим (10—11 синфлар)дан ташкил топган эди.

Бунда таълим тизими мазмунининг изчиллиги, узлуксизлиги, узвийлигининг дидактик тамойиллари, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш

ҳолатлари бузилди. Бундан ташқари, умумий ўрта таълимнинг давомийлик муддати 10 йилдан 11 йилга оширилганлиги сунъий бўлиб, мажбурий ўқув фанларининг сони ниҳоятда ошиб кетган, илмий жиҳатдан асосланмаган эди. Бунда мазкур фанлар мазмуни давлатимизда кечаётган демократик ва иқтисодий ўзгаришлар талабларига жавоб бермади. Ўқув режаларида ёшларга ахлоқ ва одоб, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий билимлар асосларини ургатадиган фанларга, хорижий тилларни урганишга етарли ўрин берилмади.

Энг асосий камчилик бу — ўсиб келаётган авлодни мустақил фикрлашга ўргатмаслик, меҳнат фаолиятига тайёрламаслик муаммосининг пайдо бўлганлиги эди. 9-синфни битираётган болаларимиз тақдири эътиборсиз қолдирилди. Республикамизда ҳар йили ўртача 450 мингдан ортиқ ўқувчи 9-синфни битиради. Уларнинг 250 минги (55%) юқори синфларда ўқишни давом эттирарди, 100 мингга яқини эса ҳунар-техника, ўрта махсус билим юртларига кириб ўқишни давом эттириш имкониятига эга эди. Натижада 100 мингдан ошиқ бола таълим олиш ёки меҳнат фаолиятига жалб қилинмасдан қолиб кетарди. На бир

аниқ мутахассисликни, на бир касбни, бирор бир меҳнат фаолияти кўникмаларини эгалламаган мактаб битирувчилари (жумладан 11-синфни битирганлар ҳам) ўз қобилияти, ҳаваси ва интилишларига мос, ҳаётда ўзига муносиб ўрин тополмади.

9 ва 11-синфлар даражасидаги таълим дастурларида иккита «узилиш» бор эди. Умумтаълим ва касб-ҳунар дастуридаги узлуксизлик, изчиллик иккинчи босқичда, яъни ҳунар-техника ва ўрта махсус таълим тизимида янада бузилди. Буни қуйида келтирилган схемада яққол кўриш мумкин. Шунингдек, Президентимизнинг юқорида таъкидланган нутқида айтилганидек «...билим ва тарбиянинг сифати, ўқувчилар олаётган жуда тор ихтисос-мутахассислиги, шу билан бирга, тарбиячи-ўқитувчилар малакасининг пастлиги, бу билим юртларининг умуман бугунги кун талабига жавоб бермаслиги» намоён бўлди.

Эски таълим тизимидаги юқорида таъкидланган қатор камчиликлар ва муаммоларни тугатиш истаги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг яратилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан тақлиф этилган узлуксиз таълимнинг тамомила янги тизими юқорида айтилган камчиликларни бартараф этиб, Ўзбекистон фуқароларининг XXI аср авлодини шакллантиришга шароит яратади.

Узлуксиз таълим тизимининг эски тизимдан устунлиги, илмий асосланганлиги ва кадрлар тайёрлашдаги мавжуд бўлган муаммоларни еча олишини яхши тасаввур қилиш учун келтирилган схемага муурожаат қилайлик.

*Илм кўпга*

*етказар,*


*Ҳунар эса кўкка.*

Ўзбек халқ мақоли


Ўзбекистон Республикасида мавжуд ва киритилаётган узлуксиз таълим тизимининг ўзаро қиёси

1-схема

а) мавжуд таълим тизими



б) киритилаётган узлуксиз таълим тизими



Мавжуд таълим тизимида, схемада кўрсатилганидек, умумтаълим дастурларининг икки жойида, яъни таянч (1-9 синфлари) таълим дастурлари билан умумий ўрта таълим ҳамда бошланғич ва ўрта махсус таълим тизими дастурлари уртасида «узилиш»лар мавжудлиги кўзга яққол ташланади. Бу узилишлар натижасида таълим дастурларининг узвийлиги бузилди. Натижада болаларимизнинг касб-ҳунарсиз кучада қолиб кетиши ҳоллари юз берди. Уқув фанлари дастурларининг бир-бирига номутаносиблиги, замон талабларига жавоб бермаслиги, уларда қайтариш ва такрорлашлар кўплиги ҳам унинг илмий асосланмаганидан далolat беради.

## БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Киритилаётган узлуксиз таълим тизимининг энг кўзга кўринган ютуқларидан бири ҳам айнан шу «узилиш»ларни йўқотишдан иборат бўлди.

### Хўш, бунга қандай эришилди?

Авваламбор, илмий асосланмаган 11 йиллик умумий урта таълим тизими 9 йиллик ўқув тизимига келтирилди. Унда ўқув фанларининг сони камайтирилиб самара берадиган даражага етказилди, ўқув дастурларидаги кўпгина такрорлашлар олиб ташланди, мазмун жиҳатдан ўқув фанини ўзлаштиришни қийинлаштирган баъзи боблар, қисмлар таълим дастурларининг юқори босқичларига ўтказилди.

2-схема



- 1 — узлуксиз таълимни олий таълим муассасаларида давом эттиришга асос бўладиган умумтаълим дастурлари
- 2 — фан предметлари бўйича чуқурлаштирилган академик лицейларнинг таълим дастури
- 3 — Касб-ҳунар коллежларининг йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган касб-ҳунар таълим дастурлари

Шу билан умумтаълим дастурлари кейинги таълим турлари — урта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизими дастурлари билан узаро уйғунлашиб узлуксиз таълим тизимини ташкил этди.



Таълимнинг  
янги модели  
жамиятга  
мустақил  
фикрловчи  
эркин  
Шахсининг  
шаклланишига  
олиб келади.  
Ўзининг қадр-  
қимматини  
англайдиган,  
иродаси  
бақувват,  
иймони  
бутун,  
ҳаётга аниқ  
мақсадга эга  
бўлган  
инсонларни  
тарбиялаш  
имконига эга  
бўламиз.

Ислом  
КАРИМОВ

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаган битирувчилар олий ўқув муассасаларига киришда бир хил имкониятларга эга бўладилар, яъни улар тенг ҳуқуқлидирлар.

Бу жиҳат 2-схемада 1 рақами билан белгиланган бўлиб, лицей ва коллежлар учун бир хил бўлган умумтаълим дастурларидир. Урнатилган умумтаълим дастурларини ўзлаштирган талабалар академик лицейларда (2) ўқув фанлари бўйича чуқурлаштирилган таълим дастурлари ва касб-ҳунар коллежларида (3) йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган касб-ҳунар дастурлари асосида билим оладилар.

Ўз навбатида кейинги босқич — олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришни хоҳламаган ёшларимиз ўз эгаллаган касб-корлари бўйича меҳнат бозорида фаолият курсатишлари мумкин бўлади.

Схемалардан кўриниб турибдики, киритилаётган янги таълим тизимининг ҳар томонлама ўйлаб тузилганлиги, илмий асосланганлиги боис афзалликлари бир талай. Иншооллоҳ, бу тизим ўз мевасини беражак. Бу ўзгаришларнинг ҳаммасига мустақиллигимиз сабаб бўлганлигини унутмаслигимиз лозим. Зеро, мустақиллик — бу ҳуқуқ. Мустақиллик — эркинлик. Танлаш эркинлиги...

Дарвоқе, айнан шу мезонларнинг юқорида келтирилган схемаларимизда ўз ўрнини тонганлигини кўришимиз мумкин.

Масалан, ёшларимиз ўқув жараёнида ўз ҳуқуқларини англаган ҳолда қобилиятлари, қизиқишлари ва хоҳишларига қараб танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Чунончи, лицей ёки коллежда ўқиш, улар таркибидаги маълум йуналишни танлаш ўқувчиларнинг ўзига ҳавола, бу уларнинг танлаш ҳуқуқини, демак уларнинг эркинлик ҳуқуқларини таъминлашдир.

Эркинлик ҳақида гап борди. Шу уринда юртбошимиз томонидан таклиф этилган миллий моделнинг илмийлигига фалсафий томондан ёндошадиган бўлсак, унда фалсафий қонуниятларни, айнан эркинлик деб номланадиган, мураккаб фалсафий категория ҳам инobatга олинганлигининг гувоҳи бўламиз.

Масалан, миллий дастурда шахснинг эркинлиги, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришга бирламчи эътибор берилган. Эркинлик таъминланган жамиятда фикр ривожланади, фикр ривожланиши эса жамиятнинг кучли бўлиши гаровидир. Эркинлик бир неча имкониятлардан танлаб олишни ўз ичига олади. Янги таълим тизимида ёшларимизга худди шундай имкониятлар яратилган, уларнинг, такрор айтамыз, эркинлик ҳуқуқлари таъминлангандир.

Давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган кадрлар тайёрлашнинг тубдан янги, ноёб, жаҳон тажрибасида мавжуд бўлмаган ушбу тизими ҳақиқатдан Ислом Каримовнинг илмий тафаккури натижаси, илмий жасоратидир.

Ёмонлик —  
бутун  
нуқсонлар  
мажмуидир.  
Дунёнинг  
ишлари  
сиёсатсиз  
тартибга  
тушмайди.  
Агар таълим-  
тарбия ва  
жазо  
тўғрисида  
қонун-қоида  
бўлмаса,  
мамлакат  
ишлари  
бузилади.

Ҳусайн Воиз  
КОШИФИЙ

Бу Президентимизнинг таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишдаги киритган **янгиликлари**, «**Ноу-Хау**»дир.

Мустақиллик янгича яшашни, янгича фикрлашни, ҳаётда ҳар бир фуқародан ўзига яраша муносиб ўрин эгаллашни, янги мафкура асосида янгича маънавиятни талаб этди. Талаб этибгина қолмасдан, жадал ўзгариб бораётган иқтисодий ва ижтимоий шароитда янгича уйлашга ва ҳаракат қилишга мажбур этмоқда.

Янгича ўқиш, янгича ишлашнинг узи булмайди. Шунинг учун ҳам бизга рақобатбардош, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи **ФОЗИЛ ИНСОНЛАР** керак. Дастурнинг асосий мақсади ҳам айнан баркамол авлодни тайёрлашдан иборатдир.

### **Вазифа тўғри англанса, орзуга етишмоқ осон кечади**

Нега «белгиланса» эмас, «англанса» дедик. Чунки ушбу вазифалар «**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури**»да белгилангандир.

Вазифа белгиланиб бажарилмай қолиб кетиши мумкин, қачонки уларни жамиятнинг ҳар бир фуқароси англаб етмаса, тушуниб олмаса... «Мана шу вазифаларни бажаришда ишпирок этмасам, болам — авлодларим баркамол шахс бўлолмайди, мени авлодларим ҳурмат билан тилга олмайди, **кечирмайди**» деб уйламаса... Бунинг гуноҳ тоши жуда оғир эмасми?

**Ҳўш, вазифалар нималардан иборат?**

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг вазифалари кенг қамровлидир.

*Ҳамма  
қобилият-  
ларнинг  
сарвари  
фикрdir.*

Уилям МЕТЎУЗ

Аввало, биз кадрлар тайёрлашда рақобатбардошликка асосланишимиз, яъни рақобат муҳитини шакллантиришимиз керак. Бундай муҳитни шакллантиришда эса ўқув муассасалари, илмий жамоалар ва ишлаб чиқариш ташкилотлари манфаатдор бўлишлари лозим. Аниқроғи, мазкур масалалар комплекс тарзда, барчанинг бевосита иштирокида ҳал этилиши зарур.

**Рақобат деганда нима тушунилади?** Бу сўзнинг луғавий маъноси «рақиб»ликка тақалиб, қандайдир нохуш кайфият қолдирса-да, бозор иқтисодиёти шароитида унинг турган-битгани фойдали. Беғараз рақобат жамият тараққиётини белгилайдиган омил ҳисобланади. Масалан, айти кунда бирор корхона раҳбарининг қайси университет эшигини «**тақиллатиб**» менга кадр керак, деб борганлигини ёки битирувчилар учун **навбатда турганлигини** эшитдингиз? Йўқ, бундай ҳаракатлар булмаган. «Берсанг оламан, бермасанг ўламан» мазмунида иш кўрилган.

**Рақобат мавжуд жойда қандай муҳит бўлади?** Юқоридаги орзуимиз амалга ошди, дейлик. Яъни, корхона раҳбарлари бирор таълим муассасасидан кадр сўраб қадами узилмаётганини кўрган бошқа таълим муассасаси раҳбари қай аҳволга тушади? У «нега менинг битирувчиларимга талаб йўқ», деб ўйлайдими-йўқми? «Менинг ундан нима кам?» деб куйинадими, ундан ўтишга йўл қидириб, ҳаракат қиладими? Мана шундай беғараз рақобат муҳитида, авваламбор таълим муассасаси ростланади, шаклланади ва натижада рақобатбардош кадрлар етишиб чиқади.

«Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошириладиган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш»

*Замон талабига  
мос мутахассис  
тайёрламоқчи  
эканмиз, биринчи  
навбатда ўқув  
юртларимизнинг  
шакли, қиёфаси ва  
таркиби, моддий  
базаси ҳам  
замонавий бўлиши  
шарт.*

Ислом ҚАРИМОВ

хам асосий вазифадир. Миллий дастурдан олинган бу иқтибос замирида чуқур маъно бор.

Таълим тизимини ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнига мослаш деганда ўқувчи миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштириши ва шулар асосида мустақил фикрлашга эга бўлиши, ўз ҳуқуқ ва бурчларини ўқиш жараёнида ўрганиб бориши тушунилади. Қонунлар мактабгача таълим муассасаларида ўзига хос ўйин орқали, умумтаълим мактабида боланинг қабул қилиш даражасига қараб ўргатилиши мумкин. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида эса қонунлар ўрганилиши конкретлаштирилади.

Масалан, фермерлик бўйича касб-ҳунар коллежида ўқиётган ҳар бир бўлажак кичик мутахассис — «Фермерлик тўғрисида»ги, «Ер тўғрисида»ги қатор қонунларни, банк билан ишлашни, шартнома тузишни, маркетинг қонуниятларини ва бошқа меъёрий ҳужжатларни билса ва уларга амал қилса жамиятда қандай ўзгариш содир бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг-чи?

Барча соҳаларда ишлайдиган оддий фуқародан бошлаб раҳбарларгача ҳамма-ҳаммаси қонун асосида ишлай ва яшай бошлайди. Ривожланган ҳуқуқий, демократик давлат шаклланади.

Юқорида таълим сифати, ҳуқуқий билимлар ҳақида гапирдик. Тасаввур қилинг: илми зур, катта ихтироларга қурби етадиган, қонунларни яхши ўзлаштирган мутахассис — маънавийатсиз, ахлоқсиз бўлса ундан нимани кутиш мумкин? Унинг яратган ихтиролари эзгуликка хизмат қиладими ёки қабоҳатгами? Давлатга етадиган фожеали зарарлар ҳақида ўйламасдан, келинг шу одамнинг атрофидагиларга зарари

*Илм намоёндаларига  
бахиллик қилма,  
зеро илм  
хазинадирки, ундан  
қанча фойдалансанг  
ҳам, бойликдан  
фарқли ўлароқ,  
барибир кўпайиб  
бораверади.*

Мажид ҲАВОФИЙ

ҳақида фикрлашайлик. У фақат уз манфаати ҳақида уйлайди. Ватан манфаати учун бирор нарсасини (жони у ёқда турсин) қурбон қила олмайди. У худбиндир. Унда фидойилик, Ватанга муҳаббат, миллат гурури каби хислатлар мавжуд эмас. У ота-бобосининг қандай хислатларга эга бўлганлигига бефарқ. Муҳтожларга ёрдам бермайди ва ҳоказо... Чунки унда бундай тарбия шаклланмаган.

Демак, навбатдаги вазифа: таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг энг самарали шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, уни ҳаётга жорий этишдир. Бу эса таълим муассасаларига, педагог ва мутахассис кадрлар сифатига алоҳида талаб қўяди.

Миллий дастурнинг вазифаларидан яна бири таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилишнинг ҳолис тизимини жорий этишдир.

Бу ҳолис тизим миллий дастурнинг амалга оширишида узининг алоҳида ўрнига эга.

Таълим муассасасида Миллий дастур талабларига жавоб бермайдиган жиҳатлар бўлсаю «айрим» камчиликлар юзаки саналса ёки «айтмаса ҳам бўлаверади» қабилда иш тутилса, бу ҳол шу даргоҳнинг ўзига ҳам, умуман жамиятга ҳам зарар етказди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да юқорида таъкидланган вазифалар, таълим сифати талаблари қаторида керакли назорат чоралари ҳам кузда тутилган.

Навбат уларни англаб олиш ва амалга оширишда. Демак бу тизимда оқиллик, ҳалоллик, ватан равнақи учун масъуллик бўлса тараққиёт ва кутилган натижа кафолатланади.

Билимга  
элтувчи ягона  
йўл, бу  
фаолиятдир.

Бернард ШОУ

**Бу вазифаларни бирдан бажариб бўладими?**

Маганий  
жамият  
шундай  
бўладики, шу  
мамлакат-  
нинг  
аҳолисидан  
бўлган ҳар  
бир одам  
касб-ҳунарда  
озод, ҳамма  
баб-баробар  
бўлади, ҳар  
ким ўзи  
устаган ёки  
танлаган  
касб-ҳунар  
билан  
шуғулланади.  
Одамлар чин  
маъноси  
билан озод  
бўладилар.

Абу Наср  
ФОРОБИЙ

Юртбошимиз олга сурган Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг бешта тамойилини яхши биласиз, албатта. Уларнинг бирида ислоҳотларни **босқичма-босқич** амалга ошириш белгиланган.

«**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури**»ни ҳам мазкур принципга асосан уч босқичда амалга ошириш мўлжалланган. Ҳар бир босқичнинг ўз олдига қўйган аниқ вазифалари бор. Уларнинг сифатли бажарилиши кейинги босқичнинг муваффақиятига сабаб бўлади.

Ҳозир биз биринчи босқичдамиз. Утиш даврини ўзига қамраб олган мазкур босқич **1997—2001 йилларни** ўз ичига олади. Миллий дастур қабул қилингандан кейин ўтган давр мобайнида унда белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилди ҳам. Жумладан, таълим бошқаруви органлари, ўқув муассасалари раҳбарлари ва ходимларининг эътибори таълим мазмунини такомиллаштиришга ҳамда янги, илғор педагогик технологияларни жорий этишга қаратилди.

Янги тизимнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими туғрисидаги Низом, умумий ўрта таълимнинг давлат стандартлари, ўқув предметлари бўйича замонавий талабларга жавоб берувчи

дастурлар ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатлари амалда қўллаш учун киритилгани ана шу ишлар жумласидандир.

Биринчи босқичда амалга ошириладиган энг асосий ишлардан бири — бу уч йиллик академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тизимига замин тайёрлашдан иборатдир. Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда айнан шу йуналишларни кадрлар билан таъминловчи мазкур таълим муассасаларининг жойлаштирилиши, уларни моддий ва молиявий таъминлашнинг **1999—2005 йилларга** мулжалланган дастури ишлаб чиқилди ва ҳукумат қарори билан тасдиқланди. Ҳар бир янги ташкил этиладиган лицей ва коллежларнинг йуналишлари бўйича ўзига хос махсус лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бунда маҳаллий шароитлар ҳисобга олиниб, ҳар бир туманда танлаб олинган ўзига хос лойиҳа бўйича лицей ва коллежларнинг ташкил этилиши режалаштирилган.

Ушбу дастурда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш, янгидан қуриш заруриятидан келиб чиққан ҳолда (ҳар бир вилоят, туман, қишлоқ миқёсида) уларнинг моддий базасини таъминлаш масалалари ўз ечимини топган.

*Афлотундан сўрадилар:  
ўқиш-  
ўрганиш  
тоқайгача  
иззат ва  
ҳурматга  
бўлғуси? У  
жавоб қилди:  
жоҳиллик  
нуқсон деб  
ҳисоблан-  
гунига қадар.*

*Жалолиддин  
ДАВОНИЙ*



Бу борада давлатимизнинг барча тузилмалари, ресурслари, иқтисодий имкониятлари ишга солинди.

Иккинчи босқичнинг охирида, яъни 2005 йилда миллий дастурда белгиланган вазифаларни тулиқ амалга оширишга эришамиз ҳамда ривожланишимизнинг ижтимоий-иқтисодий шароитидан келиб чиққан ҳолда унга тегишли узгартиришлар киритиш мўлжалланган.

Ва ниҳоят, учинчи босқичда (2005 йилдан кейин) кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш жараёнини амалга оширамиз.

### ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР

*Сизга ёш авлодга жуда катта ёрдам, ғамхўрлик кўрсатаётганингиз учун катта миннатдорчилигимизни билдирамиз!*

*Ва шунини ишонтириб айтамызки, ҳозирги етишаётган ёш авлод, яъни биз сизнинг Ўзбекистон Республикасини равақ топишида, гуллаб яшнашида қилаётган ишларингизни давом эттириб, сиз бораётган йўлдан бориб, жонажон Ватанимиз учун ўз билимимизни, кучимизни аямаймиз!*

*Ангрен шаҳри лицейининг ўқувчиси Фаррух Қорабоев.*

Одамлар  
ўқишдан  
тўхташлари билан  
фикрлашдан ҳам  
тўхтайдилар.

Дени ДИДРО

### Миллий модел нима?

Ҳар қандай мамлакатнинг кучи унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Салоҳиятга эса турли йўллар билан эришиш мумкин.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни тайёрлаш жараёнида

мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов мутахассислар билан учрашган пайтларида бу ҳақда гапириб, иккита мамлакатни мисол тариқасида келтирган эдилар. Булар Япония ва Америка Қўшма Штатлари.

Япония охириги 50 йил давомида энг ривожланган давлатлар қаторига қўшилди. У бунга нима асосида эришди? Асосий сабаб таълим тизимининг такомиллашгани ва шу билан бирга ёшларда уз таълим тизимига **ИШОНЧ** ҳосил қилганидир. Ваҳоланки мазкур мамлакатда тегишли ер ости ва ер усти бойликлар, яъни табиий бойликлар йўқ.

Америка Қўшма Штатлари дунёдаги кучли мамлакатлардан бири ҳисобланади. Аммо у ўзининг мавқеига бошқа йўл билан эришди. Америка кучли кадрларни, интеллектуал кучларни, асосан бошқа давлатлардан жалб қилиб олди.

Ўзбекистон Президенти шу каби мисолларни кўплаб келтириб, хулоса қилиб таъкидладиларки, биз кадрларни тайёрлашда ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлдан борамиз.

Ислом Каримов таъаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш **Миллий модели** қатор ноёб, такрорланмас ўзига хос хусусиятларга эга.

У Ўзбекистоннинг халқаро андозалардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган даражада, мустақил тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, айни пайтда ички инсоний сифатлари барқ уриб камолотга етган кадрларни тайёрлаш мақсадини кузлайди.

**Комил инсон ва етук малакали мутахассис!**

**Кадрлар тайёрлаш миллий моделмизнинг бош муддаоси шундан иборатдир.**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — Ислом Каримов

*Ўртамиёна оғам  
вақтни тез ўтказиш  
пайида бўлади,  
истеъдоғ эгаси эса  
ундан фойдаланиб  
қолишга уринади.*

**А. ШОПЕНГАУЭР**

томонидан ижтимоий онгга киритилган, давлатни, жамиятни ривожлантиришга хизмат қиладиган тамомила **янги тушунчадир**. Таълим-тарбия эса шу кенг қамровли вазифанинг таркибий бир қисмидир. Таълим-тарбия тизими кадрларнинг янги авлоди тафаккурини, онгини шакллантиришга хизмат қиладиган зарур бир соҳадир.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели, шу тариқа, фақат таълим-тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига боғлиқ бўлган купгина ҳаёт босқичларини уз ичига олади. Миллий моделimiz, бу — **шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришнинг** узвий бирлиги ва ҳамкорлиги, уларнинг узаро бир-бирига алоқасини акс эттиради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборатдир:

**шахс** — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

**давлат ва жамият** — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

**узлуксиз таълим** — малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини уз ичига олади;

**фан** — юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

*Ҳар қандай мушкул  
иш ақл эгалари  
туфайли ислоҳ  
қилинур.*

Аз-ЗАМАҲШАРИЙ

**иншаб чиқариш** — кадрларга булган эҳтиёжни, шунингдек уларни тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт узгаришларига мосланувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқлари, таълим, бола ҳуқуқи соҳасидаги шартномалар ва конвенцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳоннинг илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига дахлдор бўлиб, унинг ривожланиши омилларида биридир».

Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизнинг узагини ташкил этган Миллий моделимизнинг кенг қамровлиги ва ички яхлитлиги дунёда мавжуд бошқа моделлардан унинг **принципиал фарқи** жиҳатидир.

Миллий моделимиз концепциясининг мазмуни миллий турмуш тарзимиз ва маънавий-ахлоқий анъаналаримиз билан ҳамнафасдир.

Чунки бизда қадимдан «маърифатли инсон» тушунчаси анча кенг маънони англатади. Унутмаслигимиз керакки, **маърифат халқимиз, миллатимиз қонидадир**. Анъанавий шарқона қарашга кўра, маърифатлилик — фақат билим ва малақа эмас, айни пайтда чуқур маънавият ва гузал ахлоқ дегани ҳамдир. Халқимиз билимли, комил инсон деганида айнан шундай одамларни кўз олдига келтиради. Шунинг учун ҳам Кадрлар

*Бизга  
битурувчилар  
эмас, мактаб  
таълим ва  
тарбиясини  
кўрган шахслар  
керак.*

Ислом КАРИМОВ

*Инсоннинг  
қиммати эмас  
сийму зар.  
Инсоннинг  
қиммати илм ҳам  
ҳунар.*

БЕДИЛ

тайёрлаш миллий моделимизнинг бутун моҳияти миллий тарихимиз ва ҳаётимиз билан боғланиб кетган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда бевосита ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, такрорланмас, буюк тарихимиз, анъаналаримизга асосланган ва шу билан бирга ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган Кадрлар тайёрлаш миллий модели яратилди. **Дастуриимизнинг, моделимизнинг миллийлиги ҳам айнан шулардан иборатдир.**

Яна бир, ҳатто айтиш мумкинки, принципиал янги жиҳат шундаки, кўпгина бошқа давлатлардан фарқли уларок, бизнинг мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қуйилган вазифаларни амалга оширишнинг барча ЮКИ ДАВЛАТИМИЗ зиммасидадир. Яъни, мустақил ривожланишимизнинг илк йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ўтиш даврининг машҳур беш тамойилига асосан бу гал ҳам дастурни амалга оширишда бош ислоҳотчи сифатида давлатимизнинг ўзи катта масъулиятни ўз зиммасига олаётти.

Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий моделимиз ўз илмий салоҳияти, аҳамияти чуқур фалсафий маънога эга эканлиги билан халқаро миқёсда тан олинди ва ўз ўрнини топди.

Масалан, 1998 йил Австралияда келгуси аср таълими истиқболларига бағишланган «Осиё — Тинч океан минтақасида XXI асрда таълим муаммолари» деб номланган халқаро анжуманда таълимни ривожлантиришга қаратилган махсус давлат дастури фақат икки мамлакат — АҚШ ва Ўзбекистондагина мавжудлиги таъкидланди. Унда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг тақдироти бўлди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг

Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги нутқининг асосий мазмуни билан танишдилар. Қувончли жиҳати шундаки, анжуман ишгирокчилари мамлакатимизда ишлаб чиқилган янги таълим тизимининг аниқ концепцияси ҳар томонлама пухта урганганлигини, унинг амалга оширилиши эса дунёнинг кўпгина давлатларидаги кадрлар тайёрлаш соҳасида кечаётган ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшишини эътироф этишди.

\* \* \*

«Президент Ислам Каримов олға қараб ғоятда дадил қадам қўйди, у фақат мавжуд ютуқларни авайлаб, сақлабгина қолмай, айна пайтда таълимни яхшилаш йўлидаги фаолиятини изчил давом эттирди... Айниқса, тўққизинчи синфдан кейинги уч йиллик мажбурий таълим алоҳида эътиборни тортади. Миллий дастурда ўз ўрнини топган ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўзига хос янги намунаси ҳаётга кираётган ўсмирларнинг камида икки-уч замонавий касбни пухта эгаллаб чиқишига имконият яратади, бу таълим тури бизни қизиқтириб қўйди ва янги ўй-мушоҳадалар уйғотди. Чунки ғарбда бундай ўқув юртлари ҳали йўқ ва Ўзбекистоннинг бу тажрибаси турли мамлакатлардаги замонавий таълим тизимига жиддий ўзгартиришлар киритишга тurtки бўлди».

**Ф.Фанфанелли**  
Италиядаги Болонья  
университетининг  
проректори,  
профессор.

*Ёшларга миллий  
ватанпарварлик  
руҳида таълим-  
тарбия бериш  
бугунги куннинг  
жуддий  
вазифаларидан  
ҳисобланади.*

**ИСЛАМ КАРИМОВ**

### Узлуксиз таълимнинг таркибини биласизми?

*Кагрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан, такрорлайман, ҳар биримиздан астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади.*

Ислом  
КАРИМОВ

Биз янги аср ва янги бир цивилизациянинг бусагасида турибмиз. Мазкур цивилизациядаги булгуси ҳаётни бажорат қилиш мушкул. Аммо бир нарса аён. Бу цивилизацияда меҳнат қилиб узининг устида тинмай ишлайдиган, узлуксиз таълим оладиган, доимий равишда уз билим эҳтиёжларини қондириб, олган билимини оиласи, халқи ва давлати ривожланишига сарф қила оладиган шахсгина муносиб уринни эгаллаши мумкин. Шунинг учун ҳам Миллий моделimizда узлуксиз таълимга катта аҳамият берилган.

Миллий модел ҳақида ганирганимизда узлуксиз таълим ҳақида фикр юритгандик. **Узлуксиз таълим** — миллий моделimizнинг асосий таркибий қисмларидан биридир. Унга кура мамлакатimizда узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади. Узлуксиз таълим қуйидаги таълим турларини уз ичига олади: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

**Мактабгача таълим деганда  
фақат «боғча» тушуниладими?**

«Таълим тўғрисида»ги янги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинганига қадар ҳам биз мактабгача тарбия тўғрисида фикр юритиб келганмиз. Бугун эса бу масалага чуқурроқ, янгича ёндошмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, дастуримиз талабларига асосан мактабгача таълим тури — болани мактабга тайёрлаш билан бирга, уни соғлом бўлиб ўсишини таъминлайди, мунтазам таълим олишга тайёрлайди, унда ўқишга интилиш хиссини уйғотади.

Бизнинг мамлакатимизда янгича ижтимоий-иқтисодий шароитларда шаклланаётган мактабгача таълим тизими бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, бозор иқтисодиётининг ўтиш босқичи қийинчиликларига қарамасдан биз эришилган ижобий тажрибаларни сақлаш ва ривожлантириш йулидан бормоқдамиз.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг янги тармоғи шаклланиб бормоқда. Мисол тариқасида оилавий таълимнинг кўринишларидан бири «Хонадон боғчаси», шунингдек, «Фермер хужалиги боғчаси», «Болалар боғчаси — бошланғич мактаб» мажмуаларини келтириш мумкин. Болаларга хореография, тасвирий ва мусиқа санъати, компьютер саводхонлигини ўргатувчи

*Одам  
болаликдан  
яхшилик ва  
гўзаллик  
куртакларисиз  
ҳаётга қадам  
қўймаслиги  
керак,  
авлодларни  
ҳам яхшилик  
ва гўзаллик  
куртакларисиз  
ҳаётга ўўлаб  
бўлмайдиги.*

**Фёдор  
ДОСТОЕВСКИЙ**



гуруҳлар сони кундан-кунга купайиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси мактабгача ёшдаги фарзандларимизни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талаблари асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратмоқда.

Демак, фарзандларимиз оилада тарбия кўрадиларми, боғчаларга борадиларми охир-оқибатда мактабга тайёр булиб келишлари ҳам дастуримизда белгиланган асосий вазифалардан биридир.

### Мажбурий таълим неча йил?

Бу саволга биров 9 йил деб жавоб берса, бошқамиз 12 йил деймиз. Чунки бунинг мазмунини, аҳамиятини ҳозирча ҳаммамиз тўлиқ тушуниб етганимизча йўқ. Янги қонунимизга кўра Ўзбекистонда мажбурий-ихтиёрий таълим 12 йил. Нега унда икки хил тушунаёلمиз? Келинг, бунини аниқлаш учун тўққиз йиллик — умумий урта таълим ҳамда уч йиллик — урта махсус, касб-ҳунар таълими турлари ҳақида алоҳида-алоҳида фикр юритайлик.

Биз орзу қилган авлод пойдевори умумий урта таълим мактабларида қўйилади.

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг Республика Олий Мажлиси IX сессиясида сузлаган «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқида бошқа таълим турлари қатори умумий урта таълим мактаблари фаолияти ҳам жиддий танқид остига олинган эди. Жумладан, нутқда бошланғич таълимга иккинчи даражали иш деб қараб келинаётганлиги, уқувчиларда мустақил, эркин фикр юритиш қуникмалари

*Халқ учун нондан  
сўнг муҳими  
мактабдир.*

Жорж ДАНТОН

ҳосил қилинмаётганлиги, 11 йиллик ўқув тизими илмий жиҳатдан асосланмаганлиги ва бошқа камчиликлар айтилганди. Бунда энг асосий жиҳат — мактаб битирувчиларида касбга йўналтириш ва меҳнат фаолияти кўникмалари шаклланмай қолаётганлиги, йигит ва қизларимиз ўз қобилиятлари, истаклари, ижодий ва меҳнат мойилликларига монанд ҳолда ҳаёт йўлларини белгилаб олишда қийинчиликлар сезаётганликлари таъкидланган ва шу билан бирга умумий ўрта таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинган эди.

### **Хуш, улар нималардан иборат?**

Авваламбор, 9 йиллик умумий ўрта таълим турининг жорий этилишидир.

Иккинчиси, умумий ўрта таълимнинг давлат стандартларини, яъни умумий ўрта таълим мазмунини тубдан янгидан кўриб чиқиш масаласидир.

Мазкур давлат стандартлари таълимнинг зарур ва етарли даражаси ва ўқув юкламалари ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талабларини белгилаб беради.

Таълим мазмунининг зарурий ўзаги ҳисобланмиш таълим стандарти воситасида мамлакат ҳудудидаги турли ўқув муассасаларида таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарт амалга оширилади, ўқув юкламалари меъёрига келтирилади, ўқувчилар билимини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Ўқувчи давлат белгилаган таълим стандарти билан чекланиши мумкин ёки билимларни чуқурроқ эгаллаш мақсадида мустақил равишда, яъни кенгроқ, чуқурроқ билим олишга ва юқори рейтинг бали туплаш ҳуқуқига эга. Натижада, қийин ёки ўқувчи хуш

Кимки ўрганишни  
уят, ор демас,  
Сувдан дур топади,  
тошдан лаъл,  
олмос.

Низомий  
ГАНЖАВИЙ

курмайдиган предметни ўрганишда унга стандартда белгиланган меъёр билан чекланишга имкон берилади. Бунда ўқувчи ўзининг қизиқиши, хоҳиши, қобилиятини ва интилишларини рўёбга чиқаришга, ўзи учун энг мақбул йўлни онгли ва мустақил равишда танлаш имконига эга бўлади.

Давлат таълим стандартлари ўқув тарбия жараёнининг барча ишгирокчилари учун мажбурий тайёргарликка қўйиладиган талаблар очиқ булишини назарда тутди. Таълим олувчилар учун шакл ва мазмун жиҳатдан тушунарли тарзда ифода қилинган мазкур талаблар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига олдиндан маълум қилинади.

Давлат таълим стандарти талабларидан келиб чиққан ҳолда таълим дастурларининг замонавий янги авлодлари яратилди ва бевосита амалга ошириш мақсадида 1998/1999 ўқув йилида синовдан утказилмоқда.

Жорий этилаётган тизимда мустақил фикрлаш қобилиятини тарбиялашда ўқитувчи билан ўқувчи муносабатини тубдан ўзгартириш, яъни ўқув жараёнини **инсонпарварлаштириш** масаласи ута муҳимдир.

**Бу масала қандай ҳал этилади?**

Кутарилган масаланинг нозик жиҳатлари кўп. Чунки, бу бевосита ёшларимизнинг тафаккурига, онгига, руҳиятига таъсир этиш билан амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида янги педагогик технологияларни жорий этишни талаб этади. Масалан, ўқувчи қайси ўқув фанини ёқтириши, яхши, мукамал ўзлаштириши ва шу асосда мустақил фикрлаш қобилиятига эришиши мумкин? Бу ижодий муҳит барпо этилганда, ўқитувчи билан ўқувчи орасида ўзаро бир-бирига ҳурмат, ишонч ва ўзаро

*Тарбия ишида ўз-  
ўзини  
такомиллаштириш  
жараёнига катта  
ўрин берилмоғи  
лозим. Инсоният  
фақат мустақил  
ўрганиш  
туфайлигина  
тараққий этган.*

**Г.СПЕНСЕР**

шахс сифатида тан олиш ҳисси пайдо бўлгандагина намоён бўлади. Бу — дарс утиш жараёнида мунозара, баҳс, мулоқотлар каби усуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Муҳим масалалардан яна бири, ўқувчиларнинг лаёқатини, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтиришдир.

**Касб-хунарга йўналтириш кимнинг зиммасида? Бу вазифани ким бажаради?**

Бу вазифалар мактаб жамоаси ва ота-оналар ҳамкорлигида ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташҳис марказлари раҳбарлигида амалга оширилади. Ташҳис марказлари бизнинг мамлақтимизда биринчи маротаба ташкил этилди. Улар ўқувчиларнинг қобилиятлари ва мойилликларини аниқлашда; соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда ҳар йили тиббий-педагогик кўриклардан ўтказишда; ўқувчиларга ва уларнинг ота-оналарига психологик-педагогик ёрдам кўрсатишда; мактаб ўқувчиларига уларнинг қобилиятларини, касб-хунарга мойилликларини, қизиқишлари ва кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда академик лицейда ёки касб-хунар коллежида маълум йўналиш танлашда кўмаклашда ва тавсиялар беради.

### **Академик лицей нимаю, касб-хунар коллежи нима?**

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим тизимига киритилган уч йиллик урта махсус, касб-хунар таълимининг жорий этилиши том маънодаги янгилик бўлди. Юқорида мажбурий таълимнинг тўққиз йили ҳақида фикрлашдик. Ёшларимиз уни

*Ким хунарни деса, у  
доно бўлур,  
Нодонлар қудрат  
деб бойликни билур.*

Абдурахмон  
ЖОМИЙ

*Олтин ва кумуши  
бўлмаган одам  
камбағал эмас,  
балки эс-ҳуши ва  
касб-ҳунари  
бўлмаган киши  
камбағалдир.*

Мажид ҲАВОФИЙ

тугатганларидан сунг яна уч йил урта махсус, касб-ҳунар уқув юртлари — академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттирадилар. Мажбурийлик — бу икки йуналишдан бирида уқишни давом эттиришнинг шартлилиги. Ихтиёрийлик эса уқувчининг узи қизиққан ҳамда лаёқатига мос йуналишни (касб-корликни) эркин танлашидир.

**Хуш, академик лицей нимаю, касб-ҳунар коллежи нима?**

Энг аввало таъкидлаш жоизки, «Таълим тўғрисида»ги қонунга асосан академик лицей ва касб-

ҳунар коллежининг мақоми тенглаштирилган. Юқорида қайд этилгандай, уларнинг уқувчилари ва битирувчилари узларининг олий уқув юртига киришда ёки танлаган йуналиш буйича фаолият курсатишда, конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини амалга оширишда тенг ҳуқуқлидирлар. Шу билан бирга академик лицей ва касб-ҳунар коллежи уз олдига қўйган мақсадлари билан бир-биридан маълум маънода фарқ қилади.

**Академик лицейлар** уқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини, чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда уқитишни таъминлайди. Академик лицейларда уқувчилар узлари танлаган йуналиш буйича билимларини ошириши ва муайян фанлар асосларини чуқур, мукамал ушлаштириш имкониятига эга буладилар. Академик лицейлар асосан олий уқув юртлари қошида ташкил этилади.

Инсоннинг тафаккури, ақлий салоҳияти ижтимоий бойлик ҳисобланади. Улар ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини белгилайдиган омиллардир. Шундай фарзанд

ларимиз борки, улар умумий урта таълим жараёнида маълум йуналиш буйича ўзларининг иқтидорларини, истеъодларини намоён этадилар. Бу бойликдан оқилона фойдаланиш, уни туғри йуналтириш катта аҳамият касб этади. Академик лицейлар айнан шу мақсадни амалга оширишга, иқтидорли, истеъодли болаларни тарбиялашга хизмат қилади.

**Касб-ҳунар коллежлари** эса уқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини, лаёқатларини, билим ва куникмаларини чуқур ривожлантириш, уларнинг танлаган йуналишлари буйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллаш имконини беради.

Яхши касб-ҳунар эгаси бўлиш инсоннинг энг катта зийнати бўлиб, унинг бутун ҳаёти давомида жуда катта фойда келтиради. У фароғатга, камолотга етади ва ҳунар туфайли иззат-икром топади. Ўз фарзандларини илмли, ҳунарли қилиб вояга етказиш миллатимизга хос хислат бўлиб, ота-боболаримиз фарзандларининг саводини чиқариш, ҳунарли қилиш учун энг яхши усталарга шогирдликка берганлар, бошқа шаҳар ва юртларга билим олиш учун юборганлар. Халқимизда илму ҳунар доимо улуғланиб келинган, илмли, ҳунарли бўлишга доимо даъват қилинган. Бу туғрисида жуда кўп мақоллар, ҳикматлар ва ривоятлар мавжуд.

Ота ўз ўғлини ҳунар урганиш учун устага «эти сизга, суюғи бизга», деб топширар экан, фарзандининг уқимишли, яхши касб-ҳунар эгаси ва ўз касбининг қули гул устаси бўлишини истайди. Шогирд эса ўқиб, урганиб **устознинг оқ фотиҳаси билан уста сифатида иш бошлайди** ва у оқ фотиҳага умрбод содиқ бўлиб қолади. Бу демакки, ёшларимиз ҳар қандай шароитда олган билимларига хилоф иш қилмайдилар ҳамда ишларини

Ҳунар —  
ҳунардан унар.

Ўзбек халқ  
мақоли

Таълим  
тизимини  
ислоҳ қилиш  
вазифалари  
муваффа-  
қиятли ҳал  
этилса,  
ижтимоий  
сиёсий иқлим  
кескин  
ўзгаради,  
одамлар  
онгига  
демократик  
қадриятлар  
қарор топади.  
Инсон  
жамиятдаги  
ўрнини онгли  
равишда ўзи  
белгилайди.

Ислом  
КАРИМОВ

сифатсиз бажаришни узларига ҳеч қачон эп кўрмайдилар. Тараққиёт асоси айнан шундадир.

Касб-ҳунар коллежлари ишлаб турган ҳунар-техника билим юрглари, ўрта махсус ўқув юрглари ва бошқа таълим муассасалари негизида турли йўналишларда ташкил этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янгидан ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежлари олдинги ва ҳозирги кунда ишлаб турган билим юрглиридан ҳам мазмунан, ҳам шаклан тубдан фарқ қилади.

#### Хўш, бу фарқлар нималардан иборат?

Булар уз навбатида ўқувчиларни ўқишга қабул қилишдан бошлаб ўқув жараёнининг ташкил этилиши, мазмуни билан мезони ва пировард натижада бир неча касб-ҳунар эгаси — уста, кичик мутахассис бўлиб ўқишни тамомлашидан иборатдир. Ўқув жараёни жаҳон талабларига мос келувчи давлат таълим стандартлари, яъни замон талабларига жавоб берувчи, истиқбол ва келажакни кузлаб ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурлари асосида ташкил этилади. Касб-ҳунар коллежларида ўқув дастурлари олдинги ўқув босқичи — умумтаълим мактаблари ва кейинги поғонада турган олий ўқув юрглирининг ўқув дастурлари билан узаро муносибликда бўлиб, таълимнинг узлуксизлик ва изчиллик принципига амал қилади.

Шу билан бирга коллежлар педагогларининг савияси юқорилиги ва педагогик технологияларнинг янгилиги билан фарқ

қилади. Замоनावий билим бериш учун ўқитувчининг ўзи ана шундай билимга эга бўлиши керак. Шунинг учун педагог кадрларнинг обрў-эътиборини, ижтимоий мақомини, масъулиятини, малакасини оширишга ва замон талабларига мос ҳолда қайта тайёрлашга катта эътибор берилмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари замоनावий асбоб-ускуналар, ўқув-услубий қурооллар, кўргазмали воситалар, ахборот технологиялари ва компьютерлар билан жиҳозланиши билан ҳам тубдан фарқ қилади. Ўқув бинолари, устахоналар ташқи ҳамда ички кўринишининг чиройлилиги, кўркамлиги ва замоनावийлиги билан кескин ажралиб туради. Коллежларда касб-ҳунар турининг кўпчилиги, бугунги кун талабларига, иқтисодий ислоҳотлар эҳтиёжига жавоб бериши алоҳида аҳамиятлидир. Шуни таъкиллаш жоизки, касб-ҳунар коллежларида илгчи кадрлар эмас, балки кенг ихтисосликдаги кичик мутахассислар тайёрланади. Яна бир афзаллиги касб-ҳунар коллежларида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жуғрофий ва демографик шарт-шароитлари ва мутахассисларга булган маҳаллий эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда кадрлар тайёрланади. Шунингдек, кадрлар тайёрлаш ўқув жараёнида икки ёқлама (дуал) тизим асосида амалга оширилади. Ўқувчиларга бериладиган ишлаб чиқариш таълими ўқув муассасасининг замоनावий жиҳозланган устахоналарида ва корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти

*Ўқувчини  
меҳнат  
қилишга  
ўргат, уни  
нафақат  
меҳнатни  
севишга, у  
билан шундай  
уйғунлашишга  
кўниктир-  
гинки, токи  
меҳнат унинг  
вужудига  
сингиб кетсин,  
уни шунга  
ўргатки, унинг  
учун ўз кучи  
билан бирон-  
бир нарсани  
билиб  
ололмаслик  
ақлга  
сизмайдиган  
ҳолат  
ҳисоблансин.*

ДИСТЕРВЕРГ



билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади. Шу билан бир қаторда умумий билимлар асосларини бериш, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассис бўлиб етишиши учун берилаётган таълим миллий қадриятларимизга ҳурмат, мустақил давлатимизга содиқлик ва ифтихор туйғулари руҳидаги тарбия билан муштаракликда амалга оширилади.

Айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш олдинги «ПТУ»лардагидек хужакурсинга, режа учун эмас, балки аввало давлатимиз равнақини, қолаверса, шахснинг бахт-саодати, келажаги ва тақдирини кўзлаб ташкил этилади.

Фараз қилинг, ёшларимиз 12 йиллик таълимни умумий билимлар асосларига ҳамда бир неча замонавий касб-ҳунарга эга булган ҳолда тамомлайдилар. Мустақил ҳаёт бошида турган йигит-қизларимизнинг олган мутахассисликлари бўйича меҳнат қилишлари ёки олий ўқув юрklarига ўқишга кириб таълимни давом эттиришлари учун шароит яратилади. Энг асосийси, бозор иқтисодиёти шароитида ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш таъминланади.

**Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш қандай амалга оширилади?**

Бу умумий ўрта мактабнинг 9-синфи битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси натижасига биноан, ўқувчи томонидан йиғилган рейтинг кўрсаткичлари ҳамда педагогик-психологик Тапҳис марказлари тавсиялари асосида ўқувчи академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежининг маълум йўналишида ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади.

*Тараққиёт  
тасодиф  
эмас, балки  
заруриятдир.*

**Виктор ГЮГО**

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

*Сизнинг ташаббусингиз билан академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этилиши биз ёшлардан янада юксак масъулият талаб этади. Бизлар ҳам Сизнинг ушбу гамхўрлигингизга лаббай деб жавоб бермоғимизни чин юракдан хис қилмоқдамиз.*

*А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги «Иқтидорли болалар лицейи» ўқувчилари.  
1998 йил 19 март.*

**Олий таълимни ислох  
қилиш омиллари  
нималардан иборат?**

Саволга жавоб беришдан аввал собиқ шўролар даврини эслайлик. Унда олий таълим тизимида билимнинг эмас, дипломнинг роли ҳаддан ташқари ошириб юборилган, унга жамиятда маълум бир юқори мавқени эгаллаш учун хизмат қиладиган ҳужжат сифатида қаралар эди. Юқори, чуқур билимлар олиш хоҳиши эмас, билъакс айнан шу дипломни қандай йуллар билан бўлмасин «қўлга киритиш» ёшларнинг ҳам, уларнинг оналарининг ҳам асосий мақсадига айланиб қолган эди. Шунинг учун ҳам аксарият талабаларнинг ўқув жараёнига бўлган муносабати юзаки эди. Уқитувчилар ҳам узларининг фаолиятларини такомиллаштириш масалаларига «қул учи»да қараб келардилар.

*Ҳар қандай  
одамга унинг  
қилган ишларига  
қараб баҳо бериш  
керак.*

СЕРВАНТЕС

Кадрлар тайёрлаш миллий моделида олий таълим махсус урин эгаллайди ҳамда узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури ҳисобланади.

Олий таълимнинг мақсади республикамининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожини таъминлашга, ўзи танлаган мутахассислик бўйича бозор иқтисодиёти шароитида мустақил ишлашга лаёқатли, юқори малакали, рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатдир. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да олий таълим олдида қўйилган вазифаларнинг ижроси собиқ шўролар давридан қолган, юқорида таъкидланган муносабатларга чек қўяди, мустақил Ўзбекистон таълим тизимини тамомила янги босқичга кўтаришга имкон яратади.

#### **Бундаги асосий вазифалар нималардан иборат?**

Аввало, давлат таълим стандартлари асосида рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрланади.

Булажак кадрларда чуқур ва мустаҳкам билимларни шакллантириш, миллий истиқлол ғояларига садоқатни, Ватанга муҳаббатни, бу йўлдаги фидойиликни тарбиялашни давом эттириш ҳам олий таълимнинг асосий вазифаларидандир.

Бундан ташқари фан, техника ва технологияларни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, олинган натижалардан таълим жараёнида унумли фойдаланмасдан, ўқитиш амалиётига янги педагогик ва информацион технологияларни киритмасдан юқорида таъкидланган натижага эришиш мушкул.

Бу асосий принципларга аввало, таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги ва демократиклиги, университет таълимининг устуворлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар

*Дипломга эга  
бўлиш — бу ҳали  
том маънодаги  
зиёли дегани эмас.*

*Зиёли одам ўз  
тафаккур савияси,  
пок юраги, ички  
маданияти билан  
мутлақо бўлакча  
инсон бўлади.*

Ислон КАРИМОВ

таълими, олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг узлуксизлиги ва ворисийлиги, таълим тизимининг дунёвий характерга эга эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида олий таълимнинг ҳамма учун очиқлиги, талант ва иқтидорликни рағбатлантириш, олий таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувининг уйғунлашуви, олий таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси ва бошқалар киради.

*Дарс ила тарбия  
орасида бир оз  
фарқ бор бўлса  
ҳам, иккиси бир-  
биридан  
айрилмайдурган,  
бирининг вужуди  
бирига бойланган  
жон ила тан  
кабидур.*  
Абдулла АВАОНИЙ

### **Давлат грантлари ва тўлов-контракт усулидаги қабул деганда нима тушунилади?**

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, давлат таълим стандартлари доирасида олий маълумот олиш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун очиқдир. Бундай имконият икки йўл билан амалга оширилади.

Бирламчиси—бу давлат грантлари, яъни талабаларнинг ўқиш учун зарур бўлган харажатларини давлат ўз зиммасига олади. Грантлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида олий малакали кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб белгиланади. Таъкидлаш жоизки, Президент Фармонида асосан халқаро ва республика фан олимпиадалари, халқаро мусобақалар ғолиблари олий ўқув юртларига тест синовларисиз кириш ҳуқуқига эгадирлар.

Ёшларимиз, ўз навбатида тўлов-контракт шаклида ҳам олий ўқув юртларида ўқишлари мумкин. Бу нима дегани? Олий

*Ўз ишини топа  
олган одам  
саодатлидир;  
у бошқа саодатни  
ахтармай қўя  
қолсин. Унинг  
қиладиган иши ва  
яшашдан мақсади  
бор.*

Т.КАРЛЕЙЛЬ

маълумот олиш истагида булган ёшлар тегишли ўқув юртлари маъмуриятлари билан шартнома тузадилар. Шартномада ҳар иккала томоннинг вазифалари белгилаб олинади. Талабалик сафига тест синовлари натижалари ёки грантлардан сўнг баллар кетма-кетлиги (рейтинг) асосида қабул қилинган абитуриентлар белгиланган миқдордаги маблағни олий ўқув юрти ҳисобига ўтказадилар. Тегишли маблағни талаба учун муассасалар, корхоналар, фирмалар ва бошқа ташкилотлар ҳам ўтказишлари мумкин. Тулов-контракт шаклида

ўқиш қоидалари ва шартлари давлат томонидан мавжуд қонунчиликка асосланган ҳолда белгиланади.

Контрактдан тушган маблағлар олий ўқув юртининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, педагог ходимларни рағбатлантириш, талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бошқа мақсадларда фойдаланилади.

### **Бакалаврият нима? Магистратурачи?**

Бу саволларга жавоб беришдан аввал «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан кичик иқтибос: «**Олий таълим ўрта махсус касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки (бакалаврият ва магистратура) босқичига эга.**»

Демак олий таълимга академик лицей ва касб-ҳунар коллежини тугатган шахсларгина қабул қилинади. Яъни, юқорида айтилганидек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим йуналишларидан бирини тугатган мамлакатимиз фуқаролари олий ўқув юртларига киришда бир хил ҳуқуққа эгадирлар. Энди сарлавҳадаги саволга келсак.

**Бакалаврият**— мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимидир.

Бакалаврлик дастури тугалланганидан сўнг битирувчиларга давлат аттестацияси якунларига биноан касб йўналиши бўйича «бакалавр» даражаси берилади ва ҳукумат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

**Хуш, бундай дипломли мутахассис қандай ҳуқуқларга эга? Аввало, у қай даражада мутахассис, унинг ишлаб чиқаришдаги ўрни қандай?**

Бакалавр даражасига эга бўлган шахс олий таълим тизими йўналишидаги ўзи танлаган соҳа бўйича олий маълумотли мутахассис ҳисобланади ва давлат Классификаторида белгиланган лавозимда ишлаш ҳуқуқига эга бўлади. Энди, у қай даражада мутахассис эканлигига давлат стандарти жавоб беради, яъни маълум мутахассисликнинг давлат стандартларида касб-ҳунар дастурлари салмоғининг қай даражадалигига боғлиқ.

**Магистратура** — аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир. Ундаги таҳсил якуний квалификацион давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш билан ниҳоясига етказилади. Магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади.

Бунда ҳам юқоридаги саволлар такрорланади. Магистр бакалавр даражасидан фарқли равишда маълум ихтисослик бўйича юқори малакали

*Ҳунарни асрабон  
нетгумдур охир,  
Олиб туфроғгаму  
кетгумдур охир.*

Алишер НАВОЙЙ

*Илм ва  
хунарсиз  
халқнинг  
бойлиги, ери  
ва асбоби  
кундан-кун  
қулидан  
кетганидек,  
ахлоқ ва  
обруйи ҳам  
қулдан чиқар,  
ҳатто дини  
ҳам заиф  
булур.*

Маҳмудхўжа  
БЕҲБУДИЙ

мутахассис ҳисобланиб, у илм-фан соҳасида, ишлаб чиқаришнинг масъулиятли лавозимларида фаолият кўрсатади. У аспирантурага кириш ҳуқуқига эга булади.

**Ўзбекистон Республикасида қандай даражадаги олий таълим муассасалари бор, биласизми?**

Улар қуйидагилар:

**университет** — кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширишга имкон беради;

**академия** — кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг аниқ соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади;

**институт** — билимларнинг битта соҳаси доирасида аниқ йўналишлар бўйича олий ва қоидага кўра олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширади.

Олий таълим муассасаларида факультетлар, булимлар, кафедралар ва талабаларнинг академик гуруҳлари шаклланади.

Идоравий бўйсунуш ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча олий таълим муассасалари ҳамда уларнинг профессор-ўқитувчилар таркиби республика ҳукумати белгилаган тартибда аттестациядан ўтадилар.

Давлат тасарруфида булмаган олий таълим муассасалари таълим фаолияти ҳуқуқини фақатгина давлат аккредита-

циясидан ўтгандан бошлаб қўлга кири-тадилар. Шу билан бирга Олий таълим муассасалари аттестация натижаларига кўра давлат аккредитациясидан маҳрум этилишлари ҳам мумкин.

**Ислом Каримов** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида олий таълимни ташкил қилиш тўғрисида қуйидаги фикрни билдирган эдилар:

«Олий ўқув юртини ислоҳ қилаётганда, уларни бошқа давлатлардаги олий ўқув юртлари билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур. Ўз домлаларимиз билан чекланиб қолмай, четдан ҳам домлалар чақиришни йўлга қўйишимиз керак.

... Етук савияли домлаларни тайёрлаш бўйича махсус бир фонд тапкил этиш керак. Биз шу фонд орқали домлаларни, Ўзбекистон профессорларини чет мамлакатларга юбориб, малакасини ошириб келишига имконият яратишимиз керак.

Улар чет элларда малакасини оширсин, донғи чиққан университетларда ўзлари лекциялар ўқисин, тажриба орттирсин, мана шундан кейин Ўзбекистоннинг обрўи — номи оламга овоза бўлади, иншооллоҳ!»

Қисқа муддатларда мазкур йўналишда белгиланган вазифаларни амалга оширишга киришилди. «Устоз» жамғармасининг ташкил этилганлиги, кейинги бир йил ичида юзлаб профессор-ўқитувчиларнинг ривожланган демократик чет мамлакатларнинг нуфузли университетларига

*Ўқиш санъати  
ўзганинг  
хийлагина  
кўмаги  
ёрғамига фикр  
юритиш  
санъатидир.  
Ўқиш ўзга  
билан  
биргаликда  
фикрлаш,  
ўзганинг  
фикрини  
мулоҳаза қилиб  
кўриш,  
ўзимизнинг  
фикрларимизга  
ўхшаш ва унга  
зид фикрларни  
хаёлдан  
ўтказиш  
демакдир.*

Эмил ФАГЭ



Олий ўқув юртини  
ислоҳ қилаётганда,  
уларни бошқа  
давлатлардаги олий  
ўқув юртлари билан  
алоқасини  
мустаҳкамлаш зарур. Ўз  
домлаларимиз билан  
чекланиб қолмай, четдан  
ҳам домлалар чақиришни  
йўлга қўйишимиз керак.

Ислом КАРИМОВ

юборилиши бунинг яққол далилидир.

Дарвоқе, устозларнинг, мутахассисларнинг ривожланган хорижий давлатларда малакаларини оширишлари ҳам бир пайтлар Ўзбекистон Президентининг орзуси эди. Дарҳақиқат, мустақиллик орзулар рўеби, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» эса орзуга эришмоқ йўлидир.

**Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида қандай маълумотларга эгасиз?**

Мазкур таълим турининг вазифаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қуйидагича аниқ белгиланган: «Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларни қондиришга, шахснинг ижодий таълим—касб-ҳунар маиғаатларини қаноатлантиришга ва узлуксиз таълим тизимини таъминлашга қаратилган».

*Хўш, узлуксиз таълимнинг бу турига нималар киради, нима учун унга алоҳида эътибор берилаётир?*

Олий ўқув юртидан кейинги таълим икки даражада амалга оширилади.

Биринчи даража **аспирантура** бўлиб, магистрлик негизида 3 йил (4 йил сиртқи) давом этади.

Иккинчи даража **докторантура** ҳам 3 йил давом этади, аммо фан номзоди илмий даражаси негизида.

Иккала даражанинг ҳам мақсади—муайян мутахассисликлар бўйича олий тоифали илмий ва илмий-педагогик кадрларни шакллантиришдан иборатдир. Диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилганларга биринчи даража якунлари

буйича «фан номзоди», иккинчи даража яқунлари буйича эса «фан доктори» илмий даражаси берилади.

Бундай таълим турлари фақат бизнинг Миллий моделга хосдир ва шу жиҳатдан дунё миқёсида бетакрордир.

Узлуксиз таълим тизимининг турларидан яна бири — кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашдир.

**Мутахассисларни қайта тайёрлаш  
тизимининг ислохотларни амалга  
оширишдаги роли нималардан  
иборат?**

Илмий-техникавий тараққиёт шу қадар жадал суръатлар билан ривожланмоқдаки, мутахассисларнинг касбий билимлари ҳар йили маълум даражада қадрсизланмоқда ҳамда уларни тез-тез янгилаш эҳтиёжи сезилмоқда. Бозор иқтисодиёти, рақобат шароитида, техника ва технологиялар жадал ўзгараётган шароитда кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш катта аҳамият касб этади.

Миллий дастур талабларига асосан кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган даражага етказишга қаратилган.

Демак, таълим тизимининг «консервативлиги» ҳаммага аён, шунинг учун ҳам замонавий талабларга тезроқ жавоб беришда мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимининг моҳияти, мақсад ва вазифалари муҳимдир.

*Умрнинг бутун  
маъноси  
мавҳумликни  
тўхтовсиз  
забт этиш,  
тобора ва  
ҳамиша кўпроқ  
билишга  
интилишдир.*

Эмил ЗОЛЯ

**Янги шароитда мазкур тизим қандай принципларга асосланади?**

Аввало, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизими ихчам бўлиб ҳар бир ходимнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олади, яъни шахсийлаштирилади.

Бундан ташқари ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга булган эҳтиёжларини ўрганиш ва уларни оқилона қондириш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини табақалаштириш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш натижалари асосида ходимларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш, мазкур жараёнларни ташкил этишнинг давлат, жамият ва нодавлат шакллари бирга қўшиб олиб бориш кабилар қайта тайёрлаш таълим турининг асосий вазифалари ҳисобланади.

**Қайта тайёрлаш қаерларда амалга оширилади?**

Мутахассисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш университетларда, малака ошириш институтларида ва профессионал қайта тайёрлаш ҳуқуқига эга булган уқув марказларида амалга оширилади. Мазкур жараён ишлаб

чиқаришдан ажралган ҳолда ва қисман ажралмаган ҳолда бўлиши мумкин. Унинг шакли малака ошириш таълим муассасаси томонидан таълим дастурининг муракқаблиги эътиборга олинган ҳолда ва буюртмачининг у билан тузилган шартномаси асосидаги эҳтиёжларига мувофиқ равишда белгиланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасаси уқув жараёнини мақсадли ташкил этиш, таълимнинг шакли, услублари ва технологиясини танлаш йули билан тингловчиларга таълим дастур-

*Агар инсон бирор  
касбни мукамал  
эгалласа, меҳнат  
унга ҳузур  
бағишлайди,  
бахт келтиради.*

Андре МОРУА

ларини узлаштиришлари учун зарур шароитлар яратилади. Мазкур дастурлар малака ошириш таълим муассасалари томонидан буюртмачи эҳтиёжларини ва шунингдек қўшимча касб таълими дастурлари мазмуни олдига қўйилган давлат талабларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади, тасдиқланади ва амалга оширилади.

Мутахассисларни профессионал қайта тайёрлаш жараёни якуний давлат аттестацияси билан тугалланади. Аттестацияни ўтказиш тартиби таълимни бошқариш бўйича тегишли давлат органлари томонидан белгиланади.

Уқув режасининг барча талабларини бажарган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган тингловчилар қайта тайёргарлик ва малака оширишдан ўтганлиги ҳақида белгиланган намунадаги диплом ёки сертификат оладилар.

Мутахассисларни профессионал қайта тайёрлаш, уларни замонавий талаблар доирасидан чиқиб қолмаслигини, жамиятда уз уринларини эгаллаш имкониятига эга бўлишини ва кенг маънода инсон ҳуқуқларини ҳимоялашни таъминлайди.

*Сусткашлик осон  
ишни мушкуллаш-  
тиради, қийин ишни  
эса, чорасиз бир  
аҳволга олиб келади.*

М.ЛОРИМЕР

### Боланинг бўш вақти...

Мамлакатимизда жорий этилаётган узлуксиз таълим тизимида мактабдан ташқари таълимнинг узига хос урни бор. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, болалар ва успиринларнинг таълимга бўлган, якка тартибдаги, ортиб борувчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш, жамиятдаги барқарорликни, маънавий

*Болаларингизга  
яхшиликни  
сингдириб  
ўстиринг,  
уларга бахтни  
фақатгина шу  
фазилат  
беради.*

Людвиг ван  
БЕТХОВЕН

баркамолликни таъминлашда жуда муҳимдир.

Бундай шароитда ҳудудлардаги мактабдан ташқари муассасалар имкониятларидан унумли фойдаланиш кузда тутилган. Ёшларимизга таълим бериш ва уларни камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини, масалан, халқ ҳунармандчилиги билан шуғулланадиган «Устоз-шогирд» гуруҳларини кўпайтириш талаб этилади. Қолаверса, ўқувчиларнинг буш вақтини ташкил этишнинг, шу жумладан оммавий спорт ва

жисмоний тарбия—соғломлаштириш тадбирларининг, болалар туризмнинг, спортнинг бошқа миллий турлари ва шакллари тикланади ҳамда амалиётга жорий этилади. Айниқса миллий спорт ўйинлари ҳақида маълумотлар йиғиш, уларни бойитиш ва шулар асосида ёшларимиз уртасида кенг ташвиқот қилиш кун тартибидаги долзарб масалалардан биридир. Шунингдек, мактабдан ташқари таълим йўналишида миллий педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибаларни инобатга олувчи дастурлар ва услубий материалларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ҳам муҳим маънога эга.

### **Фаннинг кадрлар тайёрлашдаги ўрни нималардан иборат?**

Юртбошимиз «Мулоқот» журнали саҳифаларида чоп этилган «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарларида шундай деган эдилар:

*«Умуман, мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Фаннинг вазифаси келажакимизнинг шаклу шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини, табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб боришдан иборат, деб тушунаман. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий қонуният эканини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётининг олға силжитувчи кучи, воситаси бўлмоғи лозим».*

Иқтисоди ривожланган, демократик жамият қуришнинг янги стратегияси фаннинг ҳам мазкур тизимда тутган ўрни ва ролини тубдан қайта қуришни, унинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш заруратини илғари суради.

Биз бу ерда умуман илм-фан ҳақида эмас, балки илм-фаннинг бевосита кадрлар тайёрлашдаги ўрни ҳақида фикр юритамиз.

**Хўш, илм-фаннинг Миллий моделдаги ўрни нималардан иборат?**

Авваламбор, таълим тизими-га етук илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаб беради.

Фан — таълим мазмунини тубдан янгилашда: таълим стандартлари, таълим дастурлари, ўқув дарсликлари ва қўлланмалар тайёрлашда, илмий-методик таъминотни амалга оширишда бевосита ва билвосита ишгирок этади.

Қолаверса, фан кадрлар тайёрлашда буюртмачи сифатида илмий изланишларни бевосита ўқув жараёни билан мутаносиблаштиришга эришади.

Фан

олға силжиган  
сайин бетўхтов  
янгилашиб  
боради.

Виктор ГЮГО

Фан  
ватаннинг  
энг кичик  
қиёфаси  
булмоғи  
зарур,  
зотан  
барча  
халқлар  
ичида фикр  
ва ақлий  
фаолият  
соҳасида  
бошқалардан  
ўзиб кетган  
халқина  
биринчи  
ўринни  
олади.

Луи  
ПАСТЕР

Шу боис, мавжуд илмий, илмий-педагогик салоҳият ва моддий-техник базадан кадрлар тайёрлашда самарали фойдаланиш асосий вазифаларга киради.

Мазкур вазифалар «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган бўлиб, кадрлар тайёрлаш миллий тизимида табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари тўғрисидаги янги фундаментал ва амалий билимлардан фойдаланишни, юқори малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар таркибини шакллантиришни, улардан таълим тизимида унумли фойдаланишни, шунингдек, кадрлар тайёрлаш жараёнининг илмий тадқиқотлар инфраструктурасини яратиш, таълимнинг ахборот тармоқларида фойдаланиш учун билимнинг турли соҳалари бўйича ахборот базасини шакллантиришни ҳамда илмий тадқиқотлар даражасига янгича қарашлар замирида ёш олимларнинг, илмий-педагогик ходимларнинг ижтимоий мавқеи ва обрусини оширишни ва шу кабиларни қамраб олади.

### Ишлаб чиқаришнинг кадрлар тайёрлашга таъсири

Миллий моделда ишлаб чиқариш кадрлар тайёрлаш тизимининг тенг ҳуқуқли компонентларидан бири сифатида майдонга чиқади. Чунки, ишлаб чиқариш

билан кадрлар тайёрлаш тизими ўртасида бевосита туғридан-туғри ва қайта алоқалар мавжуд.

**Ишлаб чиқариш** кадрлар тайёрлаш тизимида буюртмачи ва истеъмолчи функцияларни бажариб, тегишли соҳалар учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида фаол иштирок этади.

**Ишлаб чиқариш** кадрлар тайёрлаш тизимида тенг шерик сифатида иштирок этади ва узига хос бўлган аниқ вазифаларни бажаришга қаратилади. Яъни, кадрлар тайёрлашга бўлган ижтимоий буюртмани шакллантиришда алоҳида ўринга эга.

Касб-ҳунарга тайёрлашнинг мақсади, вазифаси ва мазмунини аниқлашда бевосита иштирок этиб уз фикр-мулоҳазалари, малакавий талаблари билан таълим тизимини шакллантиришда фаол иштирок этади, таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мажмуа тарзидаги интеграцияси учун тегишли шароитлар яратади.

Кадрларнинг ўқиши, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш эҳтиёжлари учун ўзининг ихтиёридаги моддий-техника, молиявий, кадрлар ва бошқа ресурсларини тақдим этади.

**Ишлаб чиқариш** муассис, ҳомий ва бошқа сифатларда алоҳида мутахассисларни тайёрлашни, гуруҳларни ва уқув юртларини молиялаш жараёнида иштирок этиб, мутахассисларнинг касбий

Ҳар қайси  
инсон Оллоҳ  
таоло ато  
этган ноёб  
қобилият ва  
истеъдодини  
аввало ўзи  
учун,  
оиласининг,  
миллати ва  
халқининг,  
давлатининг  
фаровонлиги,  
бахт-  
саодати,  
манфаати  
учун тўлиқ  
бахшига  
этса, бундай  
жамият шу  
қадар кучли  
тараққиётга  
эришадиги,  
унинг суръат  
ва  
самарасини  
ҳатто  
тасаввур  
қилиш ҳам  
осон эмас.

Ислом  
КАРИМОВ



Фақат  
ҳаракатгина  
эзгуликнинг  
ҳақиқий қадр  
қимматини  
белгилайди.

ЦИЦЕРОН

ривожланиши ва шахсий фаоллигини рағбатлантиради, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда бевосита иштирок этади.

Учинчи фаслда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», унинг асоси бўлмиш миллий модел баҳоли қудрат изоҳланди. Хуш, ушбу дастуримизда кўрсатилган вазифаларнинг ижроси қандай натижаларга олиб келиши мумкин, деган савол туғилиши табиийдир. Буниси энди алоҳида фаслнинг мавзуси.

*Тўртинчи фасл*

**БАРКАМОЛ АВЛОД ЁХУД  
«ПОРТЛАШ ЭФФЕКТИ» НИМА?**

**Портлаш «эффекти» нима?**

Биринчи фаслимизда қомусий олим Абу Наср Форобий орзусидаги авлод—**фозил фуқаро** ҳақида тўхталган эдик. Учинчи фаслимизда эса ШАХСларни тарбиялашга, етук мутахассисни тайёрлашга хизмат қиладиган давлатимизнинг **«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»**га эътиборни қаратдик. Ниятлар бирига ухшаш. Ахир бугунги авлод томирида аждодлар қони оқмоқда. Маърифатга интилиш, маърифий жамият куриш истаги, орзуси бизнинг қонимизда азал-азалдан яшаб келмоқда.

Бироқ бугунги амалга оширилган ишларнинг боболаримиз орзуларидан фарқли жойлари мавжуд.

Биринчидан, боболар ОРЗУ қилган бўлсалар, бугунги кун бу орзуларни рўёбга чиқариш **ДАВЛАТ ДАСТУРИ** ишлаб чиқилиб, у давлат сиёсати даражасида **босқичма-босқич амалга оширилмоқда.**

Иккинчидан, юқоридаги фикрни келтириб чиқарадиган асосий сабаб бор. Форобий **бир олим** сифатида маърифатли жамият ғоясини илгари сурди ва у ғоя қонимизда орзу бўлиб оқди,

*Тафаккур буюк  
фазилатдир ва  
одамнинг донолиги  
ҳақиқатни  
айтишида,  
табиатга қулоқ  
солган ҳолда унга  
мувофиқ ҳаракат  
қилишидадир.*

**ГЕРАКЛИТ**

китобларда орзу булиб муҳрланди. Бугунги маърифатли жамият, баркамол авлод тарбиялаш фикри фақатгина олимнинг эмас, балки давлат арбобининг — мустақил Ўзбекистон Президенти **Ислом Каримовнинг** уй-хаёлида, юрагида, қалбида сайқал топди, илмий асосланди.

**Мазкур масала давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилиниши эса юртбошимизнинг сиёсий иродаси ва илмий жасоратини яна бир бор исботлайди.**

Учинчидан, мамлакатимиз фуқаролари саводхонлиги қарийб юз фоиздир. Бу омил эса «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ўрганишда, қабул қилишда ва амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳаётга тадбиқ этилгач у қандай натижалар, қанақа медалар беради? У медаларнинг инсоният ҳаётига, хусусан Ўзбекистон халқига таъсири, фойдаси нималардан иборат бўлади? Уларни ҳозирданоқ тасаввур этиш бизга куч-қувват, ишонч, шижоат бермайдими?

Хуш, бу саволларга қандай жавоб бериш мумкин, токи ёшларимиз, халқимиз бу қилинаётган ишларнинг моҳияти, мақсадига етсинлар.

Дарҳақиқат, Миллий дастурдан кузланган мақсадлар жуда кўпдир.

Аввало, бу мақсад ва вазифаларнинг тула амалга ошиши мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий муҳитнинг янада яхшила-нишига олиб келади, жамиятда янги шахс — **комил инсонлар** вужудга келади. Улар ҳаётга мустақил фикрга эга бўлган, гуманистик дунёқараш, ўз мақсад вазифасини чуқур англаган, мустаҳкам билимларга эга бўлган шахс нигоҳи билан қарайдилар.

*Жигдий, теран,  
ҳақиқий ирода энг  
аввало мақсадга  
эришишга ишонч  
тасаввури билан  
уйғунликда  
ифодаланади.*

Иоганн ГЁТЕ

Иккинчидан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг татбиқи кишининг жамиятда ўз ўрнини топиш жараёнини тезлаштиради. Зеро, ҳар бир инсон усмирлик, яъни вояга етиш арафасиданоқ жамиятда ўз ўрнини тона олиши ва белгилай билиши лозим. Акс ҳолда бу унинг ҳаёт йулларида сарсон, мақсадсиз бўлиб қолишига олиб келади. Бу эса ёшларнинг узига ишончини сундириши, айрим ҳолларда жамиятда ўз ўрнини тона олмасликка, ўз фойдаси ва жамият фойдасини таъминлай олмаслигига сабаб бўлади. Демакким, унинг шахс бўлиб шаклланиши гумон бўлиб қолади.

Кадрлар тайёрлаш **миллий моделини** ҳаётга тадбиқ этиш билан ана шундай салбий оқибатларнинг олди олинади.

Ўзи хоҳлаб, кўнглидаги касб бўйича ишлаганга не етсин! Бу ўз-ўзидан танлаган ишидан, ҳаётдан қониқиш ҳиссини пайдо қилади.

Масалан, 1998—1999 ўқув йилидан бошлаб тажриба сифатида республикамизда 35 та (14 академик лицей ва 21 та касб-ҳунар коллежи) ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасалари ташкил этилди ва фаолият бошлади. Ушбу ўқув муассасаларини 3 йилдан кейин битириб чиқувчилар янги таълим тизимининг биринчи қадирғочлари ҳисобланади. Яъни, **комил инсонларнинг** жамиятга, ишлаб чиқаришга кириб бориши бошланади. Табиийки, бу жараён йилдан-йилга такомиллашиб, салмоғи тобора оша боради ва ўз навбатида кўзланган натижага эришишимизга замин тайёрлайди.

Учинчидан, Кадрлар тайёрлаш миллий модели жамиятимизнинг кенг интеллектуал салоҳиятидан фойдаланишда катта аҳамиятга эга.

Табиийки, жамиятдаги ҳар бир

*Оз бўлса ҳам  
билмоқ учун  
кўп ўқимоқ  
зарур.*

МОНТЕСКЬЕ

*Ҳар қандай билим  
бизни ғайратга  
ундаган  
тақдирдагина  
қимматлидир.*

Йожеб ЭТВЕС

инсон узига хос салоҳиятга эга бўлади. Агар мазкур ички имкониятларини тула намоён этиш учун барча шароитлар яратилса, агар ҳар бир инсон уз имкониятлари ва истеъдодини, узининг, оиласининг фаровонлиги учун, халқи ва юрти учун сарф этса бу **жамият нақадар юксак** натижаларга эришишини тасаввур этиш қийин эмас.

Туртинчидан, **Миллий дастурининг** амалга оширилиши жамиятда мустақил фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади. Бундай шахсларнинг кўпайиши **жамиятда оғли ҳаёт кечириш** тизимини

вужудга келтиради. Одамлар оломон бўлиб яшашдан бош тортадилар, ҳар бир киши ўз ақли, ўз меҳнати, ўз хулосаси билан яшай бошлайди. Энг асосийси бундай кишиларга четдан ҳеч қандай нопок куч, бузук гоълар, қуруқ шиорлар, чақириқлар билан таъсир этиб бўлмайди. Бундай одамларни ўз танлаган йўллари, мақсадларидан ҳеч қандай куч тойдира олмайди. Айнан шу хислатлар, **миллий хавфсизликнинг мустаҳкамланишига олиб келади.**

Бешинчидан, Ўзбекистон халқи ўз олдига **ҳуқуқий демократик жамият қуриш мақсадини қўйган.** Бу йўлда биринчи, лекин жуда муҳим қадамлар қўйилган. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳаётга тадбиқ этилиши халқаро ҳамжамиятда ўз ўрниميزни мустаҳкамлашга олиб келади. Негаки дунёнинг бугунги ривожини шундай бир мавқедаки, ҳал қилувчи омил ҳарбий қудратда эмас, балки интеллектуал салоҳиятда, **фикрда, ақлда, илғор технологиялардадир.** Президент Ислам Каримов томонидан лутф этилган: «**Куч — билим ва тафаккурда**» деган хикмат бугун ва эртанги кун учун айтилгандир.

Хулоса қилиб айтганда: «**Кадрлар тайёрлаш миллий дастури**»да

белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши баркамол шахсни — инсонни ва шу тариқа онгли жамиятнинг шаклланишига, яъни янгича онгга, тафаккурга эга булган шахсларнинг купайишига ва бу уз навбатида ижобий равишда «портлаш эффекти»нинг содир булишига олиб келади.

Бу тўғрида Узбекистон Президенти «Тафаккур» журнали бош муҳарририга берган интервьюсида айтганидан теранроқ баён этиш мумкин эмас:

**«...Ишончим комил: агар бу ислохотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га, яъни унинг самарасига эришамиз.**

**Бу нима дегани?**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизда, шу жумладан, ҳали сиз тилга олган икки ҳужжатда назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради, Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак...»

«Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали аввало ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдирдан, ватанидан рози бўлиб

*Одами эрсанг  
демагил одами,  
ониким йўқ халқ  
вамидин вами.*

Алишер  
НАВОЙЙ

*Инсоний  
вужуддан  
мақсад—энг  
олий бахт-  
саодатга  
эришувдир.  
Бахт-  
саодатга  
эришув ва  
туғма  
қобилият-  
ларнинг  
ривожлани-  
ши ўз-ўзича  
бўлавер-  
майди,  
балки бу  
масалада  
қандайдир  
бир муаллим  
ёки  
раҳбарга  
муҳтожлик  
туғилади.*

Абу Наср  
ФОРОБИЙ

яшайди. Умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу гоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир».

«Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, ниймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин оигли турмуш кечирини жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча — ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, оигли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барно этган маънавий-руҳий муҳитни сохта ақидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавоий шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл идрок ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди».

«Таълимнинг янги модели жамияти-мизининг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва

ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадик, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен «портлаш эффекти» деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман». Баркамол авлод орзусини рўёбга чиқариш учун жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси, фидойи инсонлари бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишса кузланган натижага эришилади.

**«Биз болаларимизни ҳеч кимга бермаймиз»**

Шубҳасиз, юқорида таъкидланган ижобий маънодаги “Портлаш эффекти”га эришамиз, албатта. Бироқ бу осонликча амалга ошмаслигини атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар кўрсатиб турибди. Бунини жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси, айниқса ўқувчи, талаба ва ёшларимиз тушунмоқлари, масаланинг моҳиятига етиб боришлари лозим.

1999 йил 16 февралда мамлакатимиз пойтахтида содир этилган мудҳиш

*Таълим ва уни ислоҳ этишга сарфланган маблағ зое кетмайди, аксинча, жамиятимизни муваффақиятли ва изчил ислоҳ этиш учун қуғратли, таъсирчан омил бўлади, пировардига «портлаш эффекти»ни беради.*

Ислом  
КАРИМОВ



*Ғояга қарши фақат  
ғоя, фикрга қарши  
фақат фикр,  
жаҳолатга қарши  
фақат маърифат  
билан баҳсга  
киришиш, олишиш  
мумкин.*

**Ислом КАРИМОВ**

қупорувчилик ҳаракатлари ижобий “Портлаш эффекти”га нималар тусиқ булиши мумкинлигини яққол кўрсатиб берди. Маърифатга ҳар қадамда жаҳолат тусиқ булишини ҳаётий мисоллар орқали англамоқдамиз. Демак, биринчи тусиқ - ЖАҲОЛАТ. Жаҳолатга қарши эса фақат МАЪРИФАТ билан курашиш лозим.

Хуш, маърифат нима-ю, жаҳолат нима? Жаҳолат сўзи изоҳли луғатимизда “илм маърифатдан маҳрумлик, қоқоқлик, маданият-сизлик, нодонлик, зулмат” дея талқин этилган. Улуғ ёзувчимиз

Абдулла Қодирийнинг “Утган кунлар” романидаги Мирзакарим Қутидорнинг қизи — Кумушбибига айтган фикри ёдингиздами? “Жаҳолат келса, ақл қочадир, қизим!” деганди у.

Дарҳақиқат, дунёни жаҳолат эгалласа нафақат ақл, балки ақлни пешлайдиган маърифат, маънавият, ҳурфикрлилик, инсон озодлиги барча барчаси барҳам топади.

Маърифат эса “кишиларнинг онг — билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбия”, дейилади изоҳли луғатда. Умуман олганда бу фикрларга қўшиласиз. Бироқ уни янада бойитиш мумкин.

Демак, жаҳолат билан маърифат бир-бирига тамомила қарама-қарши, бир-бирини сиқиб чиқарадиган тушунчалардир.

Жаҳолатда ҳислат йўқ. Маърифатда иллат йўқ. Маърифат жаҳолатнинг иллатидан ўз мақсади йўлида фойдаланмайди. Бироқ жаҳолат ўзининг манфур ниятини амалга оширишда маърифатнинг ҳислатларини ишга солади, ўзининг гаразли мақсадига эришиш учун маърифат ниқобига кириб иш юритади. Бизда ҳам шундай бўлди. Бу жараёнда қанчадан-қанча ўзбек ёшлари алданиб қолдилар. Мустабид тузум ота-боболаримиз

ардоқлаган ислом динига умуман йўл бермаганлиги ҳаммамизга аён. Мустақилликка эришгач эса одамларнинг кўнгли унутилган бошқа қадриятларимиз қаторида ислом динига ҳам талпинди. Мустақил юртнинг биринчи Президенти Ислам Каримов мачитларни очишга ўзи бош бўлди. Ислам Оллоҳни, яъни ўзликни таниш динидир. Бироқ исломга талпиниш икки хил кечди. Бири илм орқали, ўқиб, ҳар бир айтилган ва ўқилган фикрларни таҳлил қилиб урганган бўлса, бошқаси кўр кўрона, бировнинг чиройли сўзлари воситасида "урғанди". Исламга, динга бўлган бу талпинишларнинг иккинчи кўринишидан жаҳолат усталик билан фойдаланди. Вақтинчалик мавжуд қийинчиликлардан маккорлик билан фойдаланган ҳолда жамиятдаги онгсиз ва касб-ҳунарсиз қатламни ўз тузогига илинтирди. Масалан, мустабид тузумдан мерос бўлиб қолган, юқорида таъкидланган онгсиз, касб-ҳунарсиз бўлган ёшларимиз бозор иқтисодиёти шароитида ўз уринларини топа олмадилар. Ҳақиқатдан ҳам онгсизлик, ҳунарсизлик кишини тўғри келган юмушни бажаришга мажбур қилади. Бундай ҳолларда кўпинча нопок, қабоҳатга хизмат қиладиган ишлар тўғри келади.

Ҳамма гап шундаки, жаҳолат ислом—поклик ниқобида ҳаракатда бўлди. Негаки, бу ёшлар учун ислом борасида айтилган ҳар бир фикр илоҳий бир нарсасдек қабул қилинди. Мустақил фикрлай олмаслик бу "даъватлар" нима учун ва нима мақсадда қилинаётганлигини фарқлагани қўймади.

Натижа нима бўлди? Юртда ўз Онаси — Ватанига қўл кўтарган падарқушлар пайдо бўлди. Асримиз бошида Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг "Падарқуш" асарида бу иллатнинг келиб чиқишини айтиб

*Жаҳолат  
ҳомийлари  
аслига  
инсониятнинг  
энг ашаддий  
душманларидир.*

**КЛОД ГЕЛВЕЦИЙ**

## БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

берган эди: “Бизларни хонавайрон, бачагирён, беватан ва банди қилган тарбиясизлик ва жаҳолатдур...” Жаҳолат 1999 йил 16 февраль куни тарихимиз саҳифасида узининг қонли изларини қолдирди. Сиз суратда кураётган манзаралар ана шу жаҳолатнинг излари, айрим кўринишлари...



• Жаҳолатдан ҳеч қачон яхши из қолмаган.



Ўзбекистонга дунё халқлари ҳамдарад бўлди. Давлатимиз раҳбари номига кўплаб телеграммалар, мактублар кела бошлади. Мана улардан айримлари:

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримов жаноби олийларига

Хурматли Президент Жаноблари!

Америка халқи ва мен кеча республикангиз пойтахти — Тошкент шаҳрида рўй берган портлашлар ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда оғир қайғуга ботдик. Биз фожиали ҳалок бўлган кишилар оиласига чуқур таъзия билдирамыз.

Сайёрамызнинг ҳар бир бурчагида тинчликпарвар кишилар терроризмни қаттиқ қоралайди ва унга қарши курашади. Жароҳат олганларнинг барчасига уларнинг тезда соғайиб кетишини, бутун Ўзбекистон халқига эса ўз оилам ва халқим номидан йўллаётган энг эзгу тилакларимни етказишингизни сурайман.

Камоли эҳтиром ила,  
Уильям Ж. КЛИНТОН,  
Америка Қўшма Штатлари  
Президенти

\*\*\*

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Ислом Каримов жаноби  
олийларига

Президент жаноблари!

Мен Тошкентда юз берган ҳамда аҳоли уртасида кўпгина қурбонларга сабаб бўлган қабих суиқасд ҳақида ҳозиргина хабар толиб, қайғуга ботдим.

Франция аҳли бундай жиноий

Жоҳилликдан  
бесаодатлироқ  
нима бор?

Алишер  
НАВОИЙ

ҳатти-ҳаракатларни қаттиқ қоралайди ҳамда мамлакатингизда юз берган мудҳиш жиноят туфайли уйгонган ташвиш ва қайғуга шерикдир.

Сиздан ҳолақ булганларнинг оила аъзоларига менинг чуқур таъзиямни ҳамда жароҳатланганларнинг тезда соғайиб кетишини тилаб, билдирган ниятларимни етказишингизни сўрайман.

Президент жаноблари, Сизга нисбатан ҳамisha юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Жак ШИРАК,  
Франция Республикаси Президенти.

\* \* \*

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Тошкент шаҳрида рўй берган ёвуз террорчилик хатти-ҳаракати ҳақидаги хабарни эшитиб ташвишга тушдим, газабландим. Аминманки, ушбу жинояткорона хатти-ҳаракат ташкилотчилари ва ижрочилари разил ниятларига — барқарорликни издан чиқариш, қардош Ўзбекистонни танлаган йулидан қайтаришга эриша олмайдилар.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сиз билан бирга эканлигимизни, сизларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигимизни маълум қилмоқчиман. Ўзбек халқига сабр-тоқат, бардамлик тилайман.

Ҳалок булганларнинг қариндошларига, яқинларига ҳамдardлик билдираман.

Ҳайдар АЛИЕВ,  
Озарбайжон  
Республикаси Президенти

*Дўстимга тушган  
хавф мени ҳам  
тахликага солмас  
экан, бу чинакам  
дўстлик эмас.*

*Дени ДИДРО*

“Дуст кулфатда билинар”, деган доно нақл ҳам боболардан қолган. Ўзбекистонга дуст булган барча мамлакатлар унинг гамига шерик бўлди.

Халқимиз-чи? Мустақиллик ўз узидан келгандек, беғам, ташвишсиз яшайтган халқ бир қалқди, хушёр тортди. Ҳар бир суҳбатида, нутқида огоҳликка чақираётган Ислом Каримовнинг ташвиши уринли эканлигини халқ англаб етди. Юртни босқичма-босқич маърифатли, демократик жамият сари бошлаб бораётган Юртбошининг ҳаёти ҳам халқ учун нақадар аҳамиятли, нақадар азиз эканлигини у дилдан ҳис қилди.

Жаҳолат  
зеҳнини  
зулмати, ойсиз  
ва юлдузсиз  
зулматдир.

ЦИЦЕРОН

\*\*\*

“Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Бу хабарни эшитиб ўзимга келолмай қолдим, — деб ёзади Хужабод туманидаги 18-урта мактаб директори М.Ақбаров.— Телевизор орқали кўриб, саломатлигингизни билиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Сизни аввало, Оллоҳ, қолаверса, эл-юртимизнинг дуоси асради. Мен шундай деб биламан. Бу қайси оқпадарнинг, қайси худобехабарнинг иши экан. 16 февраль куни содир этилган қўпоровчилик ҳаракатларидан олдимизда турган вазифаларга янада жиддий, масъулият билан ёндошмоғимиз кераклигини англаб етдик. Бизни танлаган йулимиздан қайтаришни, адаштиришни кўзлаган кучлар бор эканми, демак хушёр бўлишимиз керак экан. Айниқса, ёшлар тарбиясига булган эътиборни янада кучайтиришимиз лозим экан”.

Ёшлар ҳам узларининг ҳаяжонга тула қалб туғёнларини телевидение, радио, матбуот ва мактублар орқали билдирдилар. Уларнинг юракдан айтган фикрлари туғри йулдан кетаётганлигимизни тасдиқлади.

Жаҳолат-  
нинг уч  
тури  
мавжуд:  
умуман ҳеч  
нима  
билмаслик,  
ҳамма  
билган  
нарсаларни  
жуда ёмон  
билиш,  
лозим  
бўлмаган  
нарсаларни  
билиш.

Шарл  
ДЮКЛО

”Тошкентда бўлиб утган мудҳиш воқеа менинг жажжигина юрагимни ҳам ларзага солди ва ёвуз ниятли кишиларга нисбатан нафратимни уйғотди.

Президентимиз доимо “Келажагимиз ёшлар қулида” дея таъкидламоқдалар. Мактабимиз барча укувчилари бир-бирлари билан иноқ яшашга, фақат “аъло” баҳоларга ўқишга, мустақил Ватанимизга содиқ фарзанд бўлишга, юртбошимиз каби иродали инсон бўлишга қасамёд қилдилар.

Президентимиз бизни “уз фарзандларим” деб айтдилар. Биз ҳам у кишини узимизнинг севимли, мард, меҳрибон бобожонимиз дея фахрланиб юрамиз.

Эртага бобожонимга хат ёзаман деб уйлаб ётиб ухлаб қолибман ва тушимда Президентимизни курибман. Юзларингиз меҳрга тула экан. Оппоқ отда ҳамма Президентлардан олдинда чоғиб бораёпсиз. Эрталаб туриб, ойижонимга тушимни айтгандим, пешонамдан ўпиб, йиглаб юбордилар. Айтдиларки, “Президентимиз кечаю-кундуз бизни, болажонларни ўйлайдилар. Шунинг учун сенинг тушингга кирганлар. Ниятлари уша минган отдек оппоқ-да”, — дедилар.

Қани энди Президентимиз билан унгимда ҳам куришсаму, дилимдаги гапларни айтсам. Доимо бизнинг бахтимизга соғ бўлинг, узоқ умр кўринг! Биз набираларингиз ишончингизни оқлаймиз. Сиз каби Ватанни севадиган, жонини ҳам аямайдиган инсонлар бўлишга

ваъда берамиз. Катта булсам, албатта, сизни узим қуриқлаб юраман. Сизни ёмон кўзлардан худо асрасин!

Мустақил Ўзбекистонимизга куз тегмасин!

Жонибек ҚОРАБЕКОВ,  
Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги  
Абдулла Қодирий номли мактабнинг  
6 “А” синф ўқувчиси“.

Мусофир булмагунча мусулмон бўлмайсан, деган нақл бежиз айтилмаган. Ўзга юртда ўз ватанинг ҳақида ўзгача муҳаббат билан уйлайсан киши. Мустақиллик сабаб, бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўлаб-қувватлаш “Умид” жамғармаси орқали хорижда ўқиётган ёшларимиздан 16 февраль воқеалари муносабати билан кўплаб номалар келди. Чунки бугунги амалга оширилаётган ислохотларнинг қандай натижа беришини, қолаверса Ватаннинг азизлигини мусофир юртда яшаётган, айниқса ўқиётган инсон яхши англайди.

### *Буюк Британиядан мактуб*

«Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Биз, юртимиздан узоқда — Буюк Британияда таълим олаётган талабалар ушбу мурожаатномани Сизга ва Сиз орқали бутун Ўзбекистонимиз халқига етказмоқчимиз.

16 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган

Ёшлари-  
мизни,  
болалари-  
мизни,  
фарзанд-  
ларимизни  
ҳеч  
кимнинг  
қўлига  
бермаймиз!  
Уларни  
ўзимиз, ўз  
қўлимиз  
билан  
тарбия  
қиламиз.

Ислом  
КАРИМОВ



дахшатли воқеалар бизни бир тарафдан дахшатга солган бўлса, бошқа тарафдан газаблантирди.

Биз, бугун мустақиллигимизнинг деярли саккиз йиллиги арафасида юртимизда жуда катта ишлар амалга оширилганлигига гувоҳмиз. Афсуски, халқимизнинг бозор иқтисодиётини барпо этиш ва демократлаштириш йулида эришган ва эришаётган ютуқларига гараз кузи билан қаровчи ёвуз кучлар ҳам йўқ эмас.

Биз чет элда таълим олаётган узбекистонлик ёшлар шуни чуқур англаймизки, Ватанимизда амалга оширилаётган барча ижобий узгаришлар, давлатчилигимизнинг қайта тикланиши, мустақиллигимизнинг мустаҳкамланиши — ҳаммаси бевосита Сизнинг шахсингиз билан боғлиқдир. Бизни янада ранжитгани тараққиётимиз ва осойишталигимиз душманларининг айнан Ўзбекистоннинг бугунги барқарорлиги ва тинчлиги гарови бўлмиш Сиз, ҳурматли Президентимиз ҳаётига суиқасд қилмоқчи бўлгандир.

Халқ томонидан сайланиб, айна шу халқнинг манфаати йулида жон куйдираётган Юртбошимиз ҳаётига суиқасд

уюштириш — бутун Ўзбекистон халқига душманлик қилишдир. Ишончимиз комилки, бу ёвуз қилмишни содир этган жиноятчилар қўлга олиниб, жавобгарликка тортилади. Биз мудҳиш воқеа туфайли қурбон бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдираемиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон ёшларига мурожаат қилиб, уларнинг барчасини Сизнинг атрофингизда жипслаштириб, Сизга қанот бўлиб, танлаган йўлимиздан огишмасликка чақирамиз.

Сизга, ҳурматли Ислом Абдуганиевич, Хақ Таолодан узок

*Инсоннинг  
биттагина  
золими бор, у ҳам  
бўлса  
жаҳолатдир.*

Виктор ГЮГО

## БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

умр, мустаҳкам соглиқ ва бундан-да буюк ишларни амалга ошириш йулида куч ва қувват сураб қоламиз.

Сардор УМУРЗОҚОВ, Лочинбек САМАТОВ, Шоҳрух ШОРАҲМЕТОВ, Зафар КАРИМОВ, Баҳодир НИЁЗОВ».

Бу каби мактублар куп келди Ўзбекистонга. Барча маърифатпарвар, ватанпарвар кишилар Президент атрофида жипслашдилар. Хушёрлик ошди.

Тошкентдаги портлашлар ижрочиларининг аксарияти қулга олинди, халқ олдида очиқ суд қилинди. Судда нафақат Ўзбекистон, балки хорижий оммавий ахборот воситалари журналистлари, дипломатик корпус вакиллари қатнашдилар.

Тергов ва суд жараёнларида жуда куп разилликлар ошкор этилди, очилмаган жиноятлар, уларни содир этган жиноятчилар аниқланди.

Худди шу жойда кеча номаълум, бугун эса ҳаммага аён булган даврга қайтсак, зеро “Мозийга қайтиб иш куриш хайрликдир”, деган эди адибимиз Абдулла Қодирий. Мақсадимиз ёшларнинг адашиб ёмон йулга кириб қолишларининг олдини олишдир.

Маълум бўлдики, бу террорчилар гуруҳларига аксарият ёшлар адашиб кириб қолганлар. Хуш, бу йулга улар қандай қилиб жалб қилинганлар? Қуйида урганчлик 23 яшар Азимбек ва у каби адашган йигитларнинг пушаймонлари...

“Мен 1998 йилда Тошкентдаги университетта киришга уриндим, лекин имтиҳондан йиқилдим. Бозорда урта ёшлардаги Абдулҳақ исмли одам билан танишиб қолдим. У менга Тошкентда қурилаётган кичик бир масжидда бирга ишлашни таклиф қилди. Уйга қайтиб кетишга уялганим

*Кимки жиноятнинг  
олдини олишга  
имкони бўла туриб,  
уни қилмаса, у  
жиноятни  
рағбатлантиради.*

СЕНЕКА

*Саховат ниқоби  
остида ёвузлик  
қилинмаганда  
эди, дунёда бу  
қадар ёвузлик  
бўлмасди.*

**Мари ЭБНЕР-  
ЭШЕНБАХ**

сабабли рози бўлдим. Биз бир ойча ишладик. Масжид қурилаётган жойдаги ҳовлида яшадик, оқшомлари ҳаёт тугрисида, турмушда учрайдиган қийинчиликлар, адолатсизликлар ҳақида гаплашдик. Бригададаги одамлар тақводор эди, намоз ўқишар, бир-бирини ҳурмат қилишар, меҳрибонлик кўрсатишарди. Улар менга ёқиб қолишди. Ҳақиқий дустларимни топдим, деб уйладим. Улар фақат эътиқодгина киши ҳаётини яхшилайти, чунки дин орқали одамларнинг ўзлари руҳан тозаланади, яқинлари тугрисида гамхўрлик қилишади,

дер эдилар. Менда дин аҳкомларини урганиш ҳисси пайдо бўлди. Бунгача мен билан ҳеч ким бу ҳақда гаплашмаган эди. Ўзимни мусулмон деб ҳисобласам ҳам, намоз ўқишни билмасдим. Аммо Ислоннинг нима эканлигини, ислоний яшаш қандай бўлишини билмас эдим. Ҳаёт хусусида жуда кўп саволларим бор эди, бу саволларга ислон қандай жавоб беришига қизикдим. Шу сабабли иш тугаганидан сўнг ҳам янги дустларим билан алоқани ўзгим келмади. Улар ҳам агар иш топилса ёки мени ислонга ўқитиш учун жойлаштириш имконияти пайдо бўлса, сени ўзимиз топамиз, дейишди. Мен уларга турадиган жойимни ва телефонимни маълум қилдим.

Бир ярим ойдан сўнг улар менга қўнгиноқ қилишди. Отамга Тошкентда иш бор экан дедим. Бундан отам хурсанд бўлди. Тошкентга келганимда мен ислонни урганиш учун бир жойга боришимни айтишди, лекин бу “омонат”, ҳеч кимга айта кўрма, дея огоҳлантиришди.

Мен билан яна тўрт йигит Абдулҳақ ҳамроҳлигида автобусда йўлга чиқдик, сўнгра пиёда юрдик, дарёдан ўтиб, яйловга чиқдик. Қандайдир тожик қишлоғида икки кун меҳмон бўлдик,

уй эгаси ўзбек адабий тилида гаплашар эди. У эътиқодли, ислом динини яхши биладиган олим одам эди. Уй эгаси ҳузурига бир йигит келди, у тожикча гапирар эди. Уни бизга йўл кўрсатувчи деб таништиришди. Бизни таълим оладиган жойимизга бошлаб бориши керак экан. Уч кеча-ю уч кундуз тоғ даралари орқалаб йўл юрдик, доvon ошдик, қирғиз чўпонларининг қора уйларида тунадик. Сўнгра Хоит қишлоғи жойлашган тоғ ён бағрига келдик. Жангариларнинг асосий лагери шу ерда жойлашган экан, буни кейинроқ билдим”.

Ўзбекистон Президентининг халқимизга хос бағрикенглик билан билмай бу йўлга кириб қолганларни авф қилиш ҳақидаги мурожаати кўпчиликнинг ўз айбига иқроп бўлишга, ватанига хизмат қилиши учун сўз беришга имконият яратди. Бу ган бутун дунёга тарқалди. Азимбек ҳам шундай йигитлардан...

“Жангарилар лагерида бир йилдан кўпроқ бўлдим. У ерда ҳаёт ва тартиб қўрқинч асосига қурилган. Уша яқин утмишимни ҳозир эсласам, қўрқув ва тушкунликда яшаганлигимни англайман. У ерда ўтган кунларимни тасвирлашим қийин. Ҳар куни жисмоний тайёргарлик, ислом дини буйича мураббий таълими (буни даъват деб аташди), ҳарбий тайёргарлик, бошқа ишлар. Гуё ташқи дунё билан алоқа узилган жойда яшайтганга ўхшайсан, ташқаридан ҳеч қандай хабар келмайди. Бу ерда девор йўқ, лекин тутқун каби кун кўрасан, чунки лагерга ипсиз боғлаб қўйилгансан: кетиш мумкин эмас — пастанд тушадиган бирдан-бир йўлга постлар қўйилган, ҳужжат йўқ, пул йўқ, харита ҳам йўқ. Харита бўлмагач тоғда адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Ҳар куни шу аҳвол...

Лагерда диний таълимни ва

Бировнинг  
хатоси —  
бошқага  
сабоқ.

Жон РЕЙ

ҳарбий тайёргарликни яхши узлаштирамаганлар жазоланади. Кимки шубҳаланса, бу ердан кетмоқчи бўлса — сотқин ҳисобланади. Сотқинлар эса бу дунёда ҳам, нариги дунёда ҳам жазоланади — бу гаплар кун сайин қулоққа қуйиб турилади. Машғулот чоғида мунозарага йўл қўйилмайди — ҳар қандай шубҳага Оллоҳ номи билан чек қўйилади: “Бу оллоҳнинг иродаси”, “Оллоҳ бизга мадад беради”, “Оллоҳнинг инояти”, “Ҳаммаси Оллоҳга маълум”, дейишади. Саволлар ёки норозиликка Оллоҳ ва Пайғамбар номи билан чек қўйишади. Лекин бу гаплардан сўнг қалбингда тош пайдо бўлади. Чунки шубҳалар қолаверади, келажак эса мавҳум ва ишончсиз, умидсиз дунё бўлиб қуринади.

Биринчи марта мазкур лагерга кирганимда, атрофдаги гузалликни кўриб мафтун бўлдим. Лекин бир-икки ҳафта ўтгандан сўнг ҳамма нарса мунгли ва хунук қурина бошлади”.

Олим исмли йигит ҳам 23 ёшда. Уни ҳам юқоридагига ухшаш баҳона билан олиб кетишган. У жангарилар лагеридаги ҳаёт ҳақида бундай ҳикоя қилади.

«Бизни меҳмонларни кутгандай яхши кутиб олишди. Хоитда бир ҳафтадан кўпроқ дам олдик. Йўл кўрсатувчи уч кундан сўнг қайтиб кетди. Лагер командири ҳар биримиз билан алоҳида-алоҳида суҳбатлашди. Паспортимиз ва пулларимизни олиб қўйишди. У бизга бу ерда ислом динини, даъватни ўрганишимизни айтди. Ҳақиқатдан ҳам элликдан ортиқ киши туплангач, бизни уттиз кишилиқ гуруҳларга ажратиб, баланд тоғдаги Часув ва Девонасув лагерларига жунатишди. Сўнг ҳарбий таълим бошланди. Уч ойдан сўнг ҳарбий тайёргарлик тугагач,

*Ўзни бенуқсон  
ҳисоблаш  
адашининг  
энг тўғри  
йўлидир.*

Пьер БУАСТ

биз лагерда қолиб уни қуриқлай бошладик. Лагерда ёзда яшаш чакки эмас, лекин қишда деярли ҳамма совуқдан ва овқат етишмаслигидан қийналади. Беморларни фельдшер даволайди, дори-дармон эса жуда кам. Йигитлар орасида норозилик ҳам бўлди, уйга кетишга рухсат беришни талаб қилишди. Шунда отрядни тўплашди. Хоит лагерининг командири келди. Уйга кетишга рухсат беришни талаб қилган кишини хоин деб аташди. Уни саф олдига тиз чуқтириб, қуй каби сўйиб ташлашди. Норозиликка шу йўл билан чек қўйилди. Бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳар бири даҳшатга тушди».

*Ишни тузатиб  
бўлмайдиган  
гаражага олиб  
боргандан кўра  
хатони тан  
олиш анча  
олижанобротдир.*

*Лев ТОЛСТОЙ*

Юқорида номлари тилга олинган йигитларнинг Хоразмга қайтиш, яъни лагердан қочиш тарихи бир-бирига ухшамайди. Ҳаёт тажрибаси кўпроқ бўлган 26 яшар Қодир исмли масжид қурилишига «таклиф этилган» уста йигит лагердан қўйиб юбормасликларини тезда англаб етади. Саломатлиги яхши бўлмаган Қодир совуқдан касал бўлиб қолади. Узини яхшироқ ҳис этганда ҳам пастликдаги лагерга қайтиб, ҳукумат назорат қилиб турган ҳудудга ўтишга уриниб кўриш учун ўзини касалликка солади.

“Мени Хоитга олиб келишди. Ҳеч қандай дори-дармонсиз муолажа қилаётган фельдшер мени туман касалхонасидаги таниш врачга кўрсатмоқчи бўлди. Касалхона ҳукумат назорат қилиб турган ҳудудда жойлашган эди, уша ердан қочишга муваффақ бўлдим”.

*(Гулбаҳор Отаниёзова. Адашганлар ва маҳкумлар. «Маърифат» газетаси, 1999 йил 25 сентябрь).*

Айбини бўйнига олиб, тавба қилиб келган ёшларнинг барчаси кечирилди. Бу алданишлар, адашишлар жаҳолат натижаси эди.

Авф яхши  
 хулқларнинг  
 афзали,  
 инсониятнинг  
 акмалидур.  
 Жаноби ҳақ  
 Қуръони  
 каримда  
 авфни  
 мақтаб мадҳ  
 қилмишдур.  
 Олижаноб  
 кишилар  
 узрни қабул  
 қилур. Бир  
 киши қусур  
 ва  
 қабоҳатини  
 буйнига олуб  
 узр этса,  
 кечирур.  
 Катталиқ ва  
 улуғликнинг  
 лаззати  
 бировдан ўч  
 олмакда эмас,  
 балки авф  
 қилмакдадур.

Абдулла  
 АВЛОНИЙ

Бироқ машҳур жадид бобомиз Абдулла Авлоний жаҳолатнинг икки хил булишини ва улар бир-биридан фарқ қилишини қуйидагича таъкидлаган экан.

“Жаҳолат икки қисмдурки, бирини “жаҳли басит”, иккинчисини “жаҳли мураккаб” дейилур. “Жаҳли басит” маразига мубтало булган кишилар бир нарсани билмасалар ҳам билмаганликларини иқрор ва эътироф қилурлар. Шунинг учун бунинг давоси осон: фақат билмак ва урганмак йўлида жаҳду жадал қилмак ила бўлур.

“Жаҳли мураккаб” маразига мубтало булган кишилар бир нарсани билмас, билмаганини ҳам билмасдан биламан деб даъво қилур. Бизда бундай кишиларга “узбошимча” ва “ўзим билармон” исмини берурлар. Бу дарди бедавонинг иложи жаноби ҳақнинг лутф ва инояти ила ҳал ўлинмаса, тузалмоғи мушқил ва оғирдур”

Юқорида мисол келтирилган адашишлар, алданишлар жаҳолатнинг биринчи хилига мансуб, яъни бу дард тузалиши мумкин. Жумладан уларнинг тавбаси шахснинг маълум таҳлиллари натижа-сидаги хулосасидир.

Шу боис ҳам қуйидаги фикр бежиз айтилмади: «Давлатимиз адашиб хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятларни берди. Ўзининг бағри кеиғ кечиримли, эканни, тузумимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир карра тасдиқлади. Чунки, ана шу адашганлар ҳам

ўз фуқароларимиз, ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт қорига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир».

(И. Каримов. «Ҳушёрликка даъват». «Маърифат» газетаси, 1999 йил, 24 июнь).

Бироқ жаҳолатнинг иккинчи хилига чет элларда яшириниб, айримлари халқаро террорчилар гуруҳлари таркибида бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиб юрган нобакорлар киради.

Президент Ислоҳ Каримовнинг айтган фикрлари бугунги давр жаҳолатининг аср бошидаги жаҳолатига ўхшаш эканлигини, яъни жаҳолатнинг хиллари ва қиёфаси ҳар қандай даврда ҳам узгармаслигини кўрсатади.

“Биз барча маърифий мамлакатларда бўлганидек, гоёга қарши гоё билан курашиш тарафдоримиз. Афсуски, мутаассиб, насл-насабини унутган кимсалар билан гоёвий мунозарага киришишнинг ўзи бир азоб. Чунки уларнинг онги шу даражада заҳарлаб ташланганки, улар миясига ўрнашиб қолган ақидадан ўзга бирон-бир ҳақиқатни тасаввурига ҳам сиғдира олмайди. Агар улар билан баҳсга киришмоқчи бўлсангиз, иккита саволга жавоб беради-ю, кейин қотиб тураверади — учинчи саволга жавоб беришга на билим бор, на идрок, на ҳаётий тажриба”.

(И. Каримов. Ҳушёрликка даъват. Ўзбекистон Миллий ахборот

Оламда  
уч хил аблаҳ  
бор: анойи,  
яъни ўз  
разиллик-  
ларини юксак  
эзгулик деб  
ишонадиган  
аблаҳлар,  
ўз разиллик-  
ларини била  
туриб, бир  
оз орияти  
қўзийдиган  
аблаҳлар ва  
ниҳоят,  
шунчаки—  
онадан туғма  
аблаҳлар бор.

Фёдор  
ДОСТОЕВСКИЙ



агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. “Маърифат” газетаси, 1999 йил, 24 июнь).

Суд қора курсида утирганларга жиноятига яраша жазо берди.

Улар ўз қилмишларидан нушаймон эканликларини айтишди... Халқимизда эса ҳаёт чиғириқларидан омон ўтган мақол бор — “Сўнги пушаймон — ўзингга душман”...



Чет элларда яшириниб, ватанига қарата фитна уюштирган бир гуруҳ ватанфурушларнинг қидирилаётганлиги ҳақидаги ҳужжатлар “интерпол” — халқаро полицияга топширилди. Улар ҳам ушланиб, жазога тортилиши шубҳасиз. Бироқ дунёда яна бир даҳшатли жазо борки уни суз билан тушунтириш жуда мушкул. У ота-онанинг ўз фарзандини оқ қилишидир. Халқимизда “Она рози — худо рози” деган мақол—бежиз пайдо бўлмагандир, ахир. Халқаро терроризмнинг ҳомийларидан олинган ҳаром маблағлар эвазига ўз юртига, ҳатто ота-она, опа-сингилларидан воз кечишга чақирган бир ватанфурушнинг онаси айтган сузлар қуйидагича:

«...Рост гап, уғлимнинг шундай булишини билганимда, болалигидаёқ ўз қўлларим билан улдиришга булар эдим. Ҳозир ҳам улдиришга тайёрман: унинг қилмишларини кечириб бўлмайди. Бундай жиноятларни она қалби ҳам кечирмайди».

Дарҳақиқат, она қалби бундай қотилликларни ҳеч қачон кечирмайди.

Жаҳолат ва унинг ёшларимиз онгини заҳарлаганлиги хусусида мухтасар сўз юритдик. Шу билан бирга, хулосада Президент Ислом Каримовнинг бир неча бор такрор-такрор айтган гапини эслаш ўринли.

«Душманларимиз шунини яхши билиб кўйсинки, биз ёшларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Ёшларимизни ҳимоя қиламиз!

Агар биз шу ерда бўш келсак, ёш авлод тақдирига бефарқ қарасак, бу кечириб бўлмайдиган гуноҳи азим бўлади. Такрор айтаман: ёшларимизни, болаларимизни, фарзандларимизни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз! Уларни ўзимиз, ўз қўлимиз билан тарбия қиламиз! Нега деганда, булар бизнинг фарзандларимиз. Менинг фарзандим, сизларнинг фарзандларингиз. Нима учун мен ўзимнинг боламни қандайдир ақиданараст қўлига, разил ният билан юрган одамларнинг қўлига бериб қўйишим керак?!

Мен қатъий ишонч билан айтаманки, Ўзбекистонда яшайдиган миллион-миллион ёшлар менинг болаларим, менинг фарзандларим» (И.А.Каримов. Ирода ва иймон-эътиқодимиз синовини).

Президент айтган фикрлар бугун амалга ошяпти. Болаларимиз ҳимояланмоқда. Ёшлар ҳам ўз навбатида тўғри хулоса чиқармоқлари лозим.

Демак, бу фожеаларнинг барчасига жаҳолат сабаб, дедик. Хўш, жаҳолат қандай омиллар натижасида ривожланади? Бундан ташқари яна қандай тўсиқлар бизни кутмоқда? Уларнинг олдини олиш учун нималар қилмоғимиз даркор?

*Энг разил, айни  
пайтда энг  
оддий ва азалий  
кўрнамаклик —  
бу*

*фарзандларнинг  
ота-онани  
қадрламаслигидир.*

*Люк ВОБЕНАРТ*

Жаҳолатнинг қора излари ...



1999 йил 16 февраль ...

Маърифат манзаралари...



1999 йил 1 сентябрь

Олдимизда яна қандай  
тўсиқлар бор?

Бу саволнинг жавобига ҳозирдан аниқлик киритиб олмасак келажак ҳаётимизда дуч келадиган турли тўсиқларга қарши фаол кураша олмаймиз.

Демак, **билимсизлик** инсоннинг муте бўлиб қолишининг энг биринчи омилidir. Юқорида таъкидланган жаҳолатнинг келиб чиқиши, илдииз ёйиши билимнинг йўқлигига бориб тақалади. Билимли инсон таклиф қилинаётган ҳар бир ҳаракат ва фаолият тўғрисида «унинг моҳияти нимадан иборат? Нимадан келиб чиқади ва қандай натижага олиб келади? Менга яқинларим, халқимга, Ватанимга қандай таъсир кўрсатади?» дея ўйлайди, таҳлил қилади. Таҳлил натижасида пайдо бўладиган кўплаб саволларга жавоб топади. Шунда дўст билан душман, яхши билан ёмон фарқланади.

Билимсизлик миллий ва умумбашар қадриятларни қалбдан ҳис қилишга монелик қилувчи, миллати ва туғилиб ўсган она юрти қадриятларини тушунмасликка сабаб бўлувчи иллат ҳисобланади. Келажак учун қайғурмаслик, узоқни кўра билмаслик билимсизлик оқибатидир. Билимсизлик савод ва тарбия орасидаги номутаносиблик оқибатида юзага келади. Билимсизлик натижасида меҳнат ва ҳунарга бўлган табиий ишгиёқ емирила бориб, инсон оқ билан қорани ажрата олмайди, узоқни кўра билмайди ва мустақил фикрлай олмасликка —

*Енгиб  
ўтилган  
тўсиқлар-  
нинг  
кўплиги-  
гина  
жасоратга ва  
жасорат  
кўрсатган  
инсонга  
ҳақиқий  
тўғри  
баҳо бўла  
олади.*

Стефан  
ЦВЕЙГ

мутеликка маҳқум бўлади. Билим — йўлни ёритувчи машъал, дейди ота-боболаримиз. Ана шу машъалга эга бўлмаган одам эса ҳаёт йўлларида албатта қоқилади, ўз урнини топа олмайди.

Ҳадисда билим йўлида чекилган бир кечалик заҳмат минг кеча қилинган ибодатдан афзал эканлиги айтилади ҳамда бешикдан қабргача билим излаш кераклиги таъкидланади.

**Боқимандалик** 70 йилдан ошиқ ҳукм сурган тоталитар тузум қолдирган “мерос”дир. Боқимандалик мустақил Ватанимиз истиқболига, истиқлол ислохотларига жуда катта хавф эканлиги Президентимиз томонидан такрор-такрор таъкидланаётганлиги беҳуда эмас.

Ялқовлик, танбаллик, ҳаракатсизлик, янгиликка интилмаслик боқимандаликка хос иллатлардир. Боқимандалик кайфияти узоқ давом этса, инсон нафс йўлида ҳар қандай қабихликка қодир бўлади. “Олма пиш, оғзимга туш” қабилда яшаш одатга айланади ва нафсни қондиришнинг осон йўлига— жиноятга олиб боради.

**Бефарқлик** нафақат жамият равнақига тўсиқ бўлувчи, балки мустақилликка хавф соладиган иллатлардандир. Содир бўлаётган ислохотларга беписандлик, ютуқларни қадрига етмаслик, миллий ва маънавий қадриятларни менсимаслик, уларни кўз қорачиғидек асраш ҳиссидан маҳрумлик, пировардида инсонни тубанликка бошлайди.

1999 йил 16 февраль кунигаги

*Бепарволик  
ҳеч қачон  
яхшиликка  
олиб келмаган.  
Кўхна тарих  
бу борада  
бизга кўн  
сабоқ беради.  
Бизнинг  
миллатимиз,  
халқимиз  
оғир ва  
машаққатли  
тарихни  
бошидан  
кечирди.  
Фарзандлари-  
мизга шу  
тарихни  
ҳаққоний  
тарзда  
ўргатиш,  
мактабларда  
ўқитиш,  
китоблар,  
матбуот,  
телевидение  
орқали яққол  
кўрсатиш  
керак.*

Ислом  
КАРИМОВ

воқеалардан сунг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис биносида сўзлаган нутқида айнан ана шу иллатга алоҳида эътибор берди.

« Мен, эй одамзот, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, огоҳ бўлинглар, деб доим куйиб-ёйиб даъват этаман. Бу гап эҳтимол баъзи бировлар учун ортиқчадай туюлар. Лекин мен огоҳлик, огоҳ бўлиш ҳақида гапирганимда бугунгига ўхшаш воқеаларни назарда тутаман. Нега деганда, бир беғуноҳ одамнинг ўлими — бу кечирилмас фожиа. Чунки инсон табиасти ноҳақлик, зулмни қабул қилмайди. Авваламбор, Худонинг ўзи буни қабул қилмайди.

Яна такроран айтмоқчиманки, бугун кўнгина жойларда ҳаётимизда ана шундай бепарволик, фақат ўзини билиш, фақатгина ўзини ўйлаш, ўзи билан банд бўлиш кайфиятлари пайдо бўлди. Ҳаммаси ўзича кетяпти-ку, бугун кечаги кунга нисбатан ўсиш бор, пировард мақсадимизга ҳали тўла эришмаган бўлсак-да, сезиларли суръатлар билан ривожланыамиз, яна нима керак, деган қарашлар бизнинг сезгир, ҳушёр бўлишимизга ҳалақит бераётганини пайқамасдан қолдик.

Ҳолбуки, бу тинчлик учун курашиш керак, бу тинчлик учун, айтايлик, зарур бўлса, жон бериш керак. Тинчлик учун инсон ўзининг бутун кучини, ақл-идрокини сафарбар этиб, ҳаракат қилиши, меҳнат қилиши керак. Бу ҳаётни ҳимоялаш керак. Ҳимоялаш деганда мен нимани назарда тутяпман? Тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак. Келажак авлодимизни ҳимоялашимиз керак. Оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак.

Ҳимоя дегани нима? Ҳимоя дегани — аввало огоҳ бўлиш дегани. Мана шу каби бемаъни ишларни, қабих ниятларни сездингми, ёвуз

Фақат ўзи  
учун яшаш  
инсонликни  
суистеъмо  
қилишдир.

Вильям  
ШЕКСПИР

кучларнинг хатти-ҳаракатини, башарасини кўрдингми, бепарво бўлма! Нимага деганда, эртага шулар туфайли сенинг бошингга кулфат тушиши мумкин.

Бепарволик ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаган. Кўҳна тарих бу борада бизга кўп сабоқ беради. Бизнинг миллатимиз, халқимиз оғир ва машаққатли тарихни бошидан кечирди. Фарзандларимизга шу тарихни ҳаққоний тарзда ўргатиш, мактабларда ўқитиш, китоблар, матбуот, телевидение орқали яққол кўрсатиш керак».

Бефарқлик барча замон ва маконда қораланган. Навоий бобомизни эсланг: бобомиз бундайларни инсонликдан маҳрум кимсалар деб ҳисоблайдилар. Жамият учун қайғуриш, ўз бахт-саодатини жамият равнақида кўриш бефарқ кимсалар учун ёт хислатлардир. Халқимиз “бир болага етти қўшни ота-она” дейди, Ҳа, биз кимлар билан яшаймиз, ишляймиз, маҳалла, мактаб, муассаса ҳаётида қандай янгиликлар бўлди, қилинаётган хайрли ишларда менинг ишгироким қай даражада, жамиятга мен нима бердим, каби саволлар бизни ҳар сония, ҳар он ташвиш-лантириши керак эмасми, ахир.

Молнарастлик айнан юқорида таҳлилга тортилган билимсизлик, бефарқлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бири биридан келиб чиқадиган ўта салбий иллатлардир. Халқ, Ватан тақдирини ўйламаслик, ҳаёт лаззатини молдунё топишда кўриш молпарастликнинг асосий белгиларидир. Мол-дунёга ўч кимса арзимаган моддий манфаат учун Ватанини, иймонини, ота-онаси, ёру-биродарларини сотиши мумкин. Биз ҳозирда гувоҳи бўлиб турган террорчилик ҳаракатлари: пул топиш учун тинч аҳолини гаровга олиш, ўз юртига қурол билан

*... мавжуд тинчлик,  
барқарорликни  
сақлаб қолиш учун,  
эртанги кунимизни  
ҳимоя қилиш учун  
мен жонимни ҳам  
беришга тайёрман!*

Ислом  
КАРИМОВ



таҳдид қилишлар замирида асосан мол-дунёга ўчлик ётмайдими? Чор Россияси Туркистонни босиб олишларида ерлик аҳолининг мол-дунёга ўч вакилларидан фойдаланганликлари тарихдан маълум.

Юқорида таъкидланган иллатлардан фориғ бўлиш миллий дастурдан кўзланган мақсад — ижобий маънодаги "Портлаш эффекти"га эришишда пайдо бўладиган тўсиқларни енгиш демакдир.

Бундай тўсиқлар йўлимизда гов бўлса-да, миллий дастур қабул қилингач ўтган икки йилда жуда кўп эзгу ишлар амалга оширилди. Миллий дастур ниҳоллари бўй чўзиб, ўзидан нишона бера бошлади. Буни энди алоҳида бўлимда таҳлил қиламиз.

### Миллий дастур ниҳоллари

Ниҳол бу эндигина экилган ёки кукарган кучат. Ниҳолнинг рамзий маънолари жуда кўп. Ниҳол — яхшилик ва янгилик рамзи, покиза умидлар, эзгу мақсадларнинг бошланиш рамзи. Сарлавҳамизда ниҳол сўзининг ишлатилишида ҳам ана шундай

рамзий маъно бор. Баркамол авлод орзуси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни юзага келтирди. Бугун эса миллий дастур асосидаги амалий ишлар ўзидан белги бера бошлади. Шу янгиликларни биз миллий дастур ниҳоллари деб атадик. Миллий дастурнинг қабул қилинганига роппа-роса икки йил тулган кунлари юртимизнинг кўпгина гушаларида дунё андозалари даражасида қатор академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қурилди. Уларнинг янги тарихи бошланди. Уларнинг миллий дастур асосида, миллий дастурнинг энг ноёб, ўзига хос

*Ким ўз  
юртини  
севмаса, у ҳеч  
нимани сева  
олмайди.*

**Жорж  
БАЙРОН**

## БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ



қисми сифатида вужудга келиши бир ҳодиса бўлса, очилиш маросимининг давлат миқёсидаги воқеа бўлиши мазкур ишнинг нақадар аҳамият касб этишини яна бир бор тасдиқлади.

Мана шундай даргоҳлардан бири Тошкент шаҳар қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежидир. Коллеж 1999 — 2000 ўқув йилидан иш бошлади. Уқишнинг бошланиши коллеж тарихида ўчмас из бўлиб қолди. Уни 1999 йил 2 сентябрда Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов очди ва ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, жамоатчиликка қарата қисқача ва самимий нутқ сўзлади. Унда жумладан шундай дейилади:

«...Эртанги кунимиз, ҳаётимизнинг фаровонлиги, замондан орқада қолмаслик, тараққий топган давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, эртанги истиқболимиз, эртанги иқболимиз барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилишида, биринчи навбатда бизнинг ўрнимизга келаётган ёш авлодимизни ҳар тарафлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга, вояга етказишга чамбарчас боғлиқдир. Мана шунинг учун ҳам бу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишда бугунги кунда барча имкониятларимизни ишга солмоқдамиз. Ҳеч қандай маблағ, ҳеч қандай сармояларимизни аямасдан болаларимиз учун, севган фарзандларимиз учун мана шундай бинолар, ўқув



юртларини қурмоқ-дамиз. Агар таъбир жонз бўлса, мана шундай қурилишларни амалга оширар эканмиз, шу билан ўз келажакимизни қурмоқ-дамиз, ўз истиқболимизни яратмоқдамиз, десам, ўйлайманки ҳеч қандай хато ва муболага бўлмас”.

Миллий дастур асосидаги биринчи янги қурилган коллеж ишга тушди. Ундан қаноатландингизми,

мазмундаги журналистларнинг саволига Президентимиз жумладан шундай деди:

“Кечаги эришган ютуқларга нисбатан солиштирсак агар, албатта бу катта қадам, катта маррага етганмиз, агарки эртанги кун, эртанги мақсадлар нуқтан назардан қарасак, албатта буням камчиликлари бор. Бу ерда ҳеч қандай хафагарчиликлар бўлмасин. Бу ҳам бир табиий нарса”.

Дарҳақиқат ривожланиш давом этади. Бу сузлар ривожланишдан, изланиш, такомиллашишдан тўхтамасликка, уз-узидан ҳеч қачон қониқмасликка, янада янги марралар сари интилишга даъватдир. Бунинг учун эса тинчлик, тани сиҳатлик ва фаровонлик керак. Юртбошимизнинг ўша кунги журналистлар билан бўлган қисқа суҳбатидаги охириги сузлар ҳам, асосан, шу мазмунда бўлди.

“Мен фақатгина бир нарсани хоҳлайман: Осмонимиз мусаффо бўлсин, мана шундай масканлар — ўқув юртлари кўп бўлсин, бу ўқув юртларида дарс бераётган ўқитувчилар, мураббийлар кам бўлмасин ва аввал айтганимдек, болаларимиз бизларга нисбатан

кучли бўлсин, бизларга нисбатан доно бўлсин, билимли бўлсин ва албатта бизларга нисбатан бахтли бўлсин!”.

Коллежни курсангиз кўзингиз кувонади. Ҳақиқатдан ҳам тарбия ва юқори даражадаги таълим маскани. Коллеж биносидаги барча ўқув хоналари янги ва қулай мебел тўпламлари билан жиҳозланган.



“Физика”, “Кимё” лабораториялари, умумтаълим ва махсус фанларга ажратилган хоналар жаҳон стандартлари даражасида ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган. Pentium компьютерлари базасида жиҳозланган ва дастурлар билан тўлиқ таъминланган замонавий компьютер синфлари, лингафон хоналари мавжуд.

Коллеж синфхоналари янги педагогик технологияларни амалда тўлиқ қўллаш имконини берувчи мультимедиа тизими, турли проекторлар сингари ўқитишнинг замонавий техник воситалари билан жиҳозланган.

Ўқув юртида замонавий дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган “дурадгорлик”, “умумқурилиш ишлари”, “сув таъминоти ва канализация жиҳозларини таъмирлаш”, “газ таъминоти жиҳозларини таъмирлаш”, “электр газ пайвандлаш” устахоналари мавжуд. Улардан ишлаб чиқариш таълимини амалга ошириш учун фойдаланилади.

Коллеж ўз ички радио ва телемарказига эга бўлиб, 4 та каналда ишлайдиган ўқув телемаркази воситасида ўқув хоналарида бир

*Осмонимиз  
мусаффо бўлсин,  
мана шундай  
масканлар - ўқув  
юртлари кўп бўлсин,  
бу ўқув юртларида  
дарс бераётган  
ўқитувчилар,  
мураббийлар кам  
бўлмасин*

Ислом КАРИМОВ

вақтнинг узида 4 ўқув фильмини намойиш қилиш, шунингдек маънавий-маърифий тадбирларни ёппасига коллежнинг барча ўқув гуруҳларига узатиш имконини беради. Барча ўқув хоналарида хорижда ишлаб чиқилган телевизор ва радиокарнайлар ўрнатилган.

Ўқув юртида 400 уринли ошхона ва 300 уринли мажлислар зали ўқувчилар хизматида.

Ўқитувчи ёшларни жисмонан бақувват ва соғлом қилиб тарбиялаш учун махсус тиббиёт хоналари, ёпиқ спорт зали, теннис кортлари, футбол майдони, сузиш бассейнини

ўз ичига олган “спорт-соғломлаштириш маркази” мавжуд.

Юртбошимиз унинг очилиш маросимида таъкидлаб утганларидек, мазкур коллеж “келгусида очиладиган коллежлар учун андоза ва тажриба-синов майдончаси бўлиб қолди”.

Барно этилаётган ва яратилаётган академик лицейларнинг барчаси камида мана шу коллеждек бўлади. Бу шарт И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели ва миллий дастури» билан кафолатланади.

Янги аср бўсағасидамиз, бироқ Ўзбекистон таълим тизими тарихида янги аср аллақачон бошланди. Ҳар бир янги ўқув даргоҳи — миллий дастур ниҳоли. Ёшларимиз онгидаги ўзгаришлар, билимининг бойиши, ўрганаётган, эгаллаётган касб-ҳунарлари, ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг илк натижаларидир.

Эндиги ган шу ниҳолларни асраб-авайлаб нарваринлашда, яъни навбатдаги масала таълим мазмунини такомиллаштириб боришда.

Таълим мазмуни борасида “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорининг эълон қилиниши «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг икки йиллиги арафасида муҳим воқеа бўлди, десак муболаға бўлмас. Бир йил аввал Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан Республика миқёсида фанлар бўйича ташкил этилган тажриба-синов мактабларида яратилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари йил давомида синовдан ўтказилди. Олинган хулоса ва натижалар асосида биринчи бўлиб Ўзбекистонда тамомила янгича, мустақил юрт, миллат манфаатидан келиб чиқадиган, ривожланган мамлакатлар таълим тизимининг тажрибаларидан унумли фойдаланилган, умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Таълим стандартлари ва улар асосида тузилган ўқув дастурлари Халқ таълими вазирлиги “Таълим тараққиёти” ахборотномасининг 7 та махсус сонларида чоп этилди. Президент совғаси сифатида тарқатилган бу қўлланмалар ўқитувчиларнинг миллий дастурни ҳаётга тадбиқ этишлари, яъни баркамол-авлодни тарбиялашлари учун— йўл кўрсаткич бўлиб қолди.

1999—2000 ўқув йилидан бошлаб эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг стандарт ва дастурлари тажрибадан ўтмоқда.

Олий таълим соҳасида Марказий Осиё бўйича ягона бўлган Тошкент Ислоҳ университетининг очилиши ҳам «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да қўйилган вазифаларнинг бевосита бир қисмидир. Негаки, миллий дастурнинг мақсади ҳар қандай кўриниш ёки мазмундаги чаласаводликни тугатишдан, сифат жиҳатидан янгича, юқори савиядаги кадрларни тарбиялаш орқали тараққиётга эришишдан иборатдир. Мазкур илм даргоҳини





ҳам миллий дастур муаллифи Ислон Каримов очди.

Миллий дастур ижроси билан шахсан биринчи раҳбарнинг шуғулланишида катта маъно бор. Бунинг натижаси ўлароқ, 1998 йил декабрь ойидаги Олий Мажлис сессия-сида келгуси йил бюджети муҳокама этилди. 1999 йил таълим тизимига ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизи йўнал-тирилган ва унга қўшимча равишда фақатгина академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилиши учун 34 млрд. сўм маблағ ажратилди. Бу ажратмалар энг ривожланган

деб ҳисобланадиган давлатларнинг таълимга тизимига ажратмаларидан юқоридир. Айнан мана шу жиҳат сабабли Ўзбекистон таълимида олиб борилаётган ислоҳотлар дунё миқёсида тан олинди. Халқаро ташкилотларнинг ҳисоботларию, таъкидларига асос бўлди.

Шу маънода Жаҳон банкининг 1999 йил август ойидаги ҳисоботидан иқтибос келтирсак уринли бўлади. Зеро мазкур банк таҳлил ва танқид бобида ҳеч қандай давлатни аямайди. Шунга қарамасдан Жаҳон банки Ўзбекистонда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо беради:

*«Давлат ислоҳотлари дастури. Ўзбекистон ҳукумати келажак сари теран назар ташлаб кадрлар тайёрлаш бўйича давлат дастурига сингдирилган ҳамда Олий Мажлис томонидан 1997 йилда маъқулланган таълим тизimini ислоҳ қилиш бўйича улкан режаларни тайёрлади. Бу дастурда бутун таълим тизими қамраб олинган бўлиб, уни ислоҳ қилишнинг қисқа ва узоқ мuddатли истиқболлари режаси белгиланган. Мазкур дастур*

олдинга қўйилган залворли қадамдир».

Ушбу ҳисоботнинг бир бандида қуйидагича эътироф мавжуд.

*«Давлатнинг таълим учун харажатлари. Давлат харажатлари ҳақидаги сўнги маълумотлар ўзига хос жиҳатларни, шунингдек таълим даражасига, жумладан харажат турига кўра таълимга маблағлар ажратиш тузилмасидаги айрим ўзгаришларни очиб беради.*

Биринчидан, таълим учун ажратма даражаси (яъни ички маҳсулот ҳамда умумий бюджет харажатлари ҳиссаси)

ўтиш даври иқтисодиёти учун ажабланарли даражада юқори ва барқарор эканлиги кўзга ташланди. 1995—97 йилларда таълим учун сарфланган маблағлар умумий бюджет харажатларининг 20 фоизини, яъни ички маҳсулотдан 7 фоизга яқинини ташкил этган. Ҳаттоки капитал харажатларни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам бу кўрсаткич Европа ва Марказий Осиё ҳудуди бўйича энг юқори кўрсаткичлар қаторидан жой олади...»

*(«Ўзбекистон: ижтимоий ва тузилмалар ислоҳотлари сиёсати шарҳи». Жаҳон банкининг 1999 йил 25 августдаги (19626-рақамли) ҳисоботидан).*

Эътибор берган булсангиз, Жаҳон банки 1995—97 йилларни таҳлилга тортган. Бу курсаткичлар мамлакатимизда кейинги йилда, яъни «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинган янада ўсганлиги юқорида келтирилган рақамлардан яққол кўриниб турибди. Булар миллатимизнинг, давлатимизнинг, умуман Ўзбекистон халқининг халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган улкан ютуғидир.





Зехнингни  
кенгай-  
тирма,  
чуқурлаш-  
тир, токи  
нур  
таратувчи  
ойнанинг  
олов  
нуқтасига  
ўхшаб  
ақлингнинг  
бутун  
ҳарорати  
ва бутун  
шуури  
ҳам бир  
нуқтага  
жам  
бўлсин.

Клод  
ГЕЛВЕЦИЙ

Бу эътирофларнинг давомли бўлиши, яъни кўзланган мақсадга эришишимиз учун эса амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар талайгина.

Улар нималардан иборат?

Фикримизча, авваламбор миллий дастурда кўрсатилган мақсад ва вазифаларнинг моҳиятини жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси англаб, юрак-юрагидан ўтказиб, ушбу жараёнда ўзининг муносиб ўрнини топиши даркор.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жамиятда ҳали ишлатилмаган имкониятларимиз жуда кўп. Янги таълим мазмунининг шаклланиши, бу борада янги педагогик технологиянинг жорий этилиши, шу асосда янги ўқув қўлланмалари ва дарсликлари яратилиши, ва албатта, ушбу талабларга жавоб берадиган янги ўқитувчилар, олимлар авлодини тайёрлаш тақозо этилади.

Фан ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш ҳам катта аҳамият касб этишини бугунги олимларимиз теранроқ ҳис қилишлари ва зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажаришлари лозим бўлади. Яъни, илм-фан миллий дастурни амалга оширишда ўзининг мавжуд илмий салоҳиятини кўрсата билсин.

Ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳам мазкур жараёнга бевосита фаол ишгирокини таъминласин.

Ишлаб чиқаришнинг фаолиятсизлиги эса миллий моделнинг бир бутун бўлиб тўлақонли фаолият кўрсатишига монелик қилади.

Ушбу жараёнларни амалга оширишда чет эл инвестициялари, шунингдек давлатимизнинг турли грантлари жамгарма ва банк тизими имкониятларидан, ҳомийлик ёрдамларидан кенгроқ ва аниқ мақсадларда фойдаланиш керак.

Бугунги кун талаблари таълим саноатини барпо этишни кун тартибига қўйди. Зеро қурилаётган юзлаб, минглаб ўқув муассасалари учун замонавий ўқув қуроллари, лаборатория жиҳозлари, спорт инвентарларини ўзимизда ишлаб чиқармас эканмиз кўзланган мақсадга эришишда қийинчиликлар туғилиши табиий.

Хулоса қилиб айтганда миллий дастурда белгиланган вазифалар кўрсатилган муддатда баҳамжиҳатликда амалга оширилиши лозим.

Юртбошимиз бу вазифаларни ўзининг ҳар бир чиқишида таъкидлайди. Жумладан, биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги маърузасида ушбу вазифаларга яна бир бор тўхталди:

«Мамлакатимиз келажаги учун Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»нинг амалга оширилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу дастурни бажариш учун жавобгар кишилар олдига мен қўйдаги вазифаларни қўймоқчиман.

Биринчи. Янги ўқув йили бошлангунга қадар таълим тизимида мазкур тажриба қандай ўтаётганини ва унинг дастлаб-

*Бир соатлик иш бир кунлик тушунтирувдан кўра кўпроқ нарса беради, чунки мен болани устахонада машғул қилар эканман, унинг қўллари ақли учун ишлайди: у ўзини бор-йўғи ҳунарманд ҳисоблагани ҳолда файласуфга айланади.*

Жан Жак  
РУССО

*Ўзбекистонда  
яшаётган миллион-  
миллион ёшлар  
менинг болаларим,  
менинг  
фарзандларим!*

Ислом КАРИМОВ

ки натижаларини чуқур таҳлил этиб, таълим андозалари, уқув режалари ва дастурлари мазмунига ислоҳотларнинг бош мақсадидан келиб чиққан ҳолда, яъни янги авлодни камол тонтиришга қаратилган зарур тuzатишлар киритиш даркор.

**Иккинчи.** Янги дарсликларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вақтида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур.

**Учинчи.** Юқори малакали педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор бериш лозим. Кадрлар тайёрлашнинг сифати, эркин фикрловчи шахс — фуқарони камол тонтириш эртага синфхоналар ва аудиторияларда кимлар дарс ва сабоқ беришига боғлиқ.

Яна бир бор таъкидлаб ўтишга тўғри келади: амалга ошириладиган барча ислоҳотларнинг тақдири шу масалага, яъни кадрлар тайёрлашга чамбарчас боғлиқлигини биз аниқ ва равшан англаб олишимиз лозим. Узини шу мамлакатнинг ҳақиқий ватанпарвари деб биладиган ҳар бир киши бу Дастурни амалга оширишга ўз меҳнатини, ўз улушини қўшади, деб ишонаман».

## Махсус адабиётлар

- Исло Каримов.* Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида сўзланган нутқ. 1997.
- Исло Каримов.* Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. «Ўзбекистон», 1998.
- Исло Каримов.* Ўзбекистон, миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том, «Ўзбекистон», 1996.
- Исло Каримов.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том, «Ўзбекистон», 1996.
- Исло Каримов.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том, «Ўзбекистон», 1996.
- Исло Каримов.* Бунёдкорлик йўлидан. 4-том, «Ўзбекистон», 1996.
- Исло Каримов.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-том, «Ўзбекистон», 1997.
- Исло Каримов.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. «Ўзбекистон», 1997.
- Исло Каримов.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Ўзбекистон», 1998.
- Исло Каримов.* Халқимиз жипслиги — тинчлик ва тараққиёт гарови. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясида сўзланган нутқ. «Маърифат» газетаси, 1998 йил 29 август.
- Исло Каримов.* Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзланган нутқ. «Ўзбекистон», 1999.
- Исло Каримов.* Ирода ва иймон-эътиқодимиз синови. «Ўзбекистон», 1999.
- Исло Каримов.* Ҳушёрликка даъват. Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар. «Ўзбекистон», 1999.
- Президент *Исло Каримовнинг* Конституция кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. «Халқ сўзи», 1999 йил 8 декабрь.

**БАРКАМОЛ  
АВЛОД ОРЗУСИ**

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти  
Тошкент — 2000

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

**Нашр учун масъул:**  
**Тўхтанулаг РИСҚИЕВ**

**Тузувчилар:**  
**Шавкат ҚУРБОНОВ**  
**Ҳалим САИДОВ**  
**Рустам АҲЛИДДИНОВ**

Мухаррирлар А. РАҲИМОВ, М. АМИНОВ, Ш. МАНСУРОВ  
Бадий муҳаррирлар А. ШОКИРОВ, А. БУРҲОНОВ  
Техник муҳаррирлар И. БЎРИБОЕВ, М. АЛИМОВ  
Мусахҳиҳалар Н. ОЧИЛОВ, М. ИСЛОМБЕКОВА  
Компьютерда тайёрловчилар А. НАРМАНОВ, А. БИЛЯК

---

«Ma`rifat-Madadkor» нашриётида тайёрланди ва  
саҳифаланди.

Босишга рухсат этилди 99.30.12.  
Бичими 60x90 1/16. TimesUZ гарнитураси. Офсет босма.  
Шартли босма табоғи 15,5. Адади 30000. Буюртма № К7608  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги  
Тошкент матбаа комбинатида босилди.  
700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

Баркамол авлод орзуси // Тузувчилар: Ш. Қурбонов, Х. Саидов,  
Р.Аҳлиддинов.-Тулдирилган 2-нашри. - Т.: «Ўзбекистон миллий  
энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000.-248 б.

ББК 66.75р